

2018
4 (69)

XORIJIY FILOLOGIYA

til * adabiyot * ta'lim



FOREIGN PHILOLOGY

language * literature * education

O'zbekiston Respublikasi

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

4(69)/ 2018

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№4 (69), 2018.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Нёмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
НАСРУЛЛАЕВА Нафиса
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;
(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2018 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№4 (69), 2018.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
KHOLBEKOV Mukhammadjon
NASRULLAEVA Nafisa
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

*The journal is included in the list of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher Attestation
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;
(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

*The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2018.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Холбеков М. Уильям Фолкнер романлари поэтикаси.....	5
Дониёров Х. Ўзбек алифбоси ва имлосининг айрим масалалари	16
Яхшиев А. Отражение фразеологической системы в словарях (на материале немецкого языка).....	20
Галиева М. Интертекстуальная и прецедентная значимость библеизмов в художественном тексте	25
Умурова Г. Зулфия лирикасида туйғулар тадрижи	30
Насутион Ж. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг талабаларига хорижий талабалар учун индонезия тилини ўргатиш жараёнида ақлий хужум стратегиясидан фойдаланишнинг сўз бойлигини ошириш натижаси	37

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Nazarov P. Nemis tiliga o'zlashgan so'zlarning imlosi xususida.....	44
Байманов Х. Инсон характериға хос сифат лексемаларнинг валентлиги (Немис ва ўзбек тиллари мисолида).....	47
Kasimova A. The role and influence of Mass Media in teaching English.....	51
Шукуров Ф. Темурийлар даврида яшаб ижод этган шоирлар	54
Gafurova Sh. “Saddi Iskandariy” dostonidagi me’rojga bag’ishlangan bob badiiyati.....	58
Мухитдинова Н. Жойс “Дублинликлар” тўплами матнининг поэтик хусусиятлари (“Аравия” хикояси мисолида).....	61
Элова У. Хенри Лонгфелло шеърляти	66
Холматова В. «Прагматика» тушунчасининг талқини ҳақида	72
Шерназаров А. Қашқадарё воҳасидаги маҳаллий тожикзабон шоирлар ижодида фольклоризмлар	77
Адашуллоева Г. Сезиш ҳиссиётини ифодаловчи фразеологизмларнинг семантик таҳлили (тожик ва ўзбек тиллари мисолида).....	81

ЁШЛАР МИНБАРИ

Асадова Ч. Инглиз ва рус тилларида микдор категориясининг семантикаси.	87
Sherbekov B. Nemis tili frazeologik sinonimlari va ularning o'zbek tilida berilishi	91

ТАҚРИЗ

Мухамедова С. Тил ўқитиш методикаси учун муҳим манба	94
---	----



CONTENTS

REPORTS

Xolbekov M. The poetics of William Falkner's novels.....	5
Doniyorov Kh. Some problems of Uzbek alphabet and orphography.....	16
Yakhshiyev A. Demonstration of phraseological system in dictionaries.....	20
Galiyeva M. Intertextual and precedent significance of biblical idioms in fictional text.....	25
Umurova G. Description of feelings in Zulfiya's lyrics.....	30
Nasution J. The improvement of students' vocabulary of indonesian language for foreign speakers (ilfs) in Samarkand state institute of foreign languages in Uzbekistan by applying mind mapping strategy.....	37

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Nazarov P. About the spelling of loan words in the German language.....	44
Baymanov X. Valency of lexemes dealing with a human's character.....	47
Касимова А. Инглиз тилини ўргатишда оммавий ахборотнинг ўрни ва таъсири.....	51
Shukurov F. Activities of poets who have lived and worked in the timurid era.....	54
Gafurova Sh. Lyrics of chapters of epic poem "Saddi Iskandari" devoted to ascension.....	58
Muxitdinova N. The poetic features of "Araby" in James Joyce's Dubliners collection.....	61
Elova U. The poetics of H.W. Longfellow.....	66
Xolmatova V. About the meaning of the term "pragmatics".....	72
Shernazarov A. Folklorisms in the works of local tadjik poets in kashkadarya valley.....	77
Adashulloyeva G. Semantic analysis of phraselogisms expressing feelings dealing with sense (on the example of Tajik and Uzbek languages).....	81

YOUTH TRIBUNE

Asadova Ch. Semantics of the category of quantity in the english and russian languages.....	87
Sherbekov B. The synonymy of German language and their translation into Uzbek.....	91

REVIEWS

Muhamedova S. An important source for language teaching.....	94
---	----



УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ

*Холбеков Муҳаммаджон Нуркосимович,
СамДЧТИ филология фанлари доктори, профессор*

Қалит сўзлар: Одам Ато, Момо Ҳаво, иблис, модернизм, Йокнапатофа, онг оқими, символизм, постмодернизм, ички монолог, Аполлон, Дионис, Пантеон.

XX аср бадий тафаккур тамойиллари нуқтаи назаридан қараганда, жаҳон адабий жараёнида америкалик ёзувчи Уильям Фолкнернинг ўз ўрни, ўз услуби, қолаверса, ўз сўзи бор. Эндиликда классик даражасига кўтарилган ёзувчининг таркидунёчилигига, ўзи яшаган жамиятдан бирмунча узоқлашиб кетганига қарамасдан, йигирманчи юз йилликнинг долзарб муаммолари унинг ижодини четлаб ўтмади. Аслида, Фолкнер ўзи: “Мен ёзувчи эмасман, балки оддий бир кишлоки одамман, менда айтарлик буюк ғоялар йўқ”, дея “гуллаб” қўйганлиги унинг таркидунёчилиги ҳақидаги афсонанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Энг қизиғи, бу қабилдаги уйдирмани у рад ҳам этмади. Шилқим репортёрлардан ўзини доимо четга олган, жонни бездирган журналистлардан мумкин қадар узоқлашишга ҳаракат қилган Фолкнер аслида, илҳом бағишловчи танҳоликни афзал кўрарди. Пойтахт ғала-ғовури, у ердаги “қайноқ” ҳаёт адибни ҳечам ўзига тортмаган. Умрининг аксар қисмини у АҚШ жанубидаги Миссисипи штатида жойлашган Оксфорд шаҳарчасида ўтказди. Аслида, унинг “жанубий одамовилиги”, феъли кўрс одамнинг такаббуруна соҳидлигига ёки ҳаётдан ўзини олиб қочишига сира ўхшамасди.

Фолкнер ижодининг пафоси – инсонга, унинг руҳи ва иродасига бўлган метиндек мустаҳкам ишончидадир, десак янглишмаган бўламиз. Адиб инсон ақлу заковатига чин юракдан ишонаркан, “Августдаги ёғду” романида шундай ёзади: “Инсон ҳаётда деярли ҳамма нарсага бардош бера олар экан. У ҳатто қилмаган хатоларига ҳам матонат билан чидай олади. Бардош бера олмайдиган

нарсалар борлиги ҳақидаги фикрнинг босимига ҳам чидайди. Йиқилиб, йиғлаб юборишдан бошқа чораси қолмаганида ҳам, ўзига буни эп кўрмай, маҳкам тура олади. Ўғирлиб қарасанг ҳам, қарамасанг ҳам фойдаси йўқлигини билатуриб, ортга қарамасликнинг ўзи ҳам собитқадамликдир”¹.

Фолкнер замондошларидаги ижод қилишга бўлган иштиёқни, мукамалликка интилиш, тақдир синовларига бардам қарши туриш куч-қудратини кадрлар, уларни қўллаб-қувватларди. Ёзувчи 1949 йил ўзига Нобель мукофотини топшириш маросимида сўзлаган нутқида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтаркан: “Биламанки, инсон қонида ҳаттоки урушларни бошидан кечиршига мажбурловчи улкан қудрат бор... Тавқилаънатнинг охирги бонги урилиб, умрбод ўчганидан сўнг ҳам, бир сас тинмайди: бу овоз нидосида унда авваллари бўлган нарсаларга нисбатан баланд ва мустаҳкам, улкан ва қудратли, ҳаётнинг беқарорлигига бардош берувчи иншоотни қуриши иштиёқи, орзу-умиди жаранглайди. Бироқ бу нидо азалдан, Иблис алайҳиллаина йўлдан оздирган Одам Ато ва Момо Ҳаво қилган дастлабки гуноҳи, қазои-қадарнинг бизгача етиб келган нидосидир, аммо унга ҳам, қанчалик уринмасин, одамни Ер юзидан йўқ қилиб ташлаш насиб бўлмади. Мен қўрқмайман... мен ҳазрати Инсон Масеҳни ҳурмат қиламан, унга мафтун бўлиб, ундан завқланаман”², деган эди.

¹ Уильям Фолкнер. Свет в августе. Пер. В. Гольшева. М., Изд-во: АСТ 2009. – с. 148.

² Қаранг: W. Faulkner. Essays, Speeches and Public Letters, N. Y., 1965, p. 114.



Модернизм руҳидаги адабиёт (Ж.Жойс, В.Вулф) таъсирида ривожланган мураккаб адабий-услубий шакл Фолкнер ижодини бошқалардан ажратиб туради, баъзан бир-бирини босиб кетаётган фикрлар оқими, тасодифий таассуротлар ва четдан туриб, гўёки бетараф, эхтироссиз олиб борилган кузатувларнинг қалаштириб юборилганлиги туфайли асл маънони, асосий мазмунни англаш мушкул. Фолкнернинг полифоник (кўп овозли) прозасида сюжет чизиқлари худди ўрмондаги сўқмоқлардек, гоҳ кўринмай қолади, гоҳ яна пайдо бўлади. Улар бир романдан бошқасига ўтиб кетади, кутилмаган бир пайтда ёзувчининг ҳикояларида учраб қолади. Фолкнер ижодий услубининг ушбу хусусияти уни кенг китобхон оммасига эмас, фақат мунаққидлар учун қизиқарли бўлган ёзувчилар каторига қўшиб қўйишларига изн беради.

Фолкнер романларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, ҳа деб бир эпизодга қайтавериш, матнда учровчи такрорлар оқибатида сюжетни аниқ кўринмасликка олиб келади, уни пайқаб олиш қийин бўлади, устига устак ҳикоя қилиш йўли йўқолиб кетади³. Бироқ энг муҳим хусусияти – образнинг ички монолог ва “онг оқими” орқали очилишидадир. Шу тариқа, Фолкнер романларида кўплаб нуқтаи назарлар, қарашларнинг кесишган нуқталари учрайди, ҳар бир персонаж битта эпизод ҳақида, аниқроғи, ўз ҳақиқатини сўзлайди. Ғоялар ва ижтимоий синфлар кураши муаллифни кўп ҳам қизиқтирмайди, у “инсон қалбининг ўзи билан олиб борган кураши”ни, ундаги табиий ибтидонини, туғма қобилиятни кўрсатади. У биологик ва социал зиддиятларга учраган фожиали инсонни, ўлим олдида ожиз, нотавон, лекин унга қаршилик кўрсатишга интиланган кучли ва иродали инсонни тасвирлайди. Унинг меҳри кичкина, бир қараганда кўримсиз одамлар, аянчли ҳолга тушган, ҳамма нарсадан бебаҳра қолган, хўрланган ва эзилган, бироқ ҳақиқий ҳис-туйғу ва

бировнинг дардига ҳамдард бўлувчи одамлар томонида, айнан шундай инсонларга унинг диққат-эътибори чегарасиз.

Фолкнернинг бадиий услуби ўзида бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки услуб, яъни Эрнест Хемингуэй намунавийлиги ва Томас Вулф романтикасини ўзаро муросага келтириб, бир маромга солади. У XIX аср охири – XX аср бошидаги бадиий услубларни муносиб баҳолаб, уларни ўз тажрибасида синаб кўргани ҳолда, ўз ҳикоя қилиш услубини турли шаклларда намоён қилишга, турлича янграшига эришишга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам, ёзувчилик ақл-идроки тарозисида аниқ ўлчанган ва пухта ишлаб чиқилган Фолкнер прозаси услуб жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи Ф. М. Достоевский, Т. Гарди, Ж. Жойс каби муаллифлар ижодига кўприк бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АҚШ жанубининг фольклор анъаналари, ўзига хос ҳазил-мутойибали нутқи, Инжилдаги баландпарвоз услубга тақлид қилиш кўп жиҳатдан Фолкнер услубининг ёрқинлиги ва ранг-баранглигини тақозо этади. Бундан ташқари, Фолкнернинг иқдор бўлишича, Муқаддас китоб (айниқса, “Таврот”, “Қадим Аҳд”) дан ташқари, у мунтазам равишда Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея”сини, Уильям Шекспир фожиаларини, Сервантеснинг “Дон Кихоти”, Генри Мелвиллнинг “Моби Дик”, Ф.Достоевский ва Ж.Конрад романларини қайта-қайта ўқир эди. Бироқ бу Фолкнернинг энг сара асарларида қаҳрамонларнинг бетакрор қиёфасини намоён этишга, ўзига хос бўлишига монелик қилмади. “Шовқин ва ғазаб” (*The Sound and the Fury*, 1929) муаллифининг насл-насаби – жанублик, шунинг учун ҳам (Томас Вулфдан фарқли ўлароқ – М.Х.) АҚШ жанубининг аристократ маданиятини мадҳ этувчи Фуқаролик уруши шамоллари олиб кетган нақл ва хотиралар унинг қалбидан муқим жой олганди. Бироқ ном-нишонсиз йўқолиб кетган ушбу цивилизацияни Фолкнер

³ Қаранг: W. Faulkner. *Essays, Speeches and Public Letters*, N. Y., 1965, p. 114.



афсонага айлантормади. Сабаби, у жанубликларни муқаррар мағлубиятга етаклаган ва натижада пароканда бўлишга олиб келган ижтимоий иллатлар ҳамда инсоний нуқсонлар, бир сўз билан айтганда, тарихий “гуноҳ”ларни яхши билар эди. Нима бўлганда ҳам, Фолкнерга шимолга нисбатан жануб ҳар жиҳатдан яқинроқ ва тушунарлироқ бўлган. Россия тарихида 1917 йил нимани англатган бўлса, Фолкнерга ҳам 1861 йил айнан шу маънони англатарди. Шу тариқа, “насли жанублик” Фолкнернинг тасавури бутун бошли бир оламни, яъни Миссисипи штатида Йокнапатофа деб номланган округни инкишоф этди. Бу “юрт”да, яъни 2400 квадрат мил майдонда, аниқ ҳисоблаб чиқилган 15611 одам романдан романга ўтиб яшайди ва улар орасида – полковник Сарторис (*Sartoris*, 1929) ва Квентин Компсон (*The Sound and the Fury*, 1929), Эдди Бандрен (*As I Lay Dying*, 1930) ва Эмили Грирсон (*A Rose for Emily*, 1930), Лукас Бичем (*Intruder in the Dust*, 1948) ва Айзек Маккаслин (*Go Down, Moses*, 1942), Флем Сноупс (*The Hamlet*, 1940) ва босқинчи Олакўз (*Sanctuary*, 1931) сингариларнинг ёрқин кўзга ташланиб турувчи қиёфалари мавжуд. Қадим Жануб манзараларини қайта тиклаб ва шубҳасиз, ўтиб кетган давр кадрига етган бўлса-да, Фолкнер, ўз замондошлари, рус муҳожир (масалан, И.Шмелёв – М.Х.) ёзувчилари каби шонли мозийга боқиб баҳра олиш ҳиссиётидан бирмунча йироқ. Гарчи уни рус адиблари билан қиёслагудек бўлсак, Достоевскийдан ташқари, унинг ёнига (шартли равишда, албатта) “Ўлик жонлар” муаллифи Н.В.Гоголнигина қўйиш мумкин. Шу билан бирга, Фолкнер, қадим нақл ва ривоятларни муносиб улуғлаб, уларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром келтиргани ҳолда, Жануб қайси фалакнинг гардиши билан таслим бўлди ва нима учун бу лаънат тамғаси XX асрда ҳам ўз кучини йўқотмаган, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, адиб Жанубнинг енгилишини насроний дин ва эътиқод нуқтаи назаридан баҳолашга интилмайди. Аммо бу муаммони тилга олганида (масалан, “Мусо, ерга туш”

романида) ҳам, Маърифат даври француз файласуфи Жан-Жак Руссо ва натурализм тарафдорлари Эмиль Золя, ака-ука Гонкурлар дунёқарошига яқин бўлган фикрлар билан баён этади.

Фолкнер асарларининг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, алоҳида олинган минтақа (АҚШ жануби) нинг ўтмиш тарихида, Фолкнер “Ғарб заволи” (О.Шпенглер) дан қайғураётган замондоши муаммосини кўтариб чиқади, тарихий ўз-ўзлигини англашда, ўз тақдирини ўзи белгилашда тўлиқ тушунилган ёки тушунилмаган мураккаб муаммоларни кўндаланг қўяди. Фолкнер асарларида замонадан кўрқиш мияни айнитувчи васваса даражасигача кўтарилади, зўравонлик жўрлигида кечади, ўлимни ахтариш билан бир вақтда содир бўлади. Замонадан кўрқиш ғайритабиий бўлган нарса (ишратпарастлик, бузуқилик, бесаранжомлик, беҳаёлик) ларга онгли ва онгсиз равишда мойиллик, портловчи моддаларга ҳаддан ташқари иштиёқ, қора танли ва оқ танли одамлар қонининг аралашиб кетиши тасвири билан алоҳида кўзга ташланиб туради.

Фолкнер ижодида Бош қаҳрамон – замонанинг ўзидир. Замона адибнинг чангалидан ҳеч қаерга қочиб қутула олмайди. Сабаби, замонанинг шахвоний ҳиссиётлар билан тўйинтирилгани, чигаллашиб кетган, оила ичидаги, яъни она ва ота, ота ва ўғиллар, ўғиллар ва севишганлар ўртасидаги кескин можаролар майдонига айланганидир. Фолкнер персонажлари ўзлари яшаётган замонни ўтмишга қарши қўймоқчи бўлаётгандек кўринади, бироқ улар ҳар бир сонияда, гоҳ “телба”, гоҳ “шухратпараст”, гоҳ “жиноятчи” қиёфасида гавдаланаркан, жавобгарликдан қочиб қутулолмайди. “Онги оқими” услуби воситасида вужудга келган нозик психологизм, иқтибослар тизими, юксак бадиий маҳорат билан Қадим Аҳдда тасвирланган образ ва сюжетларга ишлов берилгани Фолкнер асарларини ўқишни бироз мураккаблаштиради. Ирландиялик адиб Жеймс Жойс (“Улисс”) ва британиялик ёзувчи Виржиния Вулф



(“Маёкка қараб”) ларнинг романлари билан бир қаторда Фолкнер романлари (“Шовқин ва ғазаб”) ҳам инглизча адабий “модерн”нинг ёркин намунасига айланди. Қолаверса, романтизм, натурализм ва символизм адабий оқимларини, шунингдек, оилавий-маиший проза аъналарини, интеллектуал “ғоявий роман” поэтикасини бир-биридан фарқловчи адабий жараённинг якуний нуктаси бўлиб қолди.

Аслида, Фолкнерга, ватандоши Эдгар Аллан Пога ўхшаб, оламшумул шуҳрат Франция орқали етиб келди. Эҳтимол, бу ўзига хос тақдир қонуниятидир. Ахир, Париж ўтган асрлар давомида маданиятнинг авангард ўчоғига айланиб улгурган азим шаҳар эди. Бошқа америкалик замондошларидан фарқли ўлароқ, Фолкнер “аср интиҳоси”, “декаданс”, “жинс ва феъл-атвор” каби долзарб муаммолар мажмуини теран англагани ҳолда, ўзига маъқул услубда ижод қилди. Бу хусусда француз адиби, Нобель мукофоти лауреати (1964) Жан-Пол Сартр “Фолкнернинг “Шовқин ва ғазаб” романида замон ҳақиқати” (1939) номли мақоласида чуқур мушоҳада юритади.

Дастлаб француз символизм шеърляти (П.Верлен, С.Малларме, Г.Аполлинер) га қизиққан Фолкнер А.Суинберн ва Т.С.Элиот таъсирида шоир бўлмоқни ният қилган. Бунинг натижаси ўлароқ, 1919 йилда унинг “Фавн⁴ нинг пешин уйкуси” (*L'Après midi dun Faun*) номли биринчи шеъри “Нью Рипаблик” (*New Republic*) журналыда босилиб чиқади. 1924 йилда Фолкнер “Мармар фавн” (*The Marble Faun*) номли биринчи шеърый тўпламини нашр эттирди. Адабий танқидчилик “шеърларда муаллиф дунёни шоирона ҳис этиб куйлаш билан бир қаторда, уларнинг аксар қисми символистларга тақлидан ёзилгани сезилиб туради”, деган баҳони олади.

Фолкнер Шимол ва Жануб ўртасидаги фуқаролар уруши давридан то

⁴ **фавн** – қадим юнон мифологиясида: ҳосилдорлик, чорвачилик, дала ва ўрмонлар маъбудаси.

XX асрнинг 50 йилларигача бўлган АҚШ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи роман-эпопея яратишни мақсад қилиб қўяди. Шу мақсад йўлида у ўзининг полифоник (М.Бахтин) структурага эга “Сарторис” (*Sartoris*, 1929) романини ёзди. Романнинг ўз замони ва макони мавжуд, унда ёзувчи туғилган ва яшаган жойларни осонлик билан таниб олиш мумкин. Хуллас, муаллиф кашф қилган Йокнапатофа округи Фолкнер прозасида одамни билиш, уни ўз-ўзи ва ўз табиати билан олиб борган аёвсиз курашда, улғуворлик ва ожизликда кўриш, ўз қўли билан яратган дунё ва ундан ўзи азоб-укубат чекаётганини, қолаверса, ўраб олган муҳитни англашнинг универсал маконига айланди. Зохиран Фолкнер романлари муайян минтақага боғлангандек, уларда АҚШ жанубининг реал ҳаёти ўз ифодасини топади. “Сарторис” романи Йокнапатофа округи ва унинг пойтахти Жефферсон шаҳри тасвирланган биринчи асар бўлди. Роман дастлаб “Чанг босган байроқлар” (*Flags in the Dust*) деб номланганди.

Она юртидан фақат фавкулодда ҳолатларда узоклашган, ўз уйида муқим яшаган Фолкнер, режа билан жилд ортидан жилдга уланган ўн тўққиз номдаги романларини ёзиб, нашр эттиради. Улар қаторига “Мусо, ерга туш” (*Go Down, Moses*, 1942) новеллалар китоби (ёки новеллалардан иборат роман)ни ва ҳикоялардан иборат яна тўртта тўпламни ҳам қўшиб қўйиш мумкин.

Фолкнер қаламига мансуб асарларни шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратсак бўлади. Биринчи гуруҳга ёзувчига шуҳрат келтирган мураккаб сюжетли “Шовқин ва ғазаб” (*The Sound and the Fury*, 1929), “Мен ўлаётганимда” (*As I Lay Dying*, 1930), “Абсалом, Абсалом!” (*Absalom, Absalom*, 1936) романларини, шунингдек, “Мусо, ерга туш” китобидаги “Айик” (*The Bear*, 1942) роман-новелласини киритиш мумкин. Уларнинг барчаси, тор маънода тарих жумбоғига, кенг маънода эса замон тилсимига бағишланган. Тарих ва замон ўз қаърида яшириб келаётган сиру



синоатларга “калит” излатган даврда, яъни худди қадимий империялардек йўқ бўлиб кетган Жанубнинг афсонавий ўтмиши унинг романларида сақланиб қолди. Гарчанд Фолкнернинг жанублик қахрамонлари ушбу жумбоқларни ечишга кўпам уринмасалар-да, ҳар ҳолда чигаллашиб кетган қон-қариндошлик, насл-насаб ҳамда имон-этиқод қонуниятларини англашга, ғайришуурий хотира ва тасаввурга эга бўлишга ҳаракат қилишади. Сабаби, ушбу қонуниятлар ва хотира олдиндан белгиланган тақдир, қандайдир бир машъум қисмат туфайли келажакка таъсир этишни давом этарди. XX асрнинг деярли биринчи ярмига қадар яшаган жанубликлар ўтмиш васвасасидан қутула олмасдан унинг қурбонига айланардилар. Бу Фолкнер романларида акс эттирилган аччиқ ҳақиқат эди.

Фолкнер асарларининг иккинчи гуруҳига “Августдаги ёғду” (*Light in August*, 1932), “Қишлоқча” (*The Hamlet*, 1940), “Хокни булған одам” (*Intruder in the Dust*, 1948) романлари ва “Мусо, ерга туш” китобидаги аксар новеллалар киради. Бу ерда Жануб кечмишидаги “жиноят ва жазо” муаммоси асосан ирқий ва табиат фалсафаси⁵ нуктаи назарида намоён бўлади. Чуқур психологизмга йўғрилган “ғоялар романи” жанрига кўпроқ монанд келувчи ушбу асарлар поэтик жиҳатидан унчалик ҳам мураккаб эмас. Уларда (ўтган ишга салавот деганларидек) ўтмиш гуноҳларини ювиш мавзуси кўтарилади. Фолкнер бу мавзунини Нобель мукофотини топшириш маросимида сўзлаган нутқидан куйидагича ифодалайди: “...одам фалокатларга бардош берибгина қолмасдан, балки қийинчиликларни енга олади ҳам... негаки унинг қалби бор, унга сабр-бардошли ва раҳмдил бўлишга, ўзини қурбон қилишга қодир руҳ ато этилган”⁶.

⁵ Бу ерда **табиат фалсафаси** – бутун табиат ҳақида унинг қонуниятларини ўрганиш асосида эмас, балки мавҳум мулоҳазалар негизида яхлит бир тасаввур беришга интилган фалсафий таълимот.

⁶ Қаранг: W. Faulkner. *Essays, Speeches and Public Letters*, N. Y., 1965, p. 113.

Фолкнер ғайритабиий нарсаларга майли баланд одам бўлган, шу билан бирга, тақлид ва ўз-ўзига тақлид қилишга иштиёқманд ҳам эди. Унинг қаламига мансуб баъзи асарлар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Масалан, “Ибодатгоҳ” (*Sanctuary*, 1931) романи ёки “Эмили учун атиргуллар” (*A Rose for Emily*, 1930) новелласи шулар сирасидандир.

Новелла қахрамони Чарльз Диккенснинг “Катта орзулар” (*Great Expectations*, 1861) романидаги мисс Льюишем образига монанд, Гюстав Флобер қаламига мансуб “Соддадил” (*Un Coeur simple*, 1877) новелласига тақлидан ёзилган. Энг қизиғи, Фолкнер ижодида Эдгар По персонажларининг ғайритабиий нарсаларга бўлган ўчилиги бошқача оҳангда янграйди. Унда Эмили Грирсон ҳақида ҳикоя қилинади. Бу қиз бутун ҳаёти давомида ўз отасининг “соя”сида яшади, отаси ўз қизига жанублик зодагонларнинг “эрга тегиш”, “никоҳдан ўтиш” ва “оила қуриш” ҳақидаги қонуниятларини уқтириб боради, айрим “чеклов”лар хусусида ўз фикрларини “ўртоқ”лашади. Шу боис Эмили билан шимоллик бўлган Гомер Бэрон ўртасидаги никоҳ бузилади. Тўғриси, зулмкор ва букилмас отасига ўхшаб кетгучи ёш жувондан ҳадиксираган Бэроннинг ўзи ундан қочиб кетишга қарор қилади-ю, мисоли “ўлим каби тутиб турган муҳаббат” тузоғидан қутулиб кетолмайди. Қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида Эмили ўз севгилисини захарлаб ўлдиради ва унинг жасадига куёвлик костюмини кийгизиб, уйнинг иккинчи қаватида жойлашган хонадаги шкафга яширади. Ҳар замон хонага кириб, қаллиғи жасадига қараб, ундан лаззатланиб юради. Вужудни жумбушга келтирувчи бу ҳикоя, бир жиҳатдан, жанубий “готика”га, Ғарб декаданси “Зулм чечаклари” (Шарль Бодлер) га нисбат берувчи Зигмунд Фрейд таълимотидаги руҳий таҳлилга яқинлашади. Бошқа тарафдан эса, Жефферсон шахрида яшовчи одамлар учун аста-секин ўтмиш тимсолига айланувчи шахс ҳақидаги фожиали тарихга айланади. Бироқ эндиликда даҳшатли (тошбағир бут-



санамга айланган ота ва захарланган олифта куёв билан боғлиқ) ҳикояга эмас, балки ҳозирги замонга кескин равишда қарши қўйилган қадим замон афсонасига, жонли ва жўшқин поэзияга айланади. Фолкнер айнан ана шундай Эмили, ҳақиқий “*genius loci*”⁷ ҳақида ўнлаб овозлар жўрлигида (воқеа “биз” дегувчи шахс тарафидан олиб борилади) ҳикоя қилади ёки асли жанублик бўлган бир нечта авлоднинг муштарак жамоавий ғайришуурийлик тамойили замирида бутун бошли сага⁸ тўқимокчи бўлади. Қизиғи шундаки, асарда ҳеч қандай атиргул ҳақида сўз бормайди. Лекин айрим китобхонларнинг раҳмини келтирувчи, айримларида эса нафрат ҳиссини уйғотувчи бош қаҳрамон Эмили гўзал ва муаттар хидли атиргулга қиёсланади. Муаллиф раъйига қараб жиддийлик ва бачканалик, кибр-ҳаво ва камтаринлик, ортиқча фасоҳат ва сермазмунлик нуктасида, қолаверса, ҳам йиғлатадиган, ҳам кулдирадиган сюжетга эга проза ва поэзиянинг кесишган нуктасида мувозанатни зўра сақлаб турувчи ҳикоя, аслини олганда, худбинларча севгига лаънат келтирувчи сагадек жаранглайди.

Баъзан қарама-қарши, баъзан яқдил фикрларга қўшилган ҳолда, биз ҳам Фолкнер ижодининг марказий асари деб “Шовқин ва ғазаб” романини кўрсатамиз. Нафақат романдаги мавзулар мажмуини, балки муаллифнинг бадиий маҳорати, кўламдорлигини ҳам одилонга баҳолаш учун Фолкнер ҳаётидаги муҳим бир воқеани ҳисобга олиш зарур. Батафсилроқ айтганда, 1920 йилда Фолкнер символизм руҳидаги поэзиядан шахдам прозага ўтиб кетди ва бундан, бизнинг назаримизда,

⁷ *genius loci* – (сўзма-сўз: раҳмдил рух, балоказолардан сақлайдиган фаришта) – логична образли ибора. Одатда, бу ибора бирорта жойнинг бетакрор, дунёда ягона муҳитини жон-жаҳди билан кўриқловчи одамга нисбатан қўлланилади. Қадим Рим мифологиясига кўра, ҳар бир одам, қолаверса, дунёнинг ҳар бир қаричи, бино ёки муассасанинг ўз бало-казолардан кўриқловчи фариштаси бўлган, бироқ одамларкинидан фаркли ўлароқ, уларни жой фариштаси (лот. *genius loci*), деб аталган.

⁸ *сага* – Скандинавия ва Ирландияда қадимги халқ достонлари шундай номланган.

сира ютқазмади. Символизм ва постсимволизм (нақадар камёб ҳодиса!) оқимида ижод қилган аксар шоир ва ёзувчиларнинг тушунчасида проза ва поэзия ўртасидаги чегара ўта шартлидир. Муҳими, шеър ёки роман нима ҳақида ёзилганида эмас, балки улар қандай ёзилганидир. Яъни образсиз, беўхшов, шу билан бирга, бетакрор вазн ва қофияга эга ҳодиса шеърят қаридан юзага қалқиб чиққан, юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган конкрет кечинма, рухий ҳолат тасвири проза оламидир. У тилнинг тайёр, янгиша шаклида ўз ифодасини топади. Энг қизиғи, бошида ушбу шакллар Фолкнер қалбида янговчи “нотаниш мусиқа”га қаршилиқ кўрсатди, лекин ёзувчининг саъй-ҳаракатлари эвазига, ушбу садоланиб турувчи “мусиқа” билан ҳамоҳангликка тушади, уйғунлашиб кетади ва янги – уйғун жарангловчи, мажозий маъно тўла қиёфага айланади.

Француз шоири Анри де Ренье (*Henri de Régnier*, 1864-1936) бунга ўз муносабатини билдираркан, “ғоялар диссоциация”си ва уларнинг янгиша шаклга кириши, янги маъно касб этиши ҳақида сўзлайди. Инглиз шоири Т. С. Элиотга эса “объектив коррелят” (*objective correlative*)¹⁰ образи яқинроқди¹¹. Аниқроқ қилиб айтганда, бундан буюғи шеърятдан мутлақо хабарсиз ўқувчи эмас, балки тажрибали, шеърятдан етарлича билимга эга муштарий бу образни таниб олиб, сўзма-сўз, мисра ортидан мисрани ўқиб, тағмаъносига етиб, ушбу образнинг бадиий сўз орқали ўз ифодасини топган йўлини кузатиши мумкин. Бу йўл – шеърнинг ўзи, муайян макон ва замонга яширинган мусиқа, “тўлиқ анланмаган туйғу” ўрнига пухта ўйлаб чиқилган ҳиссиётнинг ўзгинасидир¹².

⁹ *диссоциация* – *фалс.* таркибий қисмларга ажралиш, парчаланиш.

¹⁰ *коррелят* – *фалс.* мазмуни бошқа тушунча билан муносабатдагина очиладиган тушунча.

¹¹ Комов Ю. Так хрупок мир за океанами: Томас Стернз Элиот: модернист, ставший классиком // В мире книг. - М., 1988.

¹² Элиот Т.С. Гамлет и его проблемы // Элиот Т.С. Назначение поэзии / Пер. с англ. - М.: Совершенство, 1997. - С. 151-156.



Асли америкалик, бироқ Европада муқим яшаб қолган ёзувчи Эзра Паунд лирика турининг ижодий кучи ҳақидаги масалани қўндаланг қўяркан, ушбу ўзига хос энергия “контур(шакл)ларни ювиб ташлайди, қайта-қайта гуруҳларга бўлади ва яна бирлаштиради”¹³, дея таъкидлайди. Бошқача айтганда, гап эмоционал ва интеллектуал яхлитликни ясовчи матн ҳақида бораркан, Т.С. Элиот фикрича, бора-бора сўзлар билан кенгаювчи, йириклашиб борувчи матн структурасини айнан маъно ва оҳанг ҳосил қилади. Ҳар қандай шеърий асар ўзида ижодий илҳом манбаи бўлмиш ҳиссиётга тўла маъноларни вазн ва қофияга асосланган ҳолда ифода қилади. “Шовқин ва ғазаб” романи айнан “шовқин”, яъни ёзувчининг “ғазаби” билан шеърият мусиқаси тўқнашувининг ёрқин намунасидек намоён бўлади, ушбу жараёни акс эттиришга ҳаракат қилади, улкан бадий маконга айлантirmoқчи бўлади. Ушбу тўрт фаслдан иборат романда ижодий шижоат манбаси сифатида аёл образи, аёллик ибтидоси бош омилдек талқин қилинади. Гап қахрамонлардан бири – Кэдди Компсон ҳақида кетмоқда. Муаллиф унинг портретини чизаркан, шундай таърифлайди: “...орқаси кир бўлиб кетган иштончали қизалоқ олмурут дарахтига чиқиб олиб, деразадан дафнга тайёргарлик қандай кетаётганини кузатаркан, настда турган акаларига нималар бўлаётганини айтиб турарди”¹⁴.

Кэдди романда жонли, реал қиёфада тасвирланади: бошида – қувноқ ва беғам қизалоқ; сўнгра, маҳаллий йигитлардан бири билан дон олишган эхтиросли, ҳиссиётларини жиловлай олмовчи етилган қиз; кейинчалик, оиласи бошига тушган иснодни яшириш мақсадида шошилинич эрга бериб юборилган жувон; баъдаз, қўлида чақалоғи билан оиласидан ҳайдалган аёл. Қанчалик реал бўлса, шунчалик нореал ҳам, негаки вақт ва ўлим

софдил бола (Бенжи Компсон) тасаввурига сиғмайдиган тушунчалардир. Шу боисдан ҳам, Кэдди Компсонни юз фоиз реал, ҳаётдан олинган образ, деб ҳисоблаб бўлмайди. Яхшиси, романда Кэдди йўқ, десак тўғрироқ бўлади. Романда унинг хатти-ҳаракатларига, қилиб қўйган ишларига, тушиб қолган аҳволига турли вақтга мансуб тўрт нуқтаи назар (1928 йил 7 апрель; 1910 йил 2 июнь; 1928 йил 6 апрель ва 1928 йил 8 апрель) ва ҳикоя қилишнинг тўртта, яъни ушбу ёндашувларга айнан тўғри келувчи услуб мавжуддир. 1928 йилнинг 6, 7 ва 8 апрелига Пасха арафасидаги жума ва шанба ҳамда Пасха куни тўғри келади. 1910 йил 2 июнь куни эса Кеддининг укаси – ўз опасига бўлган жавобсиз муҳаббатдан руҳан эзилган, ишончни йўқотган ва қора кунларга учраган Квентин Компсон ўз жонига қасд қилади.

Романнинг ички монолог ва “онг оқими” услубида ёзилган биринчи уч фаслида ўттиз уч ёшли ақли заиф Бенжи Компсон, энциклопедик билимга эга талаба Квентин Компсон, сурбет ва худбин, ҳамиша ўз фойдасини кўзловчи Жейсон Компсон сингари бир-биридан кескин фарқ қилувчи персонажлар тасвирланади. Жейсон зиммасига, қачонлардир қатта шарафга эга бўлган, донғи бутун Жанубга ёйилган зодагон Компсонлар оиласини хонавайрон қилган отасининг вафотидан сўнг, ўз онасини ва тентак укасини боқиш, рўзғорни амал-тақал тебратиш вазифаси юклатилган. Квентин гарданига эса, опасининг валади зино қизини тарбия қилиш ва қора танли хизматкорларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш юки тушган. Агар Бенжи учун Кэдди – дунёдаги энг азиз одам, “объектив замон ва макон” ифодаловчиси бўлса, Квентин учун – зинога етакловчи хирсли муҳаббат ва тийиб бўлмас нафрат, кўзни қонга тўлдирувчи жаҳлнинг сабабчиси, фожиавий йўқотишнинг тимсолидир. Жейсон учун эса – шахсий омадсизлик, ўйлаганидек бўлмаган ҳаёт, бахтсизлигининг бош сабабчиси, вақт-вақти билан мўмай (у Мемфисда яшовчи Кэдди қизига яхши қараши учун

¹³ Элиот, Томас Стернз. Назначение поэзии. Статьи о литературе. – Киев: AirLand, 1996. – с. 78.

¹⁴ Уильям Фолкнер. Шум и ярость; Свет в августе. – М.: Правда, 1989. – с.124.



Квентинга жўнатаётган пулларни иккиланмасдан ўзлаштириб олади) пул келиб турувчи манбадир.

Фолкнер матнининг ҳар бир қисми – ўтмиш қиёфасига яна бир янги рангли чизиқ тортилгандек тасаввур ҳосил қилади. Бир вақтнинг ўзида бу шиддат билан ҳаракатланувчи, ўтмишни бугунги кунга олиб чиқувчи ва шу тобда уни ўзгартириб юборувчи вақтдир. Романда ҳаракат ва қарши ҳаракат мавжудлиги Кэдди Компсонни лирик ҳис-туйғулар, ажиб ва ғалати аёллик ибтидосининг ифодаловчисига айлантиради. Ушбу аёллик ибтидоси замирида ор-номусини йўқотган, номига доғ туширган аёл ҳақидаги натуралистик ҳамда руҳан азобланган, эҳтирос ва шахвоний истакларини тия олмаган аёл ҳақида символистик романлар тўқнашади ва бир-бирига қоришиб кетади. Бундан ташқари, аёллик ибтидосида жинслар муаммоси, оналик ва болалик хусусидаги қизгин баҳс-мунозара, ишқ, гуноҳга ботиш, зинокорлик, оила, бутун дунё ҳалокатга учраши мавзудаги рамзли хикоя ётибди.

Романнинг номи Уильям Шекспир қаламига мансуб “Макбет” трагедиясидан олинган машҳур сўзларни эслатади. Унда то умр охиригача мукамалликка интилиш, муносиб шахс сифатида шаклланишнинг асл моҳиятидек намоён бўлувчи ижодий шижоат ғояси акс эттирилган. Демак, шунга мувофиқ равишда роман ўқувчисини мавҳумлик асири, муҳаббатнинг жисмоний ҳис-туйғусидан холи, соф руҳий муҳаббатга интилувчан савдойига қиёслаш мумкин.

Нима бўлганда ҳам, “Шовқин ва ғазаб” – бир бутун яхлит ҳолдаги асардир. У ўзининг ички кескинлиги, ифодавийлиги ва мазмундорлиги жиҳатидан символизм руҳидаги проза (“Улисс”, “Доктор Живаго”)га яқин, негаки бундай насрий асарлар, энг аввало, шеърият чегараларини кенгайтириш мақсадида ёзилган, ундаги универсал ва ҳамма нарсага сингиб кетувчи, бир маромда кечувчи бадиий ҳодисада ҳаётнинг асл маъноси ахтарилган.

Аслида, символизм адабий йўналиш тарзида 1880 йилдан, яъни француз шоири С. Малларме бошлиқ Р.Гиль (1862–1925), Г.Кан (1859–1936), А. де Ренье (1864–1936), Ф.Вьеле-Гриффен (1864–1937) каби ёш шоирларнинг ижодий тўғарагида шаклланди. 1886 йил символист шоирларнинг дастуриламали “Адабий манифест. Символизм” (*Le Manifeste littéraire. Symbolisme*) номли мақола эълон қилинди. Унда символизм руҳидаги поэзия “ғояни реал формулага бўйсундириш”га интилувчи куч эканига иттиҳод қилинганди. 1880 йилларнинг охирида символизм гуркираб ривожланди, айниқса, унинг бадиий тафаккур оламига кўрсатган таъсири сезиларли бўлди. Символизмнинг оммалашиб бориши, шеърият чегараларининг “ювилиб” кетишига, шакл номутаносиблигига олиб келди. Баъзи шоирларнинг тасаввуф ва рамзий маъноларга берилиб кетгани, шеъриятда самимийлик ва соддадилликка интилувчан ижодкорларнинг кескин эътирозларига сабаб бўлди. Натижада ушбу тарқоқлик, дунёқарашлардаги зиддиятлар XIX–XX аср бўсағасида символизмнинг “натюрлизм”, “синтетизм”, “пароксизм”, “эзотеризм”, “гуманизм” каби оқимларга бўлиниб кетишига олиб келди. Дастлаб ўзига хос дунёқараш сифатида майдонга чиққан символизм тез орада драматургия соҳасига ҳам сингиб борди. Бу ерда у, худди XIX аср охири адабиётидагидек, натурализм ва позитивизм¹⁵ руҳидаги дунёқарашга, дунёни ҳис этишга қарши чиқди. Нима бўлганда ҳам, символизм анъаналари қисман давом эттирилди ва кўп жиҳатдан XX аср бошида проза соҳасида олиб борилган ижодий тажрибаларда ўнлаб йўналишларни белгилаб берди, модерн оқимларда ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг ижодий изланишларига таъсир кўрсатди.

¹⁵ **ПОЗИТИВИЗМ** – *фалс.* буржуа фалсафасида: ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, дегувчи ғояга асосланган субъектив идеалистик оқим.



Назаримизда, француз символизм мактаби даҳоси Стефан Малларме (*Stéphane Mallarmé*, 1842–1898) нинг илк бор “*La Nouvelle Revue française*” журналида эълон қилинган “Соққа ташлаш ҳеч қачон тасодифни бекор қилмайди” (*Un coup de dés jamais n'abolira le hasard*, 1914) номли поэмасида яққол кўзга ташланувчи чорасизлик, адоғи йўқ ҳасрат ва алам Фолкнерга тушунарли бўлса-да, аммо унинг ижодига бегона эди. Бир қарашда, “Шовқин ва ғзаб” романи фаслларининг тасодифий кетма-кетлиги, айна пайтда бир-биридан ажралиб қолганлиги, тарқоклиги, ички оламларнинг ёлғизлиги, муаллифга ҳикоя қилиш услубида эркин бўлишга, бироқ лирик, яъни ҳис-туйғуларни ифодалашда эса муайян мақсадга мўлжалланган, ўзига хос поэтик услубни оқлашга, муқимлигини исботлашга қаратилганлигига монелик қилмади. Роман фаслларининг ҳар бирини мазкур нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Модомики Фолкнер бетартиб, боши-охири йўқ чалкашлиги олдиндан маълум бўлган воқеани муайян структурага солишни асосий мақсад қилиб қўяркан, “Шовқин ва ғзаб” романининг биринчи фаслига ўта масъулиятли вазифа юклатилганлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Бироқ бу фаслда нафақат бошига тушган азоб-уқубатларни индамай кечирувчи “жафокаш”нинг онги (Жейсон балоғат ёшига етганда ахталаб ташланган ақли заиф Бенжини жиннихонага топширмоқчи бўлади), балки ўзигагина тушунарли бўлган тилда, ўзигагина тушунарли муҳаббат қўшиғини тўқиётган “шоир”нинг ҳам онги вобаста тасвирланади. Бу фасл “томни эшитаяпман”, “ундан дарахт ҳиди анқийди” кабилидаги образларга тўлиб тошган, абадий болалик, мангу маъсумлик, умрбоқий покизалик ва беғуборлик белгиси остида ўн учта турли вақтга мансуб манзараларни, портретларни ўзаро бир-бирига бирлаштиради.

Кэдди Компсоннинг дунёни ҳис этиши, дунёга боқиши, айниқса, ҳаяжонли, эмоционал, ҳар хил ҳис-туйғуга тўла ва бир вақтнинг ўзида Компсонларнинг

болалиги ҳақида ишонарли тасаввур беради.

Бенжи Компсон назарий фикрлашга қодир эмас, яъни у кўрганини, ҳидлаганини, эшитганини, татиганини, хуллас, сезги органлари орқали олган таассуротларни умумлаштира билмайди. У музни сув деб билиб, унга пешанасини уриб ёриши мумкин бўлса-да, бироқ уни дунёдаги энг муҳим нарса, деб идрок қилади. У таажжубланарли тарзда бувисининг, Квентиннинг, отасининг ўлимини ва вақтнинг муқаррар “ҳалокатга олиб борувчи юришини” сезади. Бенжи учун вақтнинг машъум оқими Кэдди атир-упасининг бадбўй ҳидида, хуштори тақиб олган қизил рангли бўйинбоғда мужассамлашган. Бахт ўрнига фалокатга олиб келган воқеалардан сўнг Кэддининг оиладан қувилиши Бенжини онаси ўрнини босган опаси орқали атроф-муҳит билан боғлаб турувчи координаталар системасидан маҳрум этади. Бенжи бўкириб, ҳиқиллаб йиғлайди, гувраниб бир нарсалар демоқчи бўлади ва шу тариқа Компсонлар уйи завол топаётганига ўз муносабатини билдиради. Шундай қилиб, биринчи фаслнинг вазифаси – кейинги фаслларда асарга қайта ишлов беришни давом эттириш учун унга дастлабки шакл беришдан иборатдир. Бенжи – шеърият сарчашмасининг ўзгинаси, гўё аёллар тилка-пора қилган Орфей каби. У ҳақиқий фожиани бошидан кечириб, руҳан сезаётгани ва қалбан азобланаётгани, кўмсаётгани ва тузалмас дардга мубтало бўлаётгани учун ҳам тирик, жон-жаҳди билан яшашга интилади. Унинг дарду алами ва кўрқуви, чорасизлиги, ваҳимаси ҳеч нарса билан енгиллашмайди, ҳаттоки тилда ҳам ҳал этилмайди. Фолкнер 1950 йилда талабалар ҳузурида маъруза ўқиркан, ақли заиф одам онгини “ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса акс этмайдиган кўзгу” билан қиёслади.

“Шовқин ва ғзаб” романи иккинчи қисмининг вазифаси мутлақо ўзгача. Бенжиге зид ўлароқ, Квентин Компсон – тартиб-интизом, ақл-заковат, ўткир зеҳн тимсоли. Қайсидир бир маънода, у Ҳамлет даражасидаги образ, негаки ҳамма вақт



отаси ва онаси билан ўзаро муносабатларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилади. Энг муҳими, айнан у АҚШ жанубида бир маромда оқаётган вақт қачон, нима сабабдан “изидан чиқди” ва гуноҳларни ювиш учун нималар қилиш кераклигини тушунишга интилади. Бу фаслни, “зиддиятни асос қилиб олиб” ёзишда поэтик мақсад очик-ойдин кўриниб турибди.

Романнинг биринчи қисми ҳақида кенгроқ тушунча бериш учун лирик чекиниш қилишга тўғри келади. Немис файласуфи Фридрих Ницшенинг серқирра фаолияти давомида романтизм маданияти ва санъатига ҳаддан ортиқ даражада кизиқишни бошидан кечирган. Бу кизиқишнинг самараси ўлароқ, унинг теран фалсафий мушоҳадага бой “Муסיқа рухидан фожиа туғилиши” (*Die Geburt der Tragödie aus dem geiste der Musik*, 1872) номли трактати ёзилди¹⁶. Унда Ницше маданият турларини фарқлаш мақсадида мифологик образлардан, яъни қадим Олимп пантеон¹⁷ ига қирувчи юнон маъбудлари тасвиридан фойдаланади. Файласуф, шу тариқа, борлиқ ва бадий ижоднинг икки: “Аполлонча” ва “Дионисча” ибтидоларини алоҳида ажратади.

Таъкидлаш керакки, қадим Юнон мифологиясида маъбудлар Аполлон ва Дионис – бир-бирига қарама-қарши рамзий типлардир. Аполлон – баркамоллик тангриси, санъат ҳомийси, ўзида етуклик ибтидосини мужассам этгувчи қудрат. У – ёруғлик манбаи, илоҳдан келган ваҳий соҳиби: “Аполлон образларни тўқувчи барча кучлар “худо”си бўла туриб, бир вақтнинг ўзида ҳақиқатнинг соҳиб каромати, келажакни билдиргувчидир”. Дионис (Румода-Вакх), аксинча, Ер тимсоли, ҳосилдорлик пири, дунёдаги жамики ўсимликлар ва зироатчиликнинг ҳомийсидир. Одатда, у қўлида бир шингил

узум, боғуроғлар орасида тасвирланади, шу сабабдан у мусаллас тайёрловчилар ҳомийси ҳам ҳисобланади. Дионис – шодлик, вақтихушлик, бебошлик, завқу шавққа тўла ўйин-тўполон маъбудиди. У – серҳосил тупроқ манбаи, унумдорлик соҳиби: “Диониснинг сеҳрли таровати, мафтункор жодуси таъсирида нафақат одам одам билан қайтадан бирлашади, балки мутлақо ёт бўлиб кетган, адоват руҳи билан суғорилган ёки асоратга солинган табиат ҳам ўз ноқобил фарзанди – одам билан ярашув байрамини қайта нишонлайди”. Шу тариқа, Аполлон ва Дионис Осмон ва Ер ибтидоларининг қарама-қарши рамзларига айланади.

Маданият ва санъатдаги “аполлонийлик” ва “дионисийлик” ибтидолари ўртасидаги тафовут нимадан иборат эканини кўрсатиш учун, аввало, Аполлон ва Дионис тангрилари образли ифодаланаётган тушунча ва тамойилларга эътибор қаратиш лозим бўлади, - дейди Ф.Ницше. - Аполлон – тинчлик-осойишталик, тартиб-интизом ва саранжом-саришталик ифодасидир. Дионис – унинг акси. Агар биринчиси – “меъёр сақлагувчи, нафси тийиқ, асов қилиқлардан, жиловсиз интилишлардан холи, нафис образлар яратувчи худонинг оқилона ҳузур-ҳаловати”ни ифодаласа, иккинчиси – меъёрларни бузиш, ҳаддан ташқари хурсандчилик, мўл-кўлчилик, куч-қувватга тўлалик, жиловлаб бўлмас тус-тўполон, тартибсизлик, сершовқин ўйин-кулги, баравжлик нуқтасидир. Янада теранроқ фикрласак, Аполлон ўзида индивидуализм тамойилини мужассам этади, у ушбу тамойилнинг беназир илоҳий образидир: “унинг мафтун этувчи нигоҳлари ва чиройли хатти-ҳаракатлари орқали “тасаввур”, “ўй-хаёл”, “орзу-умидлар”нинг муаззам шодлигию донишмандлиги биз билан ширин суҳбат юритади”. Дионис эса, завқу шавқ тимсоли: “у табиат мўъжизаларини, ер ва осмону фалакни титратиб юборувчи ходисаларни билиш, тушуниб етишга шубҳаланиб қолган, ўзини йўқотиб қўйган одамнинг бутун вужудини қамраб, эс-ҳушини чулғаб олувчи мудҳиш кўрқинччи,

¹⁶ Ницше Ф. Рождение трагедии из духа музыки // Ницше Ф. Собр. соч. Т. 1. - М.: Изд-во «Правда», 1990.

¹⁷ Бу ерда **пантеон** – юнон ва римликларда: барча худоларга атаб қурилган ибодатхона ва Олимп худоларининг умумий номи.



шу билан бирга, табиат қаъридан ва одам юрагидан қалқиб чикувчи шоду хуррамлик, завқу шавқ туйғусини ифодалайди”. У индивидуализм тамойили бузилган ҳолда, “муҳтожлик, зўравонлик ва кўпол муомлали одамлар орасида ўрнатган адоватли чегаралар бузиб ташланганда бўй-басти билан гавдаланади, шу тарика ҳар бир одам ўзини яқин одами билан нафақат ярашган, балки у билан рухан яхлит бир ҳолга келгандек ҳис қилади.

Шундай қилиб, “аполлонийлик” ибтидоси: рационал, ақл-идрокка асосланган; меъёр сақлаш, мўътадиллик; оптимизм руҳида, гарчанд хаёлий, ҳақиқатдан анча йироқда бўлса ҳам; тинчлик-осойишталик, хузур-ҳаловат, индивидуалликдир.

“Дионисийлик” ибтидоси: иррационал, ақл-идрок билан билиб бўлмайдиган; чегара билмас тўс-тўполон, ўйин-кулги, ёвузлик, бебошлик; ҳам фожиали, ҳам қахрамонона хатти-ҳаракат; тинчликни бузиш, безовталиқ, таҳлика, қаноатланмаганлик; хаёлот, ақл бовар қилмас руҳият орқали ҳар қандай индивидуалликни йўқ қилиб ташлашдан иборатдир.

Демак, Аполлон ва Дионис образларининг туб моҳиятини англаган ҳолда одамларни руҳлантириш, уларга

илҳом бағишлаш, ғайратини оширишдан иборатдир, десак ҳақиқатга яқин бўлади. Айнан шунинг учун ҳам Ницше “аполонийлик” ва “дионисийлик” каби борлиқ ва бадий ижоднинг икки бутунлай қарама-қарши ибтидолари ҳақидаги ғояни кўтариб чиққан эди. Ушбу ибтидолар бевосита табиатдан, ижодкорнинг ёрдамисиз юзага чиқади. Ницше концепциясида одам – фақат “тақлидчи” ва табиатдаги мавжуд кучларни рўёбга чиқарувчидир. Шундай экан, “ҳар бир ижодкор фақат “тақлидчи” холос, шу билан бирга ё Аполлонга сиғинади, ё Дионисга, ёки, ниҳоят, унисини ҳам, бунисини ҳам ўзида тажассум этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “Шовқин ва ғазаб” романи биринчи фаслининг “дионисийлик” ибтидоси ва рамзий маъноси, иккинчи фаслнинг “аполлонийлик” ибтидосининг ўзаро мувозанатга келиши, ички ҳис-туйғу орқали англаган моҳият эса саралаш ва таҳлил орқали бир маромга келтирилиши лозим эди. Кўплаб овозлар жўрлигида бир драматик ниқобни бошқасига алмаштираркан, Фолкнер ўз “сир”ининг янги қиррасини намоён қилди, роман фаслларининг ўзаро муносабатида ушбу “сир”ни очишга интилди.

Холбеков М. Поэтика романов Уильяма Фолкнера. В статье речь идёт о творчестве известного американского писателя Уильяма Фолкнера, о его таланте и художественном стиле.

Xolbekov M. The poetics of William Falkner's novels. The article informs about the art of a well-known American writer William Falkner, his talent and literary style.



ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ВА ИМЛОСИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

ХУДОЙБЕРДИ ДОНИЁРОВ,
Ф.Ф.Д., ПРОФЕССОР

Калит сўзлар: Худойберди Дониёров, унли товушлар, Самарқанд ва Бухоро лаҳжаси, ж графемаси.

Ҳозирги ўзбек тили алифбоси ва имлоси, бизнинг назаримизда, жиддий аниқликлар киритишга муҳтож. Уларнинг номукамал эканлиги сабабларидан бири шуки, рус алифбосига асосланган ўзбек ёзуви ва имлоси яратилган даврда Республикамизда етарли даражада малакали кадрлар бўлмаган, жонли сўзлашув тил ўзининг диалектал ранг-баранглигида ўрганилмаган. Тилнинг алифбоси ва орфоэпик қоидаларини ишлаб чиқишда шева меъёрларидан фойдаланилмаган. Шунингдек, айрим туркий тиллар алифбоси ва имлосини мувофиқлаштириш масалаларини тўғри ҳал қилишга ёрдам берадиган ягона туркологик марказ ҳам бўлмаган. <...>

Ўзбек тилида, энг аввало, товуш билан унинг ёзувдаги ифодаси мослиги масаласи аниқликлар киритишни талаб қилади. Масалан, *о* графемаси билан олдиқатор, қўйи кўтарилиш, лабланмаган *а* [о] унли товуши ифодаланади. Ўзбек тилидаги *а* рус тилидаги *а* унлисидан унчалик фарқ қилмайди. Ваҳоланки, ҳозирги алифбода бу унли рус тилидаги ўрта кўтарилиш лабланган унли товушни ифодаловчи *о* белгиси билан берилади. Натижада бундай ифода, кўпинча, талаффузда бузилиш ва имловий хатоларга олиб келади. Руслар ва бошқа миллат вакиллари *танг* 'тонг', *ақ* 'оқ', *ай* 'ой', *сай* 'сой', *Алым* (киши исми), *бай* 'бой', *тай* 'той' каби сўзлардаги *а* [о] товушини русча *о* сингари талаффуз қилишади.

Товушни алмаштириш эса, ўз навбатида, сўз маъносининг ўзгаришига олиб келади, масалан: *оқ* 'ўқ', *ой* 'ўй' (фёъл), *тонг* 'тўнг' (музлок), *сой* 'сўй', *олим* 'ўлим', *бой* 'бўй', *той* 'тўй' ва б. (имло қоидаларига кўра бу сўзларда *о* товуши *ў* графемаси ёрдамида берилади).

Ўзбекларнинг нутқида эса таркибида ўрта қатор, ўрта кўтарилиш *о* лаб товуши бўлган русча сўзларда (*торт*, *колхоз* ва б.) бу товуш ўзбек тилидаги лабланмаган орқа қатор пастки кўтарилиш *а* унлиси билан алмаштириш орқали талаффуз қилинади. Бу жараёнда йўл қўйиш асло мумкин бўлмаган талаффузлар пайдо бўлади. Масалан, русча *мода* сўзи ўзбек тилида *мода* 'урғочи', *ток так* (*узумзор*) тарзида талаффуз этилиши мумкин.

Ўзбек алифбосидаги бундай камчиликлар она тилини, шу жумладан, қардош туркий тилларни ҳам тўғри ўзлаштиришга халақит қилади. Холбуки, "қардош тиллар алифболари тилларни бир-биридан узоқлаштиришга эмас, балки яқинлаштиришга хизмат қилиши керак"¹⁸.

Бошқа белгиларнинг, масалан, *а*, *ў*, *н*, *ж* ва бошқаларнинг шакл ва функцияларига ҳам аниқликлар киритиш лозим.

Ўзбек алифбосини такомиллаштиришга хизмат қиладиган қўйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин:

- ўзбекча *а* (алифбода *о*) товушини *а* графемаси билан бериш керак;

- ўзбекча *о* товушини ҳозиргидек *ў* билан эмас, балки *о* графемаси билан ифодалаш лозим. Масалан, *бай* 'бой', *ай* 'ой', *сай* 'сой', *ақ* 'оқ' ва б. (дарвоқе, қайд этилган товушларнинг айнан шундай ифодаланганини биз барча туркий тилларда кузатамиз).

Ўзбек тилшунослари орасида *о* (á) лабланганми, деган масала бир неча йил давомида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Диалектологик тадқиқотлар материаллари бу товушнинг фақат икки шаҳар – Самарқанд ва Бухоро – лаҳжаларида

¹⁸ Баскаков Н.А. Доклад на тюркологической конференции в Баку (тезисы). – Баку, 1966.



лабланган ҳолатда талаффуз қилишини кўрсатади. Ўзбек тилининг бошқа барча лаҳжа ва шеваларида бу товуш лабланмаган. Бизнингча, мазкур товушнинг ўзбек тилида тарқалганлик даражасини ўрганиш бу масаланинг ечимида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги ўзбек тилида *о* ни *а* билан ифодалаш воқеликни тўлиқроқ акс эттиради.

Ҳозирги ўзбек алифбосида *а* билан ифодаланадиган ўзбекча кенг (қуйи кўтарилиш), лабланмаган, олд қатор унли товушини алоҳида белги – (*ə* ёрдамида бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан: *əжə, Əли* (шахс номи), *əлə, əмəжи* ва б. Бу белгининг бошқа туркий тилларда, жумладан, озарбайжон тилида ҳам мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳар бир товуш ёзувда ўзининг аниқ ифодасини топиши ва ҳар бир белги/ҳарф бир фонемага мос келиши учун қатор аниқликлар киритиш керак.

Ҳозирги ўзбек тили алифбосидан ў харфини чиқариб ташлаш ва унинг функциясини қуйидаги икки белги/ҳарфга юклаш, яъни орқа қатор, ўрта кўтарилиш, лабланган унлисини ифодалаш учун *о* белгисидан (*орақ* 'ўроқ', *бол* 'бўл', *ор* 'ўр', *ой* 'ўй'моқ, *қой* 'қўй' (от), *той* 'тўй' (от), *қол* 'қўл', *ойын* 'ўйин', *йоқ* 'йўқ', *боз* 'бўз' (от ранги) ва б.); олд қатор, ўрта кўтарилиш лаб унлисини ифодалаш учун эса *ө* белгисидан фойдаланиш лозим: *өчик* 'ўрик', *өрдak* 'ўрдak', *көл* 'кўл', *бөл* 'бўл'моқ, *өч* 'ўр'амoқ, *бөз* 'бўз' ва ш.к.

Бундан ташқари, ижодий мактабларнинг пайдо бўлиши ва гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган қатор омилларни ҳам санаб ўтиш керак. Биринчидан, “мактаб” сарҳадларининг ўзи – етарлича шартли ва оғувчан нарса, чунки “мактаб”нинг ҳар қандай шоири бошқа шоирлар, баъзан кўплаб йўналишлар таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Шунинг учун Зулфиянинг қачон ва қандай таъсир кўрсатганлигини, бу таъсир қачон ҳал қилувчи ва ўта муҳим аҳамият касб этганлигини осонгина илғаш душвор масала. Иккинчидан, бирор шоирнинг кўплаб шоирларга таъсири масаласини ўрганаётиб, ушбу таъсирнинг буткулқамровлик касб этганини тўла-тўқис исботлаб беришнинг имкони йўқ. Ижодий мактаб доирасида турли жиҳатлар, мисол учун, бир-бири билан уйғун тушмаган “мактаб” ичида “мактаб”лар бўлиши мумкин (Бу ўринда

²³ Салтиков-Шедрин М. Е. Собр. соч. в 20-ти т., т. 9. – М.: 1970. – С. 343-344.



Ҳ.Худойбердиева билан О.Ҳожиева шеърятти бир-биридан тамомила бўлмасида, поэтик жаранглашда айрича хусусиятларга эгаллигини эслаш кифоя).

Зулфия лирикасининг аҳамияти унинг халқоналиги билан белгиланади. Шоира халқ ҳақида оддийгина ёзмас, агар Марина Цветаеванинг сўзлари билан айтиш жоиз бўлса, “халқ бўлиб гапирарди”. Зулфия талант ва поэтик тажриба бобида ўзига яқинлашган кўплаб шогирдларидан фақатгина туғма қобилияти билан эмас, айнан халқ шоираси, халққа яқин шоира эканлиги билан ажралиб турарди. Шоиранинг таъбирича, “шоирнинг халқчиллиги – бу, балки, аввало ижод доирасининг кенглигидир, улкан қамров билангина халқ онгининг теранликларини, санъатини, миллий ўзига хослигини ифодалаш мумкин”. Тўғри, бошқалар ҳам халқнинг характерини ойдинлаштиришга, халқнинг дилидагини айтишга уринардилар. Аммо Зулфия бу хислатларни ўз-ўзича, янгидан очар ва таҳлил асносида янгича бадиийлик кашф этарди. Аксарият шоиралар бўлса, Зулфия топган усуллар билан қаноат қилишарди.

Тарихий-адабий тараққиёт мазмуни дунё, инсон ва унинг замон-макон чегарасидаги турмуши ҳақидаги янгича тасаввурларнинг эстетик ўзлаштирилиши билан белгиланади. Оламни идеал дунё ва одамларни идеал инсон даражасига етказишга уриниш бу жараёни характерланттирувчи куч ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра инсоншунослик саналадиган сўз санъатининг бутун ривожини айнан шундай ижодий кўрсатма билан таърифлаш мумкин. Ҳар қандай тарихий-маданий даврнинг адабий жараёни марказида ҳаммаша ўша маданиятни яратувчи асосий куч – инсон категорияси ётади. Худди шу тушунча дунё картинасини шакллантиришнинг амалий ифодаси бўлиб, унинг тадрижий тараққиёти тарихий-маданий характернинг кейинги ривожини белгилаб беради.

Шахс қадр-қимматининг асосий жиҳатларини, унинг ижтимоий-маданий тизимдаги ролини тушуниб етиш

“маданият инъикосининг энг зарур шаклларида бири ҳисобланадиган ва ўзида давр маданий тафаккурига хос муайян дунё картинасини, алоқалар тизимини мужассамлантирадиган” жанр категориясида ўз аксини топади.

Поэтик олам – бу поэтик матн билан боғланишда бўлган лисоний борлиқдир. У ҳақда сўз борганда алоҳида матн, матнлар мажмуи ёки муайян шоир барча асарларининг поэтик олами ҳақида гапириш мумкин. Поэтик олам – мураккаб тушунча; унга “олам картинаси”, яъни “объектлар, воқеалар, вазиятлар, нарсабуюмлар жамулжами”²⁴ ва дунёни кўриш, яъни унинг тузилиши ҳақида шоир илгари сурадиган тасаввурлар – дунё ҳақидаги тафаккур ҳам киради²⁵. Олам картинаси ҳам, дунёни кўриш ҳам шоир ижодининг турли босқичларида бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам поэтик олам – турғун эмас, динамик тушунча: унда ўзгарувчанлик параметри муҳрланган.

Лирикада жўшқин ўй-фикрлар, ирода импульслари, таассуротлар, ақлдан ташқари туйғу-истаклар каби инсон онгининг айро ҳолатлари²⁶ бош планга кўтарилади. Лирика – деган эди Ф.Шлегель, - доимо ўз-ўзича муайян ҳолатни, масалан, ҳайратнинг жўш уришини, ғазаб, оғриқ, қувончнинг лаҳзалик шиддатини – аслида бутун бўлмаган аллақандай бутунликни тасвирлайди. Бунда ҳисларнинг бирлиги зарур бўлади²⁷. Лирик поэзиядаги

²⁴ Падучева Е.В. Референциальные аспекты семантики предложения. // Известия, 1984. № 4.

²⁵ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – С. 112.

²⁶ Немис олими Ю.Петерсен лирика табиатини шу термин (Zustand – ҳолат) мурожаат қилиб, тушунтириб берган эди; эпос ва драма соҳасини эса, унинг фикрича, характер (Handlung) ташкил этади. Қаранг: Petersen I. Die Wissenschaft von der Dichtung. Bd 1. Weik und Dichter. – Berlin, 1939. – S. 119-126.

²⁷ Шлегель Ф. Эстетика. Философия. Критика: В 2 т. Т. 2. – С. 62.



предметга бундай қарашни замонавий фан ўзига мерос қилиб олган²⁸.

Зулфия лирикасида туйғулар ва ирода импульслари нима биландир шартланганликда ва конкрет ҳодисаларга йўналганликда берилади. Шеърдаги нарса-ҳодисаларни эслайлик: “Кўздан, сўздан, кўллардан узоқ / Буқун сенга тўлар эллик ёш. / Гўё майса эллик ёшлик нақ – / Эллик ёшдай боқади қуёш. / Қалам, қоғоз ёзув ҳам гўё / Эллик ёшли етук ва яқин. / Ҳамма реал, хаёл ва рўё, / Ҳижрон, севги, ёғин ва чақин”. Шоиранинг беором, романтик ва шу билан бирга ғам-ҳасратли хис-туйғулари унинг атрофдаги нарсалардан олган таассуротлари ҳамда хотирада қолган воқеалар орқали очилмоқда. Муаллиф онгинг турмуш билан алоқаларини берадики, шеър спецификаси шуни талаб қилар эди. Шеърда ҳасрат туйғуси реал воқелик ҳодисаларига қарши реакция сифатида намоён бўлмоқда. Бадиий сўз муҳрлаётган қалб ҳаракатлари қанчалик ноаниқ ва сезилмас бўлмасин, китобхон уларнинг нималар орқали чақирилганини англайди ёки, ҳеч бўлмаганда, қайси таассуротлар билан алоқадорлигини фаҳмлайди.

Лирик кечинма сўзловчига (нутқ соҳибига) тегишлидек туюлади. У фақат сўзлар орқали белгиланиб қолмасдан (бу хусусий ҳол), максимал даражада намоён ҳам бўлади. Фақат лирикадагина бадиий воситалар тизими бутунча инсон қалб ҳаракатини очишга бўйсунди. Ҳиссий кечинма кўпинча мубҳамлик, ноаниқлик, чалқашлик устун келадиган бевосита ҳаётий эмоциялардан сезиларли фарқ қилади. Лирик туйғу – бу инсон руҳий тажрибасининг квинтэссенцияси, ўзига хос қуйқасидир. Адабиётнинг энг субъектив тури сифатида - дея ёзган эди лирика ҳақида Л.Гинзбург, - у кўпроқ муштаракликка, қалб ҳаётини худди барчага баравар тааллуқлидек тасвирлашга интилади²⁹.

²⁸Лирикада “кечинма образи” ҳақида қаранг.: Сквозников В.Д. Лирика//Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры литературы. – М.: 1964. С. 175-179.

²⁹Гинзбург Л. Я. О лирике. – С. 7.

Лирик асар асосида ётадиган кечинма – бу ўзига хос руҳий тозаришдир. У инсон томонидан реал ҳаётда синалган (ёки синалиши мумкин бўлган) нарсани ижодий уюштириш ва бадиий жиҳатдан қайта ўзлаштириш натижаси ҳисобланади.

Маълумки, лирикада ифодаланган кечинма эгасини лирик қахрамон деб аташ қоида тусини олган. Ю.Н. Тинянов томонидан муомалага киритилган бу термин адабиётшуносликда (унга синоним бўлган “лирик мен”, “лирик субъект” бирикмалари билан бирга) муқим жой олган³⁰. “Яратилган мен” (М.Пришвин) сифатидаги лирик қахрамон ҳақида нафақат алоҳида шеърларни кўзда тутиб, балки уларнинг туркумлари ҳамда бирор шоирнинг бутун бир ижоди ҳақида ҳам гапирилади.

Лирик қахрамон нафақат муаллиф, унинг дунёга муносабати, маънавий-руҳий тажрибаси, қалб иродаси, нутқий ўзини тутиш манераси билан оддийгина мустаҳкам алоқадор, балки аслида (аксарият ҳолларда) ундан ажралмасдир. Лирика асосан унинг “бағри”дагина автопсихологик бўла олади.

Шундай бўлишига қарамай, лирик кечинма шоирнинг биографик шахс сифатида бошдан кечирганлари билан бир нарса эмас. Лирика фақатгина муаллиф ҳис-туйғуларини худди ўзидай қайта тиклаб қолмайди, балки уларни трансформациялайди, бойитади, янгидан яратади, юксакликка кўтаради ва кўркамлаштиради. Бундан ташқари муаллиф ижод жараёнида тасаввур кучи билан шундай руҳий вазиятларни яратадики, реал ҳаётда улар умуман учрамаслиги ҳам мумкин. Зулфияxonим шеърларини кўздан кечирар эканмиз, улардаги барча мавзу ва мотивлар ҳам шоира шахсий ҳаётидаги воқеалар билан мос келавермаслигига амин бўламиз. Бу ҳақда гап кетганда, рус шоири А.Блокнинг ўз шеърларидан бирининг кўлёмаси остига “Бунақа нарса умуман бўлмаган”

³⁰ Тинянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – С. 118. Лирик қахрамон ҳақида яна қаранг: Степанов Н.Л. Лирика Пушкина. – М., 1959. – С. 106-110.



деб ёзиб қўйганлигини эслаш ўринли. Унинг шеърларида шоира шахси гоҳ кишлоқ қизи, гоҳо ёрининг урушдан қайтишини кутаётган аёл, гоҳида болакай, гоҳо сирли ижод маъбуди образларида намоён бўлади.

Демак, лирик ифодаланган кечинмалар ҳам муаллифнинг ўзига, ҳам бошқа, унга ўхшамаган шахсларга тегишли бўлиши мумкин экан. А.А. Фетнинг сўзларига кўра, “Бегона лахзаларни ўзиникидай хис эта олиш” маҳорати поэтик истеъдоднинг муҳим кирраларидан бири саналади. Одатда, муаллифдан сезиларли даражада фарқ қиладиган шахсларнинг кечинмалари ифодаланган лирикани ижровий лирика (Д.Куронова) деб аташади. Шундай экан, Арастунинг лирика ҳақидаги таърифи (шоир “ўз шахсини ўзгартирмаган ҳолда, ўз-ўзи бўлиб қолаверади”) қуйидагича

аниқлик киритишга тўғри келади: лирик шоир бемалол ўз шахсини ўзгартириши ва кимгадир тегишли, бегона кечинмани қайта тиклаши ҳам мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, Зулфия рухий ҳолатларни инсон зоҳиридаги ўзгаришлар, ҳодиса юз бераётган вазият, атрофдаги предметларни қайд этиш орқали билвосита беришга интилади. Бироқ шоиранинг поэтик янгилиги фақат туйғуларни ифодалашда сўзлардан предметларни гавдалантириш учун фойдаланганида эмас, балки инсон ҳаётининг икки – ташқи, объектив ва ички, субъектив соҳаларини бирлаштириб тасвирлай олганида, тасвирлаганда ҳам биринчисини иккинчисининг ифодасига хизмат қилдира олганлигида кўринади. Бу шоира ижодида янги тафаккур ўсиб келаётганидан дарак берар эди.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999.
2. Огурцов А. П. Феноменология // Философский энциклопедический словарь. – М.: 1983. – С. 718.
3. Зулфия. Асарлар. Камалак. 3-жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
4. Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. – С. 118. Лирик қахрамон ҳақида яна қаранг: Степанов Н.Л. Лирика Пушкина. – М., 1959.
5. Шлегель Ф. Эстетика. Философия. Критика: В 2 т. Т. 2.
6. Падучева Е.В. Референциальные аспекты семантики предложения. // Известия, 1984. № 4.
7. Салтыков-Щедрин М. Е. Собр. соч. в 20-ти т., т. 9. – М.: 1970.
8. Свасьян К. А. Феноменологическое познание. Пропедевтика и критика. – Ереван: 1987. – С. 37.

Умурова Г. Описание чувств в лирике Зулфии. Эта статья рассматривает образы, которые возникли в результате соединения внутренней и внешней действительности и их воплощение в виде предметов, которые анализируются с семантической точки зрения в лирике поэзии известной поэтессы Зулфии и в то же время описывается их двусторонность, то есть раскрывается их объект, как внешний мир с одной стороны, а с другой стороны анализируется разум, воспринимающий этот процесс.

Umurova G. Description of feelings in Zulfiya's lyrics. This article reveals a poetic image formed as a result of accumulation of external and internal appearances of the existence, and that an images in the lyrical poetry are semantically two-dimensional, while from one side as object they represent external world, from another side the mind which assimilates all it were portrayed in Zulfiya's poetry.



THE IMPROVEMENT OF STUDENTS' VOCABULARY OF INDONESIAN LANGUAGE FOR FOREIGN SPEAKERS (ILFS) IN SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES IN UZBEKISTAN BY APPLYING MIND MAPPING STRATEGY

Nasution Jamaluddin,

(Indonesian Language Lecturer) Samarkand State Institute of Foreign Languages,

Key words: *mind mapping strategy, ILFS, vocabulary.*

INTRODUCTION

In globalization era, just as nowadays, language has an important role in human life as a medium of communication to other people. There are a lot of languages all over the world used as an international language such as English, Arabic, Mandarin, Russia, etc.

Lately, one of the languages started to be learned by foreigners and grown rapidly is Indonesian language (Dv, Nv; 2018; <http://badanbahasa.kemdikbud.go.id/lamanbahasa/berita/2700/di-luar-negeri-bahasa-indonesia-semakin-diminati>). The strategic position of Indonesia and natural resources as well as human resources makes Indonesia's role more strengthening internationally. The eagerness of some countries relating to Indonesia itself makes them learn Indonesian Language. In an article of *Pikiran Rakyat Daily News*, it was stated that Indonesian Language has been already learned in more than 40 countries.

Language is a system of sound or voice as well as words to express thoughts and feelings. It means that language is a medium to express idea, thoughts, feelings, and wishes using sounds, voices or words. Language also is used as communication medium, language is used also as a mean of our purpose, resulting feelings and probably creating cooperation among human. The language manages all kinds of people's activities, planning and directing our future (Gorys Keraf, 1997).

One of the most important parts of language is vocabulary (glossary). One who is able to memorize many vocabularies and their meanings well will be easily understands and even speaks fluently in target language. It is needed, of course, the way to master, enrich the vocabularies to be able to communicate well in target language.

Vocabularies, glossaries, lexicons, are the word wealth of a language. Learning vocabularies is the first step in language learning, since no one communicates without words themselves. Most of students acknowledge the importance of vocabulary acquisition. Learning vocabularies, however, are not optimally applied in language learning.

Vocabulary mastery in all language skills has an important role to determine of language competence of the learners. Therefore, learning vocabulary should be connected directly to the receptive ability and language production wholly. For instance, how a foreign language learner understands the difficult words or expression found in the text in reading skills is similar to other skills (speaking, listening, and writing).

One of the strategies to learn vocabularies is mind mapping strategy which can be used as the best strategy. Buzan (2009) stated that mind mapping is an effective strategy and efficient to store words in to our mind. Mind mapping strategy is a graphic technique involving words, colors, and pictures. Mind mapping strategy becomes a way to shorten and summarize that can manage brain to work naturally. It is, of course, different to conventional notes in which they are written in a long list form. Mind mapping concept takes students' mind to imagine an object as a whole part that is connected one another. If students use the convention notes, they have to memorize words what they listed before. It sometimes makes students forget some words that they already memorized.

On the other hand, by using mind mapping strategy, students build all the picture that they can imagine relating to the keywords and pictures. For examples, if the teacher asks the students to imagine the word "classroom"



the students will imagine things relating to the keyword, such as: table, chair, book, teacher, student, eraser, etc. They will recall all the words quickly because they write the words by picture. Mind mapping is expected to make students mastering vocabularies quickly in order that they can communicate in target language well. Therefore, the writer focuses on teaching vocabularies to students by using mind mapping strategy.

The main goal of using mind mapping in this research is vocabularies. According to Soedjito (2009), vocabularies or glossaries can be defined as; (1) all words in a language, (2) the word storage owned by someone or writer, (3) words used in a knowledge / subject, (4) word lists that are listed just like dictionary as well as their brief and practical explanations. Meanwhile, glossaries stated by Richard, Platt and Webber (1985) are a mean of lexeme including singular or plural words and idioms.

Keraf (2001) divided the vocabulary mastery stages as below;

1. Children Stage. The vocabulary mastery for children more tends to ability concrete opinion. They just need some terminologies to express words freely.

2. Teenager Stage. When one starts to go to school, the previous process still continues and added by several processes to master their language and to enrich their vocabularies.

3. Adult stage. For those growing to be adult, both the previous stages are continuing. Enrichment process continues more intensive because in the stage someone must be able in many things just like skills; therefore, he must communicate with other people.

Vocabulary mastery is very important in language, the more one masters in vocabularies, the more he/she has language skills (Tarigan, 1989). Fahrudin and Jamaris (2005) say that vocabulary mastery can be divided into two groups, i.e.; mastery vocabulary in reception and production.

Receptive vocabulary mastery is the understanding process which is uttered by other people, reception is meant as a passive mastery. Meanwhile, production mastery is a process to communicate ideas, thoughts, and feelings through language form.

Vocabulary mastery in daily activities has the important role, since the human mind can be only understood clearly by others if only the mind is uttered by using vocabularies. Then, Pustejovsky in Fahrudin and Jamaris (2005) showed that language capacity of someone is a reflection of their ability to categorize and to show particular meanings.

According to Martin in Trianto (2009), mind mapping is important and new innovation to assist children resulting a meaningful learning in class. Mind mapping help teachers understand various concepts which is laid inside the taught topic. Clear mapping is able to help avoiding misconception which is made by students.

Mind mapping combines and develop potentially the human brain work. By involving two sides of brain, it will be easily for someone to manage and recall all kinds of information in written or verbally.

Based on the theories above, it can be concluded that applying mind mapping as a learning model is expected to develop students' understanding and memorizing toward vocabularies. The students will easily remember various words which will be used to communicate either actively or passively.

According to Tony Buzan (2009), the steps in making mind mapping are; (1) start in the center of a blank page turned sideways, (2) use an image or picture for your central idea, (3) use colors throughout, (4) connect your main branches to the central image and connect your second- and third-level branches to the first and second levels, etc., (5) make your branches curved rather than straight-lined, (6) use one key word per line, and (7) use images throughout.

There are steps that should be done in learning process of mind mapping model. They are; (1) *overview*, checking for all topics, (2) *preview*, more explanation toward a topic, (3) *in view*, the point of learning process, (4) *review*, rechecking in the end of learning.

Similar to other learning models, mind mapping model has also advantages and disadvantages (weakness). According to Olivia (2008), the advantages of mid mapping are; (1) easy ways to dig information either inside or outside of brain, (2) new ways to study and



train quickly, (3) the way in making notes avoiding boredom, (4) the best way to get new idea and planning project, (5) medium for thinking because of helping twice to think better, twice faster, twice more clearly, and interesting. And the disadvantages of mind mapping are; (1) only students are active, (2) students do not study at all, (3) students' mind mapping are various making teacher difficult to check.

Almost of all the students feel difficulty in mastering vocabularies because of difficult memorizing and categorizing words. Therefore, it is important for teacher to choose the appropriate and engrossed strategy in order that the students of Indonesian language are able to master many vocabularies.

Mind mapping is precise strategy to improve vocabulary mastery of language learners, especially in Indonesian language. Vocabulary will be grouped into mind mapping based on the category, for example; fruits, vegetables, occupations, transportations, animals, clothes, etc. Therefore, the students will understand the meaning of the words by understanding word context and also helped by the keywords.

In learning activities, teacher will introduce the word category, for instance "fruits". Then the teacher asks students to make that word (fruit) as a keyword by writing it capitally in the center of blank paper. Next, students draw branches from the keyword itself to make as many as words relating to the keyword (fruit). They can write words, such as; banana, apple, melon, grape, etc. After students finish making mind mapping, teacher asks them to memorize the words as well as to imagine the picture. For Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) students, the teacher should also consider about students' pronunciation. Teacher also asks students to build the words to become sentences, both speaking and writing.

This study focuses on mind mapping, because this strategy will help students memorize words quickly and enrich the new words. According to the writer, the students of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) in Uzbekistan are still difficult to categorize some independent words, since the

students are not accustomed to Indonesian language rather than other languages such as English or Russian Language.

The problem of this study is formulated as "Can mind mapping strategy improve students' mastery of vocabularies?". This study is aimed to know how mind mapping strategy can enrich and improve vocabularies of students in vocabulary mastery.

This study only focuses on mind mapping analysis in vocabulary learning of students in Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) in Samarkand State Institute of Foreign Languages.

METHODOLOGY

This research is conducted in Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) in Samarkand State Institute of Foreign Languages, Uzbekistan. Total of subjects is 29 students; male students are 6 persons while female students are 22 persons.

Research time is conducted in October 2018 until December 2018 in odd semester. This research is Classroom Action research (CAR). This research was started by (1) Planning, (2) Implementing, (3) Observing, and (4) Evaluating or reflecting. This research is carried out in two cycles, i.e.; the first cycle as an implementation of action, while second cycle is the betterment (Arikunto, 2010).

Source of data is from students' information of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) in level A-1 in which their program is English department and Translation department in Samarkand State Foreign Language Institute, Uzbekistan. The data as a learning observation is obtained by using observation sheets and evaluation mark by giving tests.

The techniques of collecting data in this research are; (1) observation, the observation was done toward both teacher and students' activities during the learning activities, (2) Tests, in this research, the tests were given at the end of learning activities, (3) Documentation, such as photos and videos of learning activities, lesson plans, syllabi, and list of evaluation.

The technique used in checking for data validity, the researcher used source triangulation and technique triangulation.



Source triangulation is done by checking data about leaning activity process; meanwhile technique triangulation is observation, tests, and documentations.

Data analysis used is interaction data analysis which was introduced by Miles and Huberman in Sugiyono (2008). It consists of three phases, i.e.; (1) data reduction, data display, the data displayed is recapitulation result both students and teacher's activities during learning proses, (3) data verification, checking about research's report.

Indicator of performance of this research was based on curriculum and syllabus of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) level A-1 as well as standard of

minimum completeness of mastery learning, i.e.: ≥ 65 score. This research is categorized to succeed if 80% students in Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) level A-1 at Samarkand State Foreign Language Institute, Uzbekistan achieve ≥ 65 score of standard of minimum completeness of mastery learning.

RESULT

Pre cycle-test was given at the first meeting before attending the cycle I and cycle II. Post cycle-test was given at the end of meeting in two cycles; each cycle consists of three meetings. The result of students' vocabularies can be seen in the table below;

Table 1. Total Vocabulary Test of Students

No	Students' Initial	Pre Cycle-Test	Cycle-Test I	Cycle-Test II
1	ET	20	68	84
2	AS	28	48	80
3	MD	32	68	84
4	UA	24	68	92
5	UE	12	16	76
6	SF	24	76	92
7	EE	4	48	88
8	XZ	36	84	84
9	BA	20	76	88
10	MS	28	40	60
11	NK	56	60	100
12	O	20	24	64
13	Q	36	44	100
14	SR	56	80	100
15	ZJ	52	60	92
16	VA	60	76	84
17	AS	0	32	64
18	M	28	40	70
19	NF	52	76	92
20	PN	56	72	96
21	S	28	44	88
22	KO	36	44	80
23	SX	20	32	76



24	M	24	32	88
25	XO	4	36	72
26	YF	28	44	96
27	B	48	80	100
28	MV	44	60	100
29	BA	12	32	84
Total Σx		888	1560	2474
Mean X		30.62	53.79	85.31

From the table above, it can be concluded that the improvement of students' vocabulary mastery rapidly from pre cycle-test to the post cycle I-test, then for the final test in post cycle II-test.

DISCUSSION

Based on observation result and data analysis in result of research can be known that there was improvement of students' vocabulary mastery by applying mind mapping strategy in each cycle.

The students of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) at Samarkand State Foreign Languages Institute are beginner students (level A-1). Pre cycle-test was given on 22nd of September 2018, in the fifth meeting of Indonesian language class. No students could pass ≥ 65 score of standard of minimum completeness of mastery learning. It was normal since they did not know many vocabularies in meeting five of leaning activities.

Nevertheless, after post cycle I-test had been given on 7th November 2018 and it had been already in meeting 16. It can be seen the improvement of students' vocabulary mastery. The lesson of vocabularies by applying mind mapping strategy had been given 3 times by 2 weeks range in each meeting. The students had known some vocabularies quickly because mind mapping strategy helped them memorize branches of vocabularies themselves even though they didn't understand completely for all words in a sentence.

At the end of the test (post cycle II-test), it can be seen the significant improvement if compared to the pre cycle-test. The test was given on 1st December 2018 and it has been in meeting 24. The students more understood and memorized many vocabularies by applying mind mapping strategy. This improvement can be seen in table 2 as follows, it is summary of students' evaluation ≥ 65 score.

Table 2. Students' Vocabulary Tests Percentage

No	Tests	Number of students passing score 65	Percentage
1	Pre cycle-test	-	0%
2	Post cycle I-test	11	37,93%
3	Post cycle II-test	27	93.10%



Based on the observation result by interviewing to some students, it was gotten information that they didn't understand all the words in questions (there are 25 questions). There were some words that they didn't know, nevertheless; by mind mapping strategy they were confident to answer the question. The students understood in context by keywords inside of the sentences.

CLOSING

Based on the result of this classroom action research which was held during two cycles and each cycle consisted of three meetings, it can be said that the hypothesis formulated has been proved. By applying learning model of mind mapping strategy can improve students' vocabulary mastery of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) in Samarkand State Institute of Foreign Languages in Uzbekistan. It can be seen from pre cycle-test result, the percentage of standard of minimum completeness was 0% only. Then, post cycle I-test was obtained the improvement to be 37.93%, and for the last, post cycle II-test, improved significantly to be 93.10%.

The average mark also improved from 30.62 in pre cycle-test to be 53.79 in the post cycle I-test. And, in the last test, post cycle II-test, improved significantly to be 85.31.

It shows that the students of foreign language (non-mother language) will find difficulties to understand and memorize

vocabularies quickly and preciously. Therefore, it is needed a strategy in language teaching, especially for vocabularies to improve students' language ability either in active communication or passive communication. And mind mapping strategy is one of the best choices.

Teacher of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) even other language teachers can use mind mapping in learning activities. This strategy can be used in all language skills, such as reading, writing, speaking, and listening. Teacher can create more by mind mapping strategy to improve the vocabularies, because the vocabularies are the base of a language to communicate both actively and passively in target language.

Students also need to be motivated to memorize as many as words in Indonesian language or target learned language so that they can use the words in writing or speaking. Students can make notes by mind mapping forms so as to become attractive, easily remembered, and full of creation.

It is expected that there will be other researches about mind mapping strategy to develop new strategies to result betterment of learning activities. It can hopefully improve the learning process of Indonesian Language for Foreign Speakers (ILFS) or other foreign languages.

References:

1. Arikunto, S. 2010. *Prosedur Penelitian Suatu Pendekatan Praktik*. Jakarta: Rineka Cipta.
2. Buzan, Tony . 2009. *Buku Pintar Mind Map*. Jakarta: PT. Gramedia Pustaka Utama.
3. Dv, Nv; 2018; <http://badanbahasa.kemdikbud.go.id>; retrieved 1 October 2018.
4. Fahrudin dan Jamaris. M (2005). *Peningkatan Penguasaan Kosakata Bahasa Inggris Melalui Permainan*. Vol 3. No 2. 1-41.
5. Gorys Keraf. 1997. *Komposisi, Sebuah Pengantar Kemahiran Bahasa*. Ende-Flores: Nusa Indah.
6. Keraf, Gorys. (2001). *Diksi dan Gaya Bahasa*. Jakarta: Gramedia Pustaka Utama.
7. Olivia, Femi. 2008. *Gembira Belajar dengan Mind Mapping*. Jakarta: Elex Media.
8. Richards, J., Platt, J. & Weber, H. (1985). *Longman Dictionary of Applied Linguistics*. London: Longman.
9. Soedjito. (2009). *Kosakata Bahasa Indonesia*. Jakarta: Gramedia Pustaka Utama.
10. Tarigan, H. G. (1989). *Metodologi Pengajaran Bahasa (Suatu Penelitian Kepustakaan)*. Jakarta: Depdikbud.
11. Trianto. 2009. *Mendesain Model Pembelajaran Inovatif-Progresif*. Jakarta: Kencana Prenada Media Group.



Насутион Ж. Обогащение словарного запаса у студентов Самаркандского государственного института иностранных языков при обучении индонезийскому языку для зарубежных студентов использованием стратегии мозгового штурма. Настоящая статья посвящается особенностям применения стратегии мозгового штурма в обучении студентов Самаркандского государственного института индонезийскому языку для зарубежных студентов.

Насутион Ж. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг талабаларига хорижий талабалар учун индонезия тилини ўргатиш жараёнида ақлий ҳужум стратегиясидан фойдаланишнинг сўз бойлигини ошириш натижаси. Мазкур мақола Самарқанд давлат чет тиллар институтининг талабаларига хорижий талабалар учун индонезия тилини ўргатиш жараёнида ақлий ҳужум стратегиясидан фойдаланишнинг хусусиятлари очиб берилган.



NEMIS TILIGA O'ZLASHGAN SO'ZLARNING IMLOSI XUSUSIDA

Dots. Nazarov Po'lat Jo'ramurodovich

Kalit so'zlar: so'z boyligi, lug'aviy tarkib, so'z birikmasi, chet tilidan kirib kelgan so'zlar, o'zlashma so'zlar, so'zlarning talaffuzi va imlosi.

Ma'lumki, har bir til lug'at tarkibining boyib borishida boshqa tillardan so'z olish asosida so'z boyligining oshib borishi muhim o'rin tutadi. Ma'lum bir tilning hozirgi davr ravnaqida eng avvalo davlatlararo ijtimoiy-iqtisodiy aloqalar, fan-texnika taraqqiyoti asosida boshqa bir tilga taalluqli bo'lgan so'z va iboralarning o'zlashishi ko'zga tashlanmoqda. Jumladan, globallashuv jarayoni, yangi pedagogik texnologiyalarning har jabhada qo'llanilishi natijasida dunyodagi ko'plab tillarga ingliz tiliga oid so'zlar kirib kelmoqda.

G'arbiy Yevropa tillaridan biri hisoblangan nemis tili ham yillar davomida qo'shni davlatlarning tillari, jumladan, qadimgi lotin tili, shuningdek italyan, fransuz, ispan, rus, ingliz tillaridan olingan so'z va iboralar asosida o'z lug'at boyligini boyitgan. Nemis tilining ilk shakllanish davrida lotin tilining lug'at boyligi yetakchilik qilgan bo'lsa, 9-13 asrlarda fransuz va ispan tillaridan, Yevropadagi uyg'onish davrida italyan tilidan, Ikkinchi jahon urushi natijasida rus tilidan, fan-texnika jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan bugungi kunda esa ingliz tilidan o'zlashgan so'z va iboralar nemis tilining lug'at tarkibidan muqum o'rin egallaganligi e'tiborga molikdir.

Ammo bir tildan ikkinchi bir tilga o'zlashgan so'zlarning grammatik belgilari, tovush tizimi hamda imloviy ko'rinishi ayrim qiyinchiliklarni ham keltirib chiqarishi mumkin. Masalan, nemis tiliga boshqa tillar asosida o'zlashgan ot so'z turkumiga mansub quyidagi so'zlardan fe'llar hosil qilish mumkin:

jobben - nemis so'zlashuv tilida "ishlamoq" ma'nosida;

joggen - "gimnastika bilan shug'ullanmoq", "yugurmoq" ma'nolarida.

Vaholanki, ingliz tilidagi "Job" so'zi hamda kelib chiqishi Sharqiy Osiyo hududiga tegishli bo'lgan "Joga" atamasi faqat ot so'z turkumidagina qo'llanila oladi.

Yoki, nemis tiliga o'zlashgan "Lyzeum, College, Chef, Charakter" kabi so'zlardagi ba'zi bir harflarning tovush xususiyatiga alohida ahamiyat berish talab etiladi. Zero, nemischa so'zlarda "eu" diftongining talaffuzi "oy" deb, "g" va "ch" undoshining o'qilishi esa qoidaga ko'ra |g|, |ε|, |x| tarzida talaffuz etiladi. Shu sabab, nemis tilini o'rganayotgan talabalarga bunday so'zlarni qaysi tillardan nemis tiliga o'zlashganligini va qanday talaffuz qilinishini alohida uqitirib o'tish talab etiladi.

Shuningdek, nemis tilida chop etilayotgan darslik va adabiyotlarda o'zlashgan ba'zi bir so'zlarning ikki xil shaklda yozilishini ham talabalarda tushunmovchilik keltirib chiqarishi mumkin deb hisoblaymiz. Jumladan, "kompyuter, kreativ" kabi so'zlar hozirgi nemis tilida imloviy ko'rinishi bo'yicha ikki xil shaklda ifoda etilmoqda: "Komputer - Computer", "kreativ - creativ".

Olinma so'zlarning qo'llanilishi borasidagi fikrimizning isboti sifatida biz o'rta maktabning yuqori sinf o'quvchilari hamda akademik litsey va kollej o'quvchilari uchun mo'ljallangan darsliklarda ifoda etilgan olinma so'zlar va ularning imlosi borasida to'xtalib o'tamiz.

Sh.S.Imyaminova, S.Ya.Abdullayeva, L.T.Xoliyorovlar tomonidan yaratilgan "Deutsch" darsliklarida 100 ga yaqin o'zlashma so'zlar qo'llanilgan. Ammo bu so'zlarning nemis tilida ifoda etishda mualliflar tomonidan ba'zi bir imloviy xatoliklarga ham yo'l qo'yilganligini ta'kidlab o'tishimiz zarur. Jumladan, o'rta maktablarning 10-sinflari uchun



mo'ljallangan darslikda quyidagicha kamchiliklar uchraydi:

Darslikning 40-betida “DJ” qisqartmasining transkripsiyasi berilmagan. 62-betda ifodalangan “joggen” so'zining nemischa ma'nosi berilmagan. 73-betda “E-learning” atamasi bilan bir qatorda bu so'zdan hosil qilingan nemischa so'zlar – “E-Lernen”, “E-Lerner” so'zlari izohsiz ifoda etilgan. 83-betda ingliz tilidan nemis tiliga kirib kelgan “party” so'zi izohsiz tarzda ikkita gapda ishlatilgan. 93-betda ifoda etilgan “Feed-Back” so'zining nemischa muqobilini topish topshirig'i ham, bizningcha, o'quvchilarga qiyinchilik keltiradi. Darslikning 110-betida inglizcha “Non-Profit-Organisation” (notijorat tashkiloti) ifodasi nemis tiliga “Die nichtstaatliche und nichtkommerzielle Organisationen” (nodavlat va notijorat tashkilotlari) shaklida ham mantiqan, ham grammatik jihatdan noto'g'ri talqin etilgan. 131-betda esa “Info-point” ifodasi qo'shtirnoq ichiga olinmagan. 138-betda “CV” qisqartmasining, shuningdek, 170-betda “Science-Fiction” qo'shma so'zining izohi va transkripsiyasi berilmagan.

Yuqoridagi mualliflarning 11-sinf o'quvchilariga mo'ljallab yaratgan darsligida quyidagi kamchiliklarni ko'rish mumkin:

Darslikning 29-betida ingliz tilidan olingan “recycling” so'zi asosida nemischa qo'shma so'z yasalgan: Recyclingssysteme, biroq bu o'rinda “recycling” so'zining o'qilishi va anglatgan ma'nosi qayd etilmagan. 50-betda “joggen” (gimnastika bilan shug'ullanmoq) o'zlashma so'zi nemischa “Laufen” (yugurmoq) so'ziga ma'nodosh sifatida berilgan. 91-betda Roksana ismli qizning xatida ifoda etilgan “Azubis” so'zining ma'nosi o'quvchilarga tushunarli emas. Darslikda “sartarosh” ma'nosini anglatuvchi o'zlashma so'z ikki xil shaklda 98-betda “Frisur”, 100-betda esa “Friseur” shaklida berilgan.

Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarning o'quvchilariga mo'ljallab yozilgan va mualliflari S.Ya.Abdullayeva, L.T.Holiyarov, S.A.Ziyayeva, Sh.A.Hojjiyevlar bo'lgan darsliklarda ham nemis tiliga o'zlashgan so'zlarning talaffuzi va imlosi bo'yicha bir qator kamchiliklar

ko'zga tashlanadi. Quyida “Deutsch 1/2 Zum Ziel” darsliklarida o'zlashma so'zlar bo'yicha yo'l qo'yilgan kamchiliklarni e'tirof etamiz:

“Deutsch 1. Zum Ziel” darsligida “Chef” (17-bet), “Job” (18-bet), “Feed-Back” (32-bet), “E-Learning” (43-bet), “Chance” (45-bet) kabi so'zlarning transkripsiyasi ko'rsatilmagan. Bu narsa esa bunday o'zlashma so'zlarning to'g'ri talaffuz qilinishida qiyinchiliklarni keltirib chiqradi. 78-betdagi “Heiss oder Nicht?” nomli matnda ifodalangan “die Studenten – ID-Images”, Website von Facemash” kabi birikmalar o'quvchilarga biroz tushunarsizdir. Shuningdek, 134-betda “qisqacha xulosa” ma'nosini anglatuvchi “Resume” so'zi “Resümee” shaklida ishlatilgan, nemischa “bequem” (qulay) so'zi o'rnida esa “komfortabel” o'zlashma so'zi qo'llanilgan. Darslikdagi 12-Lektionga tegishli 1-darsda “Evaluation” olinma so'zi imlo xatosi bilan sarlavhaga chiqarilgan. Aynan shu so'z darslikka ilova qilingan “Glossar” da “Evaluation” ko'rinishida berilgan. Bundan tashqari 151-betdan o'rin olgan “Mein Plan/Mein Ziel” matnida qo'llanilgan “ins Visier” birikmasi nafaqat o'quvchilarga, balki o'qituvchilarga ham tushunarli emas.

“Deutsch 2. Zum Ziel” darsligida o'zlashma so'z va birikmalarning imlosi bo'yicha nisbatan kam xato kuzatiladi. Jumladan, darslikning 17-betdagi “I-Phone, Evernote” kabi olinma so'zlar qo'shtirnoq ichiga olinmagan. Shuningdek, darslikning 3-Lektioniga sarlavha sifatida chiqarilgan “Recherche” so'zining va bu so'zdan hosil qilingan “recherchieren” fe'lining (24-bet) transkripsiyasiz berilishi ham talabalarga bu so'zlarni to'g'ri talaffuz qilishda qiyinchilik tug'diradi, deb o'ylaymiz. O'z navbatida darslikda berilgan matnlarning birida “Profi” (65-bet) qisqartma so'zi o'rnida “Professional” olinmasi yoki “Master” so'zi qo'llanilganda o'quvchilarga bu so'zning ma'nosi yanada tushunarli bo'lardi.

Xulosa sifatida shunga alohida ahamiyat berishimiz kerakki, o'zlashgan so'z va iboralardan ma'lum bir tilda to'g'ri foydalanish uchun, eng avvalo, bu ifodalarning lug'aviy ma'nosini bilgan holda ulardan samarali foydalanish talab etiladi.



Shuningdek, olinma so'zlarning talaffuzi va imlosida xato bo'lmasligini ta'minlash uchun, bizningcha, ular tegishli transkripsiyalari

bilan, shakli o'zgarmagan ko'rinishda ifodalanishi kerak bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Мюллер В.К. Англо-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1985. – 864 с.
2. Abdullayeva S.Ya., Holiyarov L.T., Ziyayeva S.A, Hojiyeva Sh.A. Deutsch 1. Zum Ziel. – Toshkent: Davr, 2014. – 168 b.
3. Abdullayeva S.Ya., Holiyarov L.T., Ziyayeva S.A, Hojiyeva Sh.A. Deutsch 2. Zum Ziel. – Toshkent: Davr, 2015. – 104 b.
4. Imyaminova Sh.S., Abdullayeva S.Ya., Xoliyorov L.T. Deutsch 10. – Toshkent: Davr, 2017. – 222 b.
5. Imyaminova Sh.S., Abdullayeva S.Ya., Xoliyorov L.T. Deutsch 11. – Toshkent: Davr, 2018. – 224 b.

Nazarov P. About the spelling of loan words in the German language. The present article has shown the usage of methods of using loan words in the German language.

Назаров П. О написании заимствованных слов в немецком языке. В статье рассматриваются способы употребления иностранных слов в немецком языке.



ИНСОН ХАРАКТЕРИГА ХОС СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРЛАРНИНГ ВАЛЕНТЛИГИ (Немис ва ўзбек тиллари мисолида)

*Байманов Ҳабибулла Абдуллаевич,
ТошТЭСИ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: интеллектуал, статик, динамик, интеграцион, сиркостант.

Инсон ўз интеллектуал салоҳиятининг ривожланиши тарихида санамокни ўргангандан кейин қиёсламоқни ҳам яхши ўзлаштира олди (1). Қиёслаш маданият билан, маданият эса қиёсламоқ билан ҳамоҳанг, чунки қиёслаш кенг маънода умулаштириш ва фарқламоқ демакдир. Таниқли олим ва ёзувчи О.Мандельштам ўзининг “Данте билан суҳбатда” номли асарида: “Мен қиёслаяпман, демак мен тирикман” (2) деган эди. М.Фуконинг таърифлашича, қиёслаш – “аниқлашни тақозо қиладиган, тафаккурни бойитадиган, билиш ва англашни чархлайдиган энг универсал, энг оддий, шу билан бирга энг мураккаб элементдир” (3).

Ҳозирги даврда чет тилларни билиш ва маданиятларнинг турлитуманлигини англай олиш – интеграцион жараёнларнинг, жумладан таълим тизимининг янада ривожланишига омил бўлмоқда. Узлуксиз лингвистик таълимнинг вазифаларидан бири турли тил ва маданият вакиллари бир-бирларини яхши тушуниш ва ўзаро бойитишига замин яратишдир. Айниқса тилларни қиёсий ўрганиш тилшуносликни янада ривожланишига замин яратади. Чунки, тилларни қиёсий ўрганиш орқали турли лисоний ва нолисоний қонуниятлар юзага чиқади.

Шунингдек, немис ва ўзбек тилларидаги сифат сўз туркумига оид сўзларнинг морфологик ва синтактик хусусиятларини тадқиқ қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

XV-XIX асрларга мансуб манбалар тилида қайд этилган туркий тиллардаги, шунингдек, немис ва ўзбек тилларидаги сифат лексемаларга хос барча хусусиятларнинг асосийлари нарсаспредмет ва ҳодисаларнинг белгисини

билдириш сифатнинг семантик асосидир. Белги билдириш хусусияти ва табиати жиҳатидан туб (аслий) ва нисбий сифатлар бир-биридан қисман фарқланувчи ўзгачаликларга эгадир. Туб сифат ифодаладиган белги тушунчаси шу сифатнинг тўғридан-тўғри маъносидан англашиладиган ранг, тус, тур, там, маза, ҳажм, вазн, меъёр, сатҳ, миқёс каби доимий сифатий белгилар билан боғлиқ бўлади, бу доимий сифатий белгилар конкрет ва абстракт характерда бўлиши мумкин: *оқ, қизил, аччиқ, ширин олма; аччиқ ҳақиқат, оқ йўл, ширин ҳаёт* кабилар. Нисбий сифатда эса белги тушунчаси шу ясама сифатга асос бўлган сўздан англашиладиган нарсаспредмет ёки ҳодиса маъноси билан боғлиқ бўлиб, унинг белги хусусияти бошқа турдаги нарсаспредмет ёки ҳодисага турли даражада нисбат берилиши орқали ифодаланади (4).

Бир қатор тилшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг фикрига кўра тилларда сифатлар тарихан морфологик кўрсаткичи унча тараққий этмаган сўз туркуми ва сифат даставвал мустақил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаганлиги, у сўнгрок от туркумидан ўсиб чиққанлиги ва шаклланиб ривожланганлиги ҳақида таъкидлайдилар.

Туркий тиллар тараққиёт босқичининг қадим даврларидан бошланган сифатнинг отдан ажралиб чиқиши узлуксиз ҳодиса бўлиб, бу жараён ҳануз давом этмоқда. Бундан келиб чиқиб, ҳамма сифат ҳам отдан ажралиб чиққан, деган фикрни бу қадар юқори баҳоланишини таҳсинга лойиқмас деб биламиз. Немис тилшунос олими Э.Ульрих сифат от ва феъдан сўнг учинчи ўринда турувчи катта сўз туркуми ҳисобланиб, тил луғати таркибининг 6/1



қисмини ташкил этиши ҳақидаги қимматли фикрини айтади (5).

Тилларда сифатлар дифференциал белгилари асосида таснифланган. А.Абдурахмонов, М.Асқарова, Т.Ходжаев, Р. Қўнғуровларнинг тадқиқотлари бу жиҳатдан аҳамиятга моликдир. Ушбу илмий ишларда сифатларнинг лексик-семантик, структуравий ва грамматик хусусиятлари ўрганилган. Сифат ва равишни семантик эмас, функционал аспектда фарқлаш лозимлиги, шунингдек, сифат предметнинг статик ва динамик характеридаги белгисини кўрсата олиши каби хусусиятлари эътироф этилади.

Бир белги маъносини ифодалаш учун содда, қўшма, жуфт ва бирикмали, тизма сифатлар, лексик-фразеологик бирикмалар, ёйиқ изоҳловчилар қўлланиши ҳам мумкин. Лексик ифодалар ва изоҳлар турли сўз туркумларидан бўлади. Бундай изоҳловчилар кўпроқ предмет белгисининг (аниқловчининг) аниқловчилари, уни конкретлаштирувчи воситалар, муболағалар бўлади. Масалан:

Қўрқув нималигини билмайдиган бу олов йигитнинг лақаби Бек, исми эса Бекмирза эди. У танги, ўта сезгир, ақл билан иш кўрувчи, бир сўзли йигит эди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини ҳушёр, совуққон тутта билар, босиқлик билан гапирарди. (Саид Равшан. “Ажал ўйини”, 5 б.).

Хотин урадиган ва хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиладиган баъзи ҳайвонсифат кишилардан бўлиб кетиши, менимча, эҳтимолдан жуда узоқдир иним... (А.Қодирий 1980: 18. “Ўтган кунлар”).

Демак, сифатлар турли хил лисоний шакллар ҳосил қилиши натижасида мулоқот жараёнида инсон онгида турли когнитив моделлар ясалишига замин яратади.

Айтиш ўринлики, бугунги кунда тилшунослик фанининг олдида яна бир сифатларнинг тури – сифатларнинг валентлигини таснифлаб ўрганиш куннинг долзарб масаласига айланиб қолмоқда.

Валентлик – асосан феъл-кесимга хос тил ҳодисаси бўлса-да (6), лекин

кейинги йилларда сифатларнинг валентлиги тўғрисида ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Валентлик назарияси тилшуносликда нисбатан янги бўлиб, у кейинги ярим аср давомида Л.Теньернинг грамматикага доир асарлари таъсирида кенг тарқалди. Valenz – лотинча сўз бўлиб, “тобе қилиш”ни англатади. Тилшуносликка бу термин кимё фанидан кириб келган. Бирор бир кимёвий элемент ўзига бир ёки бир нечта бошқа кимёвий элементни тобе қилиб, бириктириб олиш хусусияти “валентлик хоссаси” деб тушунтирилган (7).

Л.Теньер, Ж.Фурке, Х.Бринкманн, И.Эрбен, В.Шмидт, П.Гребе, Степанова М.Д., Хельбиг Г, Л.Вайсгербер ва бошқа тилшунослар ўз тадқиқотларида феъл-кесим гапнинг уюштирувчи бўлагидир деган назарияни илгари сурадилар: “Кесим предикатив категорияларнинг (замон, модаллик ва бошқаларнинг) ифодаловчиси ва гап ясовчи элемент сифатида хизмат қилади: феъл-кесим орқали бошқа гап бўлаклари – эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ўзаро муносабатда бўладилар” (8).

Феъл-кесим кузатилаётган физик-динамик жараён ва иш-ҳаракатнигина ифодалаш билан чекланмай, балки микдорий муносабатларни ҳам белгилайди, масалан: *Китоб беи қисмдан иборат. – Das Buch besteht aus fünf Kapiteln. Бир қонга 40 килограмм дон сизади. – Ein Sack enthält (verfasst) 40 Kilo Getreide.* Синтактик муносабатлар ва турли хил умумлаштириш натижасида хилма-хил йиғиқ ва ёйиқ конструкциялар ҳосил бўлади, лекин баъзи бир валентлик хоссалар идрок этилса-да, намоён бўлавермайди, масалан: *Бола китоб ўқимоқда Бола секин ўқимоқда / Бола анчадан бери ўқимоқда. // Das Kind liest das Buch Das Kind liest langsam / Das Kind liest schon lange Zeit.*

Сифат сўз туркумлари учун эса бу каби ёйиқ валентлик структуралари хос эмас. “Оддий” турдаги сифатлар предмет ёки инсоннинг белгисини ифодалайди (*кичкина уй // ein kleines Haus, чиройли аёл // eine hübsche Frau, семиз киши // ein*



dicker Mann) ва одатда якка ҳолда эга (от сўз туркуми) билан синтактик муносабатда (пассив семантик валентликда, тобеликда) бўлади. Баъзан оддий сифатлар бошқа сифатлар билан уюшган ҳолда қўлланилади. Масалан, баъзи сифатлар параметрни эксплицит равишда белгилайди (бўйига кўра – узун // *nach der Größe ist zu groß*, танасининг рангига кўра – оқ // *nach der Farbe des Körpers ist weiß*), бошқа сифатлар эса оддий конструкция ҳосил қилади (*қора сочли қиз // Schwarzhärriges Mädchen*).

Меҳрибон – gutherzig, жасур – tapfer, фаросатли – feinfühlig, қўпол – grob, эътиборли – zuvorkommend каби яна бир турдаги сифатлар эса инсон характери билан белгилаш учун қўлланилади. Инсон характери хос мазкур сифатлар нафақат инсонлар ўзаро муносабатларида (*бошқаларга нисбатан меҳрибон, муносабати қўпол, қарияларга эътиборли ва ҳоказо*), балки бошқа ҳолатларда ҳам (*ҳисоб-китобда эътиборли, кир ювишда фаросатли, тўполон қилишда жасур ва ҳоказо*) намоён бўлади. Ушбу сифатлар билан ишлатилган ҳамкор сўзларни сиркостантлар деб атаймиз. Чунки бу сўзлар конкрет шароитни аниқлаштиришда қўлланилиб, баъзан гапларда облигатор (яъни актанти) гап бўлаги вазифасига даъво қила олмайди. Демак, аниқловчи сифатлар ва уларнинг конкретизаторлари (*бошқаларга нисбатан меҳрибон, муносабати қўпол, қарияларга эътиборли*), ҳол вазифасидаги равиш ёки сифатлар (*ҳисоб-китобда эътиборли, кир ювишда фаросатли, тўполон қилишда жасур*) аниқланмиш ёки феъл-кесимнинг маъносини ўзгартира олмайди.

Бордийки, оддий сифат ўз маъносини ўзгартирса, у ҳолда унинг янги валентлик хоссаси юзага чиқади. Ушбу янги валентлик алоҳида конструкция ҳосил қилади (9): *очиқ ҳаво – klarer Himmel / Унинг кўнгли очиқ – Alles klar*.

Домланинг яхши ҳислати шундаки, у оқ кўнгли, кибирсиз, таъмағир эмас, сабр-қаноатли, бағри кенг, мутолааси зўр олим, дер эдилар отам. Сўзларда мантиқсиз ортиқча иборалар мутлақо бўлмас, тингловчи гўё ҳузурланар, яна-яна тингласам дер эди (А.Қодирий).

Баъзан янги валентлик сифатнинг бирламчи маъносини ўзгартириб юборади: *бой одам – Reicher Mann / витаминларга бой мева – Die Frucht ist reich an das Vitamin // лекин: *бой мева – *Die reiche Frucht эмас.*

Aber, es sei gesagt, dass er schlauer Fuchs war. Weiß ich nicht genau, er war nicht da (B.Bret).

Алоҳида турга хос бўлган баъзи сифатлар ҳам мавжудки, улар предметнинг белгисини эмас, балки предметлар ўртасидаги муносабатларни белгилаш учун қўлланилади. Бу каби сифатлар бирдан ортиқ валентликка эга бўлиб, улар алоҳида конструкция ясайдилар.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, сифатларда бир неча турдаги маъно белгиловчи тривиал валентлик (бўйига кўра – узун // *nach der Größe ist zu groß*, танасининг рангига кўра – оқ // *nach der Farbe des Körpers ist weiß*) билан бир қаторда нотривиал, яъни фақат маълум маънони белгилайдиган валентлик хоссалари ҳам учрайди. Мазкур тил ходисалари феъл-кесимнинг валентлигига нисбатан кам тадқиқ этилган. Чет тилини ўрганишда ушбу мақолада келтирилган мисоллар аҳамиятлидир. Бундан ташқари, сифатларнинг валентлиги, шунингдек, немис ва ўзбек тилларидаги инсон характери хос сифат лексемаларнинг валентлиги, улар ҳосил қиладиган конструкциялар омонимия муаммоларини ўрганишда янада ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. -М., 1993.
2. Мандельштам О.Э. Слово и культура. М., -1987. С. 121.
3. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. СПб., 1994. С. 66.



4. Абрамов Б.А.. Теоретическая грамматика немецкого языка. – М.: Владос, 2004.
5. Engel Ulrich. Deutsche Grammatik, Heidelberg, 1988. S.56.
6. Helbig G. Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Verben. Max Niemeyer. – Tübingen, 1991.
7. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М.: Прогресс, 1988.
8. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – М.: Высшая школа, 1978.
9. Степанова М.Д. Валентность в синтаксисе и в словообразовании немецкого языка. – М.: Высшая школа, 1983.

Байманов Х. Валентность лексем, свойственных для характера человека В статье рассматривается валентность немецких и узбекских имён прилагательных, свойственных для характера человека.

Baymanov X. Valency of lexemes dealing with a human's character. In the article valency of German and Uzbek adjectives characterizing a person is investigated.



THE ROLE AND INFLUENCE OF MASS MEDIA IN TEACHING ENGLISH

*Kasimova Adiba Nosirovna,
independent researcher at SamSIFL*

Key words: *Mass Media, L1 and L2, translation, methods, lexis, publicistic text, terminology, news, information, activity, capacities, motivation.*

Nowadays, mass media information has a huge impact. It puts forward the most important information and also contributes to the formation of one or another opinion about the information provided. Thus, it encourages the reader or listener to form their attitude about this situation. In order to introduce media styles in the field of education, broaden the horizons of foreign language learners, we decided to develop teaching methods, and thereby help English learners to develop not only simple understanding, but also to provide them with practical exercises to improve their translation competence in the field of translation. Several styles of journalism genres, about which the students are already widely known, have their own tasks, functional styles, classifications, and their norms. If we talk about the journalistic genre, here it is necessary to note their classifications, in which they reflect their functional styles. Without a certain picture of the genre of journalism, it would be difficult to talk about the specific type of media presented.

We are presented with several types of classifications for analysis in the course of our work and in the future it will become the main materials for students in mastering the methods of developing a translation technique. Considering their views, we will have to clarify their definitions, and where it is possible to give examples for concretization: such as news materials, comments, analytical reviews, interviews, promotional materials, etc. in turn, there are accepted terms and phrases in the field of journalism. As already known, the texts submitted by journalists are called media linguists, and their written texts are media texts. Before texts are handed over to media linguists, they pass through several instances, and then they carefully analyze the structure

of the text and consider it to transfer information to the public. Here the informant, that is, the media linguist, will prove himself not only as an expert who represents the task of conveying information, but also as an expert linguist in his work. Sometimes, referring to his media abilities, the linguist does the job of an interpreter by switching from L1 to L2.

To present a high-quality translation of a journalistic style to a translator should have knowledge of the theory and practice of translation. It should be noted that in dealing with the activities of a translation specialist needs to know the terminology of the sphere with which he deals. Today, media linguists are presented with the task of mastering several foreign languages. And it is their advantage in communicating information, which represents their professionalism. Thus, the following methods of translation of newspaper and journalistic articles are given. These important methods are characteristic of translating articles from the L1 to L2. Transformation frequently used and is one of the methods in translation texts from one language into foreign language. When dealing with English texts, future translators will have to master the skills of translation, learn and master the skill of appropriate usage of style of the text, its ideology, subject and lexis, etc. As mentioned earlier, the media is an interesting topic for foreign language learners. In order to effectively learn the language and teach translators to translate texts, we are going to develop a training program and a method for assimilating media materials. Thus, we collect texts aimed at teaching not only informational materials and terminologies, and also we are going to develop the skills of translating texts. So we came up to work out several stages for different level of students' knowledge. First



task is to collect essential and at the same time actual theme for learners. While working with news materials we carry out the search of materials on the internet. Thanks to the advanced technology we can get the news just in a few seconds. There is huge data can be found but the selection of them are a bit time-consuming. The news should be easy to understand for learners with pre-intermediate knowledge. In the process of compiling materials we came across with amount of topics and selected the following themes, and worked out activities for them. Purposely, they can not only take in the news but also fulfill the tasks consciously by acknowledging terms used in specific area. For instance, Unit 5 dedicated to **INDIA'S POPULATION PROBLEM** [<https://www.english-online.at/video/world/video-world-index.htm> English Online]. Initially, the information is given and terms related to the theme can follow below the data. There are step by step activities in this Unit. At the beginning they will listen or read the information, and then can look through the bold printed letters within the text.

Activity 1.

Extract from UNIT 4: Today India is the home to over 1 **billion** people. By 2050 it will **surpass** China as the most **populous** country in the world. Experts think that India will **reach** a total of 1.8 billion before population **growth** begins

Activity 3.

decrease	overtake; be bigger than
limited	Full of people
surpass	not very great in amount or number
populous	to go down

Activity 4. This task requires learners to translate the publicistic text into their native language. While having translation activity they will have to know the sentence structure used in English and appropriate word choice, some methods of translation.


Activity 5. The chart describes the total population of some countries of the world with their future trend is presented in years from 1950 to 2040. Learners will analyze the chart and write short essay according to the data.

to **decrease**. **In contrast to** China's one-child policy, **family planning** in India has not been **consistent**. In the 1970s and 80s the government tried to control population growth by **forcing** people to have **sterilizations**. Today, **however**, there are **signs** that population growth is slowing down. **Contraception** is becoming **widely available** in many areas and **especially** Indian women in **rural** areas are being more educated.

The learners will answer the questions related to the subject matter. The question should be presented in order of the information given in the passage. The question words are frequently used ones in publicistic texts, such as who, what, when, where, how etc.

Activity 2. For example: 1. How many people are there in India today? 2. What do specialists consider about India?

As a facilitator, the teacher will endeavor to elicit the information they comprehended. After, they work out the lexis of the theme; discuss the notion and definition given in the context. Within the group learners will try to translate the phrase "**surpass**" and then to enlarge their vocabulary by using some other meanings of the expression like **overtake; be bigger than**. The Activity with matching definition is up to the point in consolidating the expressions used in the context.



During the process of working with the news passage learners will increase their abilities to understand, raise their capacities such as listening, reading, writing, speaking and as long with that it will provoke their

literacy in translation activity. In a nutshell, we can admit that Mass Media has great impact and role in teaching English assisting broadening the learners' horizons.

Касимова А. Роль и влияние средств массовой информации в обучении английскому языку. Настоящая статья изучает важность использования средств массовой информации в обучении английскому языку и подчёркивает его высокую роль в улучшении понимания иностранного языка.

Касимова А. Инглиз тилини ўргатишда оммавий ахборотнинг ўрни ва таъсири. Мазкур мақолада инглиз тилини ўргатиш жараёнида оммавий ахборотдан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритмоқда.



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЯШАБ ИЖОД ЭТГАН ШОИРЛАР

*Шукуров Фозилжон Махмадович,
СамДУ ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: *Ҳалил Султон, Бисотий, Ҳасирий, девон, қўлёмалар, қасида, газал, қитъа, мухаммас, рубоий, фард.*

Соҳибқирон Амир Темурнинг вафотидан сўнг 1405 йили Самарқандни қўлга киритиб тахтни эгаллаган Мироншоҳ ўғли Ҳалил Султон қисқа муддат, яъни 1509 йилгача ҳукмронлик қилган бўлса ҳам Самарқанд адабий муҳити ривожини учун имкониятлар яратди. Бобоси Амир Темур сингари илм ва адабиёт соҳасига эътиборни кучайтирди. Халқ ичидан чиққан шоир ва уламолар саройга жалб этилиб, уларга ҳомийлик кўрсатилди. Бунинг натижасида сарой доирасида фаолият юритилаётган илм ва адаб аҳли ўртасида унга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром уйғонган эди. Самарқанд адабий муҳитига таъсир кўрсатган ва ўзидан катта из қолдирган шоирлардан бири Хожа Исмагуллоҳ Бухорий эди.

Хожа Фахриддин Исмагуллоҳ бин Масъуд Исмаил Бухорий 1365-1374 йилларда Бухоро шаҳрида таваллуд топиб, ўз замонасида Хожа Исмаил номи билан машҳур бўлган. У болалигидан Бухоронинг забардаст устозларидан сабоқ олади. Маълумотларга қараганда Хожа Исмаил ўз даврининг машҳур уламоларидан бири бўлиб, хусусан, шеърини соҳасида катта маҳорат эгаси эди. Бир муддат Носирий тахаллуси билан ижод қилган. Хусусан, аруз ва иншо-муаммо санъатида катта маҳоратга эга бўлган. Ҳалил Султон салтанати даврида унинг саройига жалб этилади ва шон-шухрат қозонади. Унинг саъй-ҳаракати билан Самарқандда адабий муҳит ривожланиб, маҳоратли шоир-у олимлар саройга жалб этилади. Жумладан, "Ҳасирий" тахаллуси билан машҳур бўлган самарқандлик шоир Сирожиддин ҳам унинг назарига тушиб, саройга келтирилади. Хўжа Исмаил бу истеъдодли ёш шоирни қўллаб-қувватлайди. Ҳақиқатан ҳам, Хожа Сирожиддин қисқа муддатда ўз истеъдодининг номаълум

қирраларини кўрсатади ва ҳатто ўз девонини тузишга киришади. Ўз устози Хожа Исмаил маслаҳати билан у Ҳасирий тахаллусидан воз кечиб "Бисотий" тахаллусини қабул қилади ва шу ном билан мадҳий қасидалар, ишқий ғазаллар ва бошқа жанрларда ижод қилади. Ўзининг бир байт шеъри билан машҳур бўлиб, Ҳалил Султондек Темурийзодага манзур бўлган шоир шеърлари Темурийлар салтанатидан ташқарида ҳам ўз ихлосмандларига эга бўлади. У ўз устози Хожа Исмаилнинг Носир тахаллусини ҳам таъкидлаб, жамладан ёзади:

کومتر از ناصر مبین شعر بساطی در جواب
میکنم دعوی و لافی در مقابل میزنم.

Таржимаси: Сен Бисотийнинг шеърини Носирникидан кам билма, бунинг учун мен даъвогарлик қилиб лоф уришим мумкин.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асаридан ташқари, Мавлоно Бисотийнинг ҳаёт ва фаолияти хусусида Мавлоно Озарийнинг "Жавоҳир ул-асрор" ва Мир Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираларида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Аммо бу манбаларда ҳам шоирнинг туғилган йили, оиласи ва вояга етганлик даври ҳақида ҳеч нарса келтирилмаган. Бу ҳақда фақат бизгача этиб келган шоирнинг девонидан маълумотлар топиш мумкин.

Саройда шоир улкан шон-шухрат ва мавқега сазовор бўлиб, буюк ғазалнавис сифатида танилади. Чунончи, Мавлоно Озарий "Жавоҳир ул-асрор" асарининг учинчи фаслини ғазал жанрига бағишлаб, Бисотийни ҳатто Ҳофиз Шерозий ва Камол Хожандий каби улуғ ғазалгўй шоирлар қаторига қўяди. Қайд қилиш жоизки, "Жавоҳир ул-асрор" Бисотий Самарқандий ҳақида маълумот берадиган энг қадимий манба саналади. Бисотий девонини тадқиқ



этиш натижасида маълум бўладики, шоир касидаларида асосан мадхия; ғазал жанрида ишқия ва қитъаларида кўпроқ ҳажвия тамойилларига эътибор қаратилган. Ўз замондошлари Хаёлий Бухорой, Бурундук Бухорой, Рустам Хуриёний, Тохир Абевардий, Камол Хўжандий шеърларига жавоблар ёзган. Бисотийнинг вафот санаси ҳам Ҳалил Султон ўлимига яқин вақтда содир бўлиб, кўпроқ шу воқеага боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки илм ва адаб аҳлига ғамхурлик ва ҳомийлик кўрсатган шоҳзоданинг бемаҳал вафоти, қалам аҳлини қаттиқ изтиробга солди. Унинг устози Хожа Исмаат ҳам шоҳзоданинг вафотидан чуқур қайғуга тушиб, кўп ўтмай тарки дунёчиликни ихтиёр этган.

Хожа Исмаатнинг яна бир машҳур шогирди Хаёлий Бухорой саналади. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Хожа Исмаат Бухорой шогирдларидан саналади... Мустаъид ва хуштабъ бўлиб, дарвешона ва равон ва покиза сўзлайди". Шу тариқа, саройда нафақат форс-тожик тилида, балки туркий тилда ҳам ижод қилиш учун имкониятлар вужудга келади. Ҳалил Султоннинг ўзи ҳам Темурийлар сулоласининг барча намояндалари каби шеърият ихлосманди бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумотида кўра, форс-тожик ва туркий тилда шеърлар ёзади. У туркий тилда девон ҳам ёзган бўлиб, аммо бу девон бугунгача етиб келмаган.

Шу тариқа Самарқандда Хожа Исмаат саъй-ҳаракатлари туфайли кучли адабий муҳит юзага келади. Мавлоно Бисотийдан ташқари, бу адабий муҳитда Мавлоно Бадахший, Хаёлий Бухорой, Бурундук Бухорой каби машҳур шоирлар ҳам тўпланадилар.

Бу даврдаги Самарқанд адабий муҳити, айниқса XIV аср охиридаги ҳақидаги маълумотларнинг камлиги сабабли, кўп жиҳатларини аниқлашда қийинчиликлар мавжуд. Чунки адабиётшуносларнинг аксарияти асосан, бу ҳақда қисқача маълумот берган Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Шайх Озарийнинг "Жавоҳир

ул-асрор", Мир Алишер Навоийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарларига суянадилар. Шунинг учун бу масаладаги жумбоқларни ҳал этишда кўпроқ шоирларнинг мавжуд девонлари муҳим манба сифатида хизмат қилади. Бу борада бизга жаҳон кутубхоналарида сақланаётган аждодларимизнинг меросини ўрганиш муҳим саналади. Чунончи, 2014 йил Лубнон давлатининг Бейрут шаҳрида чоп этилган "Зариъа ила тасаннуйи фиша шиъа" (Шиъа таснифотларига далиллар) китоби муаллифи аллома Шайхоқо Бузург ата Техронийнинг ёзишича Бейрут кутубхонасида 4999 рақами остида сақланган бўлиб "Девони Исомии Самарқандий" деб номланади:

"Шоирнинг номи Абдулмаликхон бўлиб, Амир Темур даврида шайхулислом лавозимида ишлаган. Шарҳ давомида келтирилади:

واسمه عبد الملك كان شيخ الإسلام بسمرقند في عهد تيمور. وهو أستاذ بساطي سمرقندي. أورد شعره المتخلص فيه عصامي في (لت ٥). و (روشن ٤٥٨) وترجم في تذكره للشعراء موجودة في (المجلس) كما في فهرسها (٣ : ١٥٦). وطبع مثنوي فتوح السلاطين لعصامي في تاريخ سلاطين الهند بالفارسية فرغ من نظمه في ٧٥١ بتصحيح يوشع بمدراس في ٧٨٠ ص. في ١٩٤٨ م.

Яъни, у шоир Бисотий Самарқандийнинг устози бўлиб, Исомий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Исомий яна форсий тилда ҳинд подшоҳлари тарихи ҳақида "Ал-футуҳот ас-сала:ти:н" – "Султонлар ғалабалари" номли маснавий ҳам ёзиб, уни 751 ҳижрий йили тугатган экан. Бу мисоллардан келиб чиқадики, нафақат Ҳалил Султон даврида, балки Амир Темур даврида ҳам илм ва адабиёт анъаналари давом эттирилган ва бу даврда нафақат халқ орасида, балки саройнинг ўзида ҳам шоир-у уламолар қимматли асарлар битган. Шайхулислом Абдулмаликхон Исомий ҳам бундай уламолардан бири бўлиб, фикҳ ва адабиёт соҳасида асарлар ёзиб, форсий тилда Девон ва маснавий ёзган. У ўз замонасининг асосий адабий сиймоларидан ҳисобланиб нафақат ўз шогирдлари, балки Самарқанд адабий муҳитига ката таъсир кўрсатган. Шоир Бисотий ҳам саройга қабул қилинмасдан



бурун ундан илм-у адаб ўрганиб таниқли шоир даражасига эришган. Чунончи, бу борада ўз девонида айтади:

خواجة عالی عمادالحق دين عبدالملك
مظهر انوار معنی مقتدای انس و جان.
ای حریم آستانت روضه دار الامان
با ضمیر روشنت خورشید معنی تو عمان.

Таржимаси: Эй Хожа Абдулмалик, маънавий нурларнинг келиб чиқиши ва инс-у жонларнинг пешвосисан. Сенинг остонанг омонлик гулшанидир. Ёрқин юрагинг маънавий қуёш билан тавъамдир.

Аммо Хожа Исматуллохнинг фаолияти Самарқандда узоқ давом этмади. 1409 йили Ҳалил Султон тахтдан ағдарилгандан сўнг Хожа Исмат ҳам Бухорога қайтиб боради. У ўз ҳомийсининг мағлубиятидан чуқур қайғуга ботади.

Султон Ҳалилдан кейин Мирзо Улуғбек тахтга ўтиради ва у ҳам илм аҳлига катта илтифотлар ва ҳомийликлар кўрсатиб, жумладан Хожа Исматни ҳам саройга таклиф этади. Аммо Хожа Исмат сарой ишидан бутунлай воз кечиб таркидунёчилик қилади ва дарвешлар ўртасида ҳаёт кечиришни афзал кўради. Бунинг натижасида, унинг обрў-эътибори халқ орасида янада ортиб боради ва шуҳрати ошади. У дарвешлик ва фақирликни подшоҳлар дунёсига қарши қўяди. Исмат Бухороий Бухорода оламдан ўтган. "Гулшани адаб" (3-жилд, Душанбе, 1976) тўпламида шоирнинг вафоти 1437 йил деб кўрсатилган. Хожа Исматуллох ўзидан 10 минг байтдан иборат тўлиқ "Девон" қолдирган ва ушбу девон қасида, ғазал, қитъа ва қисқа маснавийлар, ҳамда 1100 байтдан иборат "Иброҳим Адҳам" маснавийсини ўз ичига олади. Бугунги кунда шоирнинг девони нусхалари дунёнинг кўпгина кутубхоналарида мавжуд. Жумладан, Тожикистон Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари фондида 1777 ва 160 рақамлари қўлёзмалари, Фирдавсий номидаги Тожикистон давлат кутубхонасидаги 401 рақами остидаги қўлёзмаларида сақланиб келинмоқда. Шоир девонининг қўлимиздаги электрон варианты ҳам Техрон шаҳри Миллий кутубхонасининг 13003 рақами остидаги

нусха ҳисобланади. Китоб "Жунгае ашъор" а шеърлар тўплами шаклида жамланган бўлиб, "Мажмуъаае ашъорае ёздаҳ нафар шуъароае маъруф" - Ўн бир нафар машҳур шоирнинг шеърий тўпламлари" деб номланади. Мавлавий Жалолиддин, Саъдий ва Ҳофиз, Ироқий ва Авҳадий каби шоирлар қаторида китобда Исмат Бухороий ва ҳошияда унинг шогирди Бисотий Самарқандий шеърлари келтирилган. Унинг лирик шеърлари машҳур бўлиб, халқ орасида кўшиққа айланган.

Исмат Бухороий ижодида бир томондан XV асргача бўлган форс-тожик адабиёти ютуқлари мужассамлашган бўлса, иккинчи томондан унинг шеърияти адабиётнинг кейинги даврларига ўз таъсирини ўтказган. Шоир рубоий, қитъа, топишмоқ, фард ва бадий санъатларни ишлатишда катта маҳорат кўрсатиб бу шеърий шаклларда турли маъноларни ифода этган. У бундай шеърий жанрларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Таъкидлаш жоизки, Исмат Бухороий форс-тожик адабиёти таърихида тожик ва ўзбек тилида шеърлар битган биринчи шоирлардан саналади. Унинг таъсирида шаҳзода Ҳалил Султоннинг ўзи ҳам икки тилда шеърлар ёзиб, ҳатто ўзбек тилида девон ҳам яратган эди. Агар Сомонийлар даврида форс-тожик тилида шеър ёзиш анъанага кирган бўлса, XV асрга келиб, шоирлар туркий-ўзбек тилида ижод қила бошладилар. Исмат Бухороий бу анъанага асос солган шоирлардан бири ҳисобланиб, ундан кейин аста-секинлик билан шоирлар ўртасида зуллисонанлик анъанаси Мовароуннаҳрда ривожлана бошлайди. Бу фикрларни тасдиқлаш учун Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асаридан парча келтирамиз: "Ҳалил Султон - Ҳазрат султон ус-салотиннинг воқеасидан сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машҳурдурким, ўзи шеър айтир ерди. Андоқким, девони таърифида Хожа Исматуллох қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаъидан ўзгаким:

ای ترک پری پیکریمیز ترک جفا قیل



"кам дليميز لعل روانبخش عطا قيل".

Бу фикрлар Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарида келтирилгани билан ҳам тасдиқланади: Султон Ҳалил ўз айёми давлатида Хожа Исматуллоҳни бағоят эҳтиром қилар эрди. Шаҳзода илми шеърни Хожадан таълим олур ерди". Исмат Бухоройнинг шеърлари мадҳ ва

тавсиф, сўфиёна ҳиссиёт ва ошиқона таассуротдан бойдир.

Мазкур даврда ижод этиб мукаммал девон яратган шоирлар : Исмат Бухорой, Хожа Абдулмалик Исомий, Бисотий Самарқандий каби шоирларнинг меросини ўрганиш XIV-XV аср Самарқанд адабий мухити фаолиятини чуқурроқ ўрганишда ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар // Тошкент: "Ўқитувчи", 1994. - 430 б.
2. Валихўжаев Б. Доир ба як шарҳи ашъори Камоли Хужандий ва Бисотии Самарқандий//Масъалаҳои робитаи адаби.-Самарқанд: Нашри ДДС,1981.-106 б
3. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр таърихи. Тошкент: Г ʼафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 96 б.
4. Зеҳний Т., Саъдиев С., Суханварони сайқали рӯи замин. - Душанбе: Ирфон, 1970. 72 б.
5. Саъдиев С. Маркази адабии Самарқанд дар шохроҳи тарих // Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" 2012.-398 б.
6. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти1997. 384 б.

Шукуров Ф. Деятельность поэтов, живших во время правлений тимуридов. В данной статье речь идёт об известных поэтах Исмат Бухорой, Ходжа Абдулмалик Исомий и их ученика Бисотий Самарқандий, которые жили и творили во время правления Амира Тимура и его внука Халила Султан во второй половины XIV и начало XV веков, об особенностях их творчества и деятельности, их внесённом вкладе в литературной среде данного периода. Изучение литературного наследия этих поэтов является одной из актуальных задач сегодняшнего дня.

Shukurov F. Activities of poets who lived and worked in Timur's era. This article is about Amir Temur and his grandson, Khalil Sultan in periods of the second half of the fourteenth century and poets, Ismat Bukhariy, khuja Abdulmalik Islomiy and their assistant Bisotiy Samarkhandiy who lived and worked at the beginning of the fifteenth century and their contribution in to the literature of this period. Studying the literary heritage left by these poets is one of the necessary issues of today.



“SADDI ISKANDARIY” DOSTONIDAGI ME’ROJGA BAG‘ISHLANGAN BOB BADIYATI

*Gafurova Shahnoza Akramovna,
SamDU mustaqil tadqiqotchisi*

Kalit so‘zlar: me’rojnoma boblar, me’roj voqeasi, tarse’, tashbeh, tamsil.

Alisher Navoiy o‘z dostonlarida an’anaviy muqaddima boblarni to‘liq keltirgan, jumladan Payg‘ambar (s.a.v.) tavalludi, nabiyliги, mo‘jizalari va me’roji haqida alohida boblar keltiradi. Na’t boblar dostonlarning kirish qismida an’anaviy boblar sifatida hamd va munojotlardan so‘ng keladi. “Alisher Navoiy ijodida na’tlar muhim ahamiyatga ega. Ularda shoirning islomga munosabati aks etgan. Navoiy Hazrati Muhammadni insoniyat tarixida yangi, barhaq dinni joriy etgan ulug‘ zot, karomatli va sharofatli inson sifatida qizg‘in muhabbat bilan tasvirlagan” [Muhiddinov: 71-bet]. O‘z o‘rnida na’t boblarni vasf na’tlar va me’rojnoma na’tlarga bo‘lib o‘rgansak to‘g‘riroq bo‘ladi [G‘afforova: 10-bet]. Me’rojnoma boblar shoirning falsafiy, axloqiy –ta’limiy va komil inson haqidagi qarashlarini ifodalashda muhim vosita hisoblanadi. Dostonlarni o‘rganar ekanmiz, me’rojga bag‘ishlangan boblar “Xamsa”ning beshala dostonida ham va “Lison ut-tayr” dostonida ham borligiga guvoh bo‘lamiz. Ayni vaqtda bu boblar bir-biriga o‘xshamagan, original tarzda yaratilgan. Me’rojnoma boblar hajm jihatdan ham turlicha: “Hayrat ul-abror”da 53 bayt, “Farhod va Shirin”da 68 bayt, “Layli va Majnun”da 100 bayt, “Sab’ai sayyor”da 92 bayt, “Saddi Iskandariy”da 125 bayt va “Lison ut-tayr”da 53 baytdan iborat.

“Saddi Iskandariy” dostonidagi bob hajm jihatidan ham, mazmun jihatidan ham eng katta va mukammali hisoblanadi. Shu tufayli ushbu bobni ko‘rib o‘tsak.

Me’roj voqeasi tunda bo‘lib o‘tganligi hammamizga ma’lum. Navoiy Me’rojnoma boblarni tun tasviri bilan boshlaydi. “Saddi Iskandariy”dagi bobda keltirilgan birinchi baytda kechani – me’roj voqeasi bo‘lib o‘tgan tunni koinot jamoliga chiroy qo‘shuvchi xolga o‘xshatadi. Keyin ruju’ san’atini qo‘llagan

holda fikridan qaytib uni qop-qora, mushkin sochga qiyoslaydi:

Demay xolkim, gesuyi mushkrez,
Qilib ofaninish uza mushkbez.

Bu yerda ishtiyoq san’atini qo‘llab sochning (tunning) ham qop-qora, ham xushbo‘y ekanligini ifodalayapti. Kecha ta’rifida davom etgan holda uning juda ajoyib va go‘zalligi, xush isililigi keltiriladi.

Kecha ta’rifidan so‘ng Payg‘ambar (s.a.v.) tavsifiga o‘tiladi hamda o‘sha kecha Ummahoniyning uyida edi deb keltiriladi:

Quyoshdek ulusdin nihoniy bo‘lub,
Yeri hujrai ummahoniy bo‘lub.

Shunga o‘xshash misralar Navoiyning boshqa dostonlarida ham uchraydi. Jumladan, “Layli va Majnun”da:

Bir xobgahi nihoni ichra,
Manzilgohi Ummahoni ichra.

“Sab’ai sayyor”da:

Bo‘yla tun ul mohi Muniri Jahon,
Ummahoniy uyida erdi nihon.

Agar yuqoridagi baytlarni tahlil qilsak, hammasidan Ummahoniyning uyida edi ma’nosi kelib chiqadi. Me’roj haqidagi manbalarda Payg‘ambar (s.a.v.) o‘sha tunda Ka’baning Xotiym qismida yotganligi aytib o‘tiladi [Sog‘uniy: 94-bet]. Yana ba’zi asarlarda ammasi – amakisi Abu Tolibning qizi Ummuhoniyning uyida edi deb keltiriladi [Lutfiy A.:105-bet].

Shu ma’lumotlarga tayangan holda Navoiyning baytlarini Ummahoniy uyida edi tarzida tahlil qilishni ma’qul topdik. Keyingi baytlarda Jabroil (a.s.) va Buroq ta’rifi beriladi:

Ki nogoh chaqildi bir tez barq
Ki ofoqni qildi nur ichra g‘arq.
Demay barqkim, toyiri barqsayr
Qo‘lida bir ul nav’kim barqtayr.
Buroqning o‘zagi “barq” (yashin),

Navoiy shunga ishora qilib, uning tez



yurarligini nazarda tutgan holda yuqoridagi baytlarni keltiradi.

Quyidagi baytda esa tarse' san'ati qo'llanganligini ko'ramiz:

Anga Sidra koxi navogoh o'lub,

Munga ravza bog'i charogoh o'lub

Diniy adabiyotlarda har kimning maqomi belgilab qo'yilganligi va Buroqning Jannatdan chiqqan ot ekanligi aytib o'tiladi. Jabroil (a.s.)ning maqomi Sidratul muntahoda ekanligi keltiriladi [Sog'unii: 93-95-bet]. Navoiy bu baytda shunga ishora qilayпти. Keyingi baytlarda Payg'ambar (s.a.v.) Buroqqa minib yo'lga tushganligini tasvirlaydi. Yuqorida keltirgan "Ummahoniynikida edi" talqinimizga isbot tariqasida yana bir baytni keltirishimiz mumkin:

Chu otlandi rokib, nechukkim daraxsh

Burun surdi Baytul Haram uzra raxsh.

Ya'ni rokib - Payg'ambar (s.a.v.) avval Baytul haram masjidiga yo'l oldi. Keyingi baytda esa masjidi Aqsoga borganligi va Arshi A'loga chiqqanligi keltiriladi:

Yana po'yada qo'ydi Aqsog'a yuz,

Ne Aqsog'a yuz, charxi a'log'a yuz.

Keyin falaklar va ularga tegishli sayyoralar tasviri beriladi: birinchi falakda Oy, ikkinchisida Utorud, uchinchisida Zuhra, to'rtinchisida Quyosh, beshinchisida Bahrom (Mars), oltinchisida Mushtariy, yettinchisida Zuhal bilan uchrashadi. Ularning hammasi Payg'ambar (s.a.v.) sharofatidan bahramand bo'ladi. Navoiy sayyoralarning nima timsoli - homiysi ekanligiga ishora qilgan holda ajoyib tashbehlar qo'llaydi. Masalan, san'atkorlar homiysi Zuhro uni ko'rishi bilan udini yashirib qo'yadi; Bahrom - jang-jadallar homiysi qon to'kishni bas qiladi; Zuhal - baxtsizlik, omadsizlik timsoli uning sharofati bilan baxtli bo'ladi. Undan so'ng 12 ta burj bilan uchrashuv tasvirlanadi. Bu yerda ularning nomlari va belgilari vositasida go'zal o'xshatishlar keltirilgan.

Bo'lib qosh uchidin ishoratnamoy

Berib qoba qavsayndin mujda yoy.

Baytda Navoiy Payg'ambar (s.a.v.) Me'roj kechasi erishgan "Qoba qavsayn" (ikki yoy oralig'icha yaqin) darajasiga Qavs - Yoy burjining nomi yordamida ishora qilayпти.

Yo'li ustida Qubg'akim suv sochib,

Sochar vaqti suv yo'qki inju sochib.

Dalv - Qubg'a (Qovg'a) Payg'ambar (s.a.v.) yo'lga suv o'rniga inju sochyapti deya tashxis san'atidan foydalangan.

Arsh, Kursi va Lavh maqomlarini tasvirlar ekan, Qalam haqida juda chiroyli bayt keltiradi:

Qalamg'a yetib maqdamidin kushod,

Yozib chashmazxmi uchun "in yakod".

Bu yerda "in yakod" ko'z tegmasligi uchun o'qiladigan duoning ilk jumlası bo'lib, "Qalam" surasining 51-52-oyatlaridir. Arsh, Kursi va Lavh maqomlaridan o'tgach hamrohlarini qoldirib Payg'ambar (s.a.v.) o'zi yo'lda davom etishi keltiriladi:

Buroqin tushub paykiga topshurub,

Qadamsiz yurub, po'yasiz gom urub.

Yana Payg'ambar (s.a.v.) to'rt unsur va olti tarafdin ajralib Alloh visoliga yetishganligi, Allohdan ummatlari gunohini so'rab olganligi keltiriladi:

Necha ikkilik naqshi nobud o'lub,

Bir o'q vahdati sirf mavjud o'lub.

Ko'rub bahri g'ufronni chun mavjнок,

Tilab osiy ummat gunohini pok.

Navoiy Payg'ambar (s.a.v.) safardan qaytishda juda boshqacha suratga kirganligini ta'kidlab o'tadi:

Kelib g'unchau bog'i rizvon yonib,

Yetub qatrau bahri Ummon yonib.

Ya'ni kelishda g'unchadek bo'lgan bo'lsa, qaytishda jannat bog'idek edi, kelishda qatra suvdek bo'lgan bo'lsa qaytishda Ummon - dengizdek edi deya tashbeh san'atini qo'llaydi. Keyin esa yo'ldoshlari oldiga kelgan Payg'ambar (s.a.v.)ni Jabroil (a.s.) va Buroq tanimay qolganligini aytib o'tadi:

Yonib yuz qo'yub raxshu yo'ldoshig'a,

Tanilmay yetishgach alar qoshig'a.

Payg'ambar (s.a.v.)ni kuzatish uchun maloikalar chiqib, uning boshidan nurlar sochishadi. Navoiy bu yerda tamsil san'atini ishlatadi:

Jamoliga chun ko'zlarin ochibon

Tabaqi nurlar boshig'a sochibon.

Anga nur sochmoqqa monand bu

Ki sochqoy kishi bahri ummonga su.



Payg'ambar (s.a.v.) O'zlari shunday nurga chulg'angan ediki, maloikalar uning boshidan nur sochishi xuddi dengizga suv sepayotganga o'xshaydi. Bobni tugatar ekan, Navoiy bu voqea Olloh inoyati bilan bo'lganligini, kishi aqli unga yetmasligini aytib o'tadi:

Munungdek safarkim emas xalq ishi
Ki sharhi oning anglay olmas kishi.

Bu voqeda borish va kelish bir vaqtning o'zida bo'lib o'tganligini ta'kidlaydi:

Ne yerga yetishgay xirad bilmagi,
Bor ersa borurdin burun kelmagi.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, Navoiy Me'roj voqeasini tasvirlashda har bir

asarda o'zgacha o'xshatish, boshqacha tasvirlardan foydalangan. Ularning eng mukammali hisoblangan, biz yuqorida o'rgangan bob ham badiiy adabiyotdagi Me'roj voqeasi tasvirining go'zal namunasi hisoblanadi. Me'rojnoma boblarda Navoiy o'zining ham diniy, ham falsafiy, ham kosmogonik qarashlarini badiiy ifodalab bergan. Me'roj voqeasi inson kamolotining cho'qqisi sifatida doim Navoiyni hayratlantirib, zavqlantirib kelgan. Me'rojnoma boblar va me'rojnoma g'azallar orqali komillikka intilish g'oyasini ilgari surgan. Bunday boblar va asarlarni o'rganish biz uchun har taraflama foydalidir.

Adabiyotlar:

1. Lutfiy A. Oydinliklar sari. - Toshkent, 2004-yil.
2. Muhiddinov M.Q. Alisher Navoiy va uning salaflari ijodida inson konsepsiyasi. Filologiya fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. - Toshkent, 1995-yil.
3. Navoiy Alisher. Layli va Majnun. O'zbek adabiyoti bo'stoni. Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi nashriyot. 1990-yil.
4. Navoiy Alisher. Sab'ai sayyor. O'zbek adabiyoti bo'stoni. Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi nashriyot. 1991-yil.
5. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. O'zbek adabiyoti bo'stoni. Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi nashriyot. 1991-yil.
6. Tohirov S. Kosmogonik tasavvurlarning badiiy talqini. "O'zbek tili va adabiyoti"// 2004-yil. №1, 39-42-betlar.
7. Sog'unuy A. Tarixi Muhammadiy. Toshkent, 2004-yil.
8. Gafforova Z. Navoiyning hamd va na't g'azallari. - T.: Ma'naviyat, 2001.

Гафурова Ш. Лирика главы эпической поэмы «Садди Искандари», посвященной восхождению. Алишер Навои придерживался традиции вставки главы оды в своих эпических поэмах. В каждой поэме главы восхождение описывается оригинально, без повторения. В этой статье проанализирована глава восхождения в «Садди Искандари».

Gafurova Sh. Lyrics of the chapter of epic poem "Saddi Iskandari" devoted to ascension. Alisher Navoi had a tradition to add the chapters of ode in his epic poems. In each poem the chapter of ascension is described originally, without any repetitions. The chapter of ascension in "Saddi Iskandari" is analysed in this article.



ЖОЙС “ДУБЛИНЛИКЛАР” ТУПЛАМИ МАТНИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (“Аравия” хикояси мисолида)

Мухитдинова Назира Батирхановна,

Жиззах Давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Калит сўзлар: макон ва замон концепцияси, олам тушунчаси, экспозиция, орзулар олами, реал ҳаёт, қоронғулик, хикоячи-персонаж.

“Дублинликлар” тупламидаги охириги хикоя, қаҳрамоннинг ёшлик йиллари ҳақидаги “Аравия” хикоясидир. Шу хикоя билан китобдаги марказий образнинг биологик ривож, шаҳар ва китобнинг биринчи қисми яқунланади.

“Аравия” хикояси макон-вақт структураси учун юқорида таҳлил этилган олдинги новеллалар экспозициялари характерлидир: унда баён этилган воқеа тахминан бир кун мобайнида рўй беради (худди “Опа-сингиллар” ва “Учрашув”даги каби), бироқ уларни, чегаралари бузиладиган олам тасвири композицион жиҳатдан қамраб олади ва бу чегараларнинг бузилиши асарнинг сюжет асосини ташкил этади.

“Аравия” хикоясида чегаралари бузиладиган олам айнан орзулар олами. Бу белгиланган, жорий этилган тартиблар олами, у хикоячи-қаҳрамон қалбига биринчи муҳаббат ташрифи билан ўрнатилади. Хикоя экспозициясида унинг қишки вақтни ўтказиши баён қилинади: “Ҳар куни эрталаб мен меҳмонхона полига чўзилиб ва эшикка кўз тикиб ётардим. \...\ Бу ҳар куни такрорланарди”³¹. “Бу қиёфа мени ҳатто сурурли туйғуларни кўнгилга солмайдиган жойларда ҳам тинч қўймасди. Шанба куни кечқурунлари, холам харид учун отланганида, доим мен унинг ортидан сумкани кўтариб борарди \...\ ва ўзимнинг қадахимни душманлар тўдаси орасидан эҳтиёт бўлиб кўтариб бораётирман, деб тасаввур қилардим” (1, 27) ва ҳ.к.

Ўрнатилган, жорий этилган тартиблар олами — бу қаҳрамон яшаётган уйдаги олам. Уй “боши берк кўчанинг

охирида, кўшнилardan узокрокда...” (1, 25), икки қаватли, ҳамма хоналарда ҳаво бўғиқ. Уйда қаровсизлик муҳри намоён: “боғ ташландиқ аҳволда, қазноқ эски кераксиз қоғозларга кўмиб ташланган” (1, 25). Қаҳрамон айни шу қаровсизликни, одамларнинг нарсаларга бифарқлигини қадрлайди: қазноқдаги қоғозлар уюми орасидан топгани — “Видок мемуарлари” номли китоб унга жуда маъқул бўлади, “...чунки унинг варақлари буткул сарғайиб кетган эди” (1, 25).

Бундай афзал кўришнинг сабаби тушунарли: қаҳрамон севиб қолган ва у севган киз рўпарасида яшайди. Уйда ёлғизлик ҳукм суради, тепадаги қават бўм-бўш. “Баланд, совуқ, бўм-бўш, қоронғи хоналарда менга енгил бўлди, ва мен, хиргойи қилиб у хонадан бу хонага кириб юрдим” (1, 29). Бу уй орзуманднинг гўё кўрғоники, у бу кўрғонни, ёлғиз муҳаббат орзулари чегарасидан чиқиб, ташлаб кетишга уринади.

Хикояда “қиш” экспозициясига май воқеалари қарама-қарши қўйилган. Ёлғизликка чек қўйилади: “Нихоят у мен билан гаплашди” (1, 27). “Аравия” хайрия бозорига бориш имконияти киз билан реал муносабатлар ўрнатиш имкониятини очади. “Аравия” олами, албатта — орзулар олами: “Бу оқшомдан сўнг менинг бошимда тушумда ҳам, ўнгимда ҳам қандай беҳисоб орзулар ғужғон ўйнади!” (1, 28). Бу орзулар энди ёлғиз орзулар, ўз қобиғига бекинган ўй-хаёллар эмасди, улар ҳаётга, реалликка айланишга ошиқарди: “Жиддий ҳаётий юмушларга менда тоқат етмасди, энди улар, мен ва менинг хоҳишларим ўртасида турар ва менга болалар ўйинига, зерикарли, бир хил болалар ўйинига ўхшаб туюларди (1, 28).

Ушбу асарни таҳлил қилган тадқиқотчилар, унинг экзотик номи билан

³¹ Дж.Джойс. Дублинцы: Рассказы; Портрет художника в юности. Роман. Пер. с англ. Т. 1 – М.: Знаменитая книга, 1993 – с. 26.

Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан таржима қилиб олинади- муаллиф.



содда прозаик мазмуни ўртасидаги фарқни тўғри таъкидлашган. Ҳақиқатан ҳам, қаҳрамоннинг новелла номида тимсоллаштирилган кўтаринки орзуси ва у чеккан афсус-надомат бу ҳикояда қўйилган муаммони кўп жиҳатдан белгилаб берган; бироқ улар муаммога нуқта қўймайди.

Ҳикояда реал оламга айланишга уринган орзу бардавомлигини тўхтатган лаҳзада орзулар олами барбод бўлади. Чегараларни бузиш (ёлғизлик) ушбу вазиятда ўзини ўзи танишга олиб келади: “Тепага, қоронғиликка қараб, мен ўзимни, шуҳратга берилган ва шарманда бўлган мавжудотни кўрдим, алам ва қаҳру ғазаб ёшлари кўзларимни куйдирди” (1, 31). Қоронғилик кўзга айланади. Чироқнинг ўчиши, қоронғилик тушиши ҳикояда умидларнинг барбод бўлиши тимсоли. Бироқ айнан қоронғиликда қаҳрамон ўзи билан ўзи — ёлғиз қолади ва ўзининг “шуҳратга берилган ва шарманда бўлган мавжудот” эканини билиб олади.

Яққол кўринадики, қаҳрамон ўзи ҳақидаги фикрлар билан банд, асло барча ташаббус-у ҳаракатлари тамомила барбод бўлишига сабабчи бўлган тоғаси ҳақида эмас: қаҳрамонга реал оламнинг шунчаки ғариб ноҳақликлари эмас, балки ўзи ҳақидаги ҳақиқат аён бўлади.

“Аравия” билан биринчи шахс тилидан айтилган ҳикоялар туркуми яқун топади. Бу ҳикоя “Дублинликлар”нинг болаликка бағишланган қисмини хотималайди. Ҳикояда номатлуб, ўз қобилигига ўралган оламни, ўрнатилган, жорий этилган тартиблар дунёсининг чегараларини бузишга қилинган уринишлар баён этилади. “Опасингиллар”да чегараларни бузиш ҳикоячи-қаҳрамоннинг фаол, дадил иштирокисиз амалга ошади: ўрнатилган, жорий этилган тартиб, қатъийлашган маросимга табиий куч — ўлим аралашади. Бироқ бу аралашуш ўзида ҳеч қандай янги истиқболни ташимамайди, ҳеч қандай янги оламни ваъда қилмайди: муайян муддат ўзини озод ҳис этган қаҳрамонга ўлим ва касалликлар оламининг куч-қудрати намоён бўлади.

“Учрашув”да ўрнатилган ижтимоий маҳдуд, берк оламдан қочиш ўсмирни маҳдуд, берк руҳий касаллик оламини кашф этишга олиб келади. Саргузаштлар ҳақидаги болаларча орзунинг амалга оширишга уриниш реал ҳаётнинг хавфли учрашувига айланади, бироқ қалтис саргузашт характердаги учрашувга эмас: бунда олам очилмайди, кенгаймайди, аксинча, қаҳрамонлар кўз ўнгида бекилади, тораяди.

“Аравия”да муҳаббат орзуларининг берк олами, қаҳрамон унинг чегараларини бузишга уринганида: орзунинг рўёбга чиқармоқчи бўлганида барбод бўлади. Оқибатда қаҳрамон ўзи билан ўзи — ёлғиз қолади: чегараларни бузиш уни ўз шахсий олами берк, чекланган эканини англаб этишга олиб келади. Китобнинг бу қисми биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади, “санъаткор бевосита ўзига муносабати орқали образ яратади” (1, 404). Адабиёт таракқиётининг биологик методига биноан тўпламнинг дастлабки тўртта ҳикояси лирикани тақдим этади, бу Жойснинг эстетик назариясида санъатнинг биринчи ва қуйидаги тури³².

“Эвелин”дан бошланадиган, ёшлик ва балоғатлик ҳақидаги, ҳикоялар туркуми учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Ўқувчи ва матн орасидаги масофа ортади: атрофдаги олам ҳаётини энди биз бевосита унинг яқинида туриб кузатамиз. Гарчи тўпламнинг бу қисмидаги ҳикоялар учун персонажларнинг ички дунёсини бевосита очиб кўрсатадиган уларнинг ички нутқи характерли бўлса-да, шу билан бирга, муаллиф нуқтаи назарининг аралашмаслиги сақланади. Китоб организми санъат ривожининг навбатдаги босқичига — эпосгача ўсиб боради: “бунда образ ўзига ва бошқаларга бевосита муносабатда берилади”. Ўқувчига олдинги новеллалардагидан кўра мураккаброқ нуқтаи назарлар тизими тақдим этилади. “Эвелин”да у камида иккита: Эвелиннинг ўзи ва муаллиф. Шу тариқа, ҳикояда икки хил даражадаги баҳо

³² Гениева Е.Ю. Художественная проза Джеймса Джойса. Автореферат диссертации кандидата филологических наук. – М., 1972



мавжуд. Муаллифнинг очик-ошкора баҳоси хикоянинг хотимасида жаранглайди: “Қиз унга рангпар юзини буради, беихтиёр, худди нажотсиз жонивордай. Унинг кўзлари йигитга севмай, видо айтмай, англаб-англамай қаради” (1, 36). Мана шу ўринда қаҳрамон ички нутқининг, унинг рухий беқарорлиги мазмуни умумлаштирилади, англантилади. (“У қизни бу гирдобга тортаётир; у қизни чўктиради. \...\ Йўк! Йўк! Йўк! Бу ақлга сиғмайди” ва х.к.).

Бу хикояда иккита макон-вақт структуралари қарама-қарши қўйилади: Эвелин олами ва унга уйланмоқчи бўлган йигит олами. Эвелин олами хотиралар олами, ўтмиш олами, болалик олами. Унинг уйи бу оламнинг мужассами. Уй — унинг бутун ўтмиш ҳаётининг, эскича тартиботларнинг маркази. Уни тарк этиш ҳаётни янгидан бошламоқ демак: “Бирок янги уйда, узоқдаги нотаниш мамлакатда ҳаммаси бошқача кечади” (1, 33). Уй билан фақирона кечган болалик, оиладаги оғир турмуш, отасининг қўполликлари ва онасининг ҳаёти, “кўз илғамайдиган қурбонликларга тўла ва ақлдан озиш билан тугаб битган умр” ҳақидаги хотиралар боғланган. Бу уй маконида онасининг қисмати Эвелиннинг ўзининг тақдирида такрорланиши тайин. Бу хавфдан қаҳрамон қочиб қутулишга уринади. (“У онасининг титраб-қакшаб: “Ҳузур-ҳаловатнинг охири — дард! Ҳузур-ҳаловатнинг охири — дард!” дея уқтираётган овозини тагин эшитиб, титраб кетди” У “даҳшатча тушганга” ўрнидан ирғиб турди. “Қочиш! Қочиш керак!” (1, 35)).

Ҳикояда уйнинг ўзи тасвирланмаган, бироқ унинг бир қирраси кўп бор таъкидланган: яъни унинг чанг босгани, “қирқилган кретоннинг ҳиди”: “Уй! У хонага кўз югуртирди, ўзи неча йилдан бери ҳар ҳафта супуриб-сидирадиган ва ҳар гал бунча чанг қаердан йиғилади деб ажабланадиган барча таниш жиҳозларни кўздан кечирди” (1, 32)). Чанг ҳиди турғунлик ва ҳаётнинг ҳаракатсизлиги тимсоли.

Фрэнкнинг, биргаликда “...бошқа ҳаётни излаб \...\ жўнаб кетишга қарор

қилган” йигитининг олами — кенг макон олами, экзотик мамлакатлар ва жўғрофий номлар дунёси. Йигит денгизчи. (“Чинакам саргузаштлар” маконини кашф этиш у билан боғлиқ ва бу саргузаштларни, “Учрашув” хикоясидаги болаларча орзу қилинган маконни “ватандан узоқда” излаш керак).

Ҳикоядаги воқеалар вақти шом. Эвелин ҳам кечкурун янги ҳаёт сари қадам ташлашга чоғланади: кечки кемага патталар сотиб олинган. Бирок кечки пайт — ҳорғинлик, сарҳисоб ва дам олиш вақти, янги ҳаёт ва кечкурун бир-бирига мос келмайди, номувофиқ. Кекурун Эвелин дераза олдида, чанг ютиб ўтирибди ва хотирляпти (“У дераза олдида, шом қоронғуси кўчани қандай забт этаётганига қараб ўтирарди. У боши билан пардага эгилди, димоғига қирқилган кретоннинг ҳиди ўтириб қолган. У ўзини ҳорғин ҳис қилди” (1, 32)). Қаҳрамон уй муҳити ҳукми остида; дераза олдида ўтиргани (бутун хикоя давомидаги унинг туриши) — ҳолат, бу ҳолат маҳдуд макон чегараларидаги ҳаракатсиз мавжудликнинг, маҳдуд вақт такрорланадиган тақдирларнинг тимсолий аҳамиятини ифодалайди.

Ҳикоянинг хотимаси олдиндан белгиланган. Қаҳрамоннинг чегараларни босиб ўтишга, унга ўзгаришни тухфа этадиган Сувнинг янгиланишини бошдан кечиришга қурби етмайди, бу уни кўрқитади: “Барча денгизларнинг тўлқинлари унинг юраги атрофида қутурарди. Йигит уни ана шу гирдобга тортаётир, йигит чўктиради уни” (1, 36). Денгиз сувлари қаърига чўкиб кетиши лозим бўлган ўтмиш, ватан қизни қўйиб юбормайди ва унинг ботинидаги шахсни ўлдиради. Жойс уни “чорасиз жонивор”га тенглаштиради.

Эвелин — “ёши ўн тўққиздан ошган”. У тақдир йўлини, албатта, танлайдиган ёшда, бироқ ожизлиги боис ғайратсиз, кучсиз, у ўзига юкланган макон чегараларини босиб ўтиб кетолмайди. Эвелин тақдири қиролича бўлолмаган қиз ҳақидаги ўзига хос эртаси намоён этади. Унда одатдаги эртаси персонажлари: уйдаги оғир юмушларни бажарадиган етимча-қиз;



қўпол-ота; кизни узоқ юртларга олиб кетишга ваъда берган сохибжамол шахзода. Бироқ эртақнинг схемаси Дублиннинг очофат ҳаёти туфайли барбод бўлади. Унинг қуршовидан қаҳрамон чиқиб кетишга ожиз.

“Пойгадан сўнг” ҳикоясида ҳам шундай танлов вазияти тасвирланган. Унинг қаҳрамони “йигирма олти ёшлардаги йигит” (1, 38), яъни эркак киши танлов ёшида, Англия ва Ирландияда ўқишларини тугатганидан кейин, реал ҳаётни бошлайдиган ёш.

Агар “Эвелин”да ўқувчи кўз ўнгида ёш қиз, аёллар гавдалантирилса, “Пойгадан сўнг” ҳикоясида ҳаётга қадам қўяётган йигит, эркаклар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳикоя қаҳрамони ўқувчига катта байналмилал даврада намоён бўлади: икки нафар француз, венгр, кейинчалик уларга инглиз ва америкалик қўшилади. Уларнинг қайси миллатга мансублиги алоҳида таъкидланади. Ҳикояда иштирок этадиган шахслар структурасида нисбатан муҳимроқ боғловчи восита уларнинг миллий белгиларидир. Ҳикояда миллийлик қаҳрамонларнинг бир-бирига тобелигини ва уларнинг ҳаётдаги ютуқларини белгилаб беради.

Ушбу матннинг маконий структурасида воқеалар рўй берадиган Ирландия, Дублин, гарчи етакчи ўринни эгаллаган бўлса-да, бошқа мамлакатлар қуршовида намоён бўлади ва ўзига хос европа контекстидан жой олади. Ҳикояда тасаввурдаги эмас, балки қиёслаш учун реал маконий истиқбол, имконият пайдо бўлади.

Воқеалар автомобиллар пойгаси тасвири билан бошланади. Айни шу тасвир орқали икки макон: Ирландия ва континентнинг (Европа) қарама-қаршилиги кўрсатилган. (“Инчикор қирининг ўркачида, йўлнинг икки томонида, томошабинлар қайтиб келаётган машиналарни кўриб завқланиш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб йиғилишган ва **ушбу қашшоқлик, турғунлик канали бўйлаб** континент ўзининг бойлигини ва техникасини кўз-кўз қиларди”. Ирландия

— заиф ва тушкунликка тушган олам (“қашшоқлик ва турғунлик”, “эзилган, бироқ миннатдор ирландлар” (1, 37)), континент — ҳукмронлик олами (“бойлик ва техника”).

Ҳаракат йўналиши ҳам (“ҳукмдор олам”) ҳикоянинг бошида берилган: “Машиналар Дублинга томон елди” (1, 37). Бу икки оламнинг учрашувидаги асосий воқеалар айнан ўша жойда бўлиб ўтади ва учрашув лаҳзаси Дублин учун изсиз кетмайди: “Ўша оқшом Дублин пойтахт шаҳар ниқобини кийди” (1, 41).

Қаҳрамонларнинг ҳаракатга келиши, юқорида эслатилган ҳикоядаги икки оламнинг ўзаро яқинлашиши билан вақт-макон тавсифидаги ўзгариш динамикаси қуйдигича: кундуз куни — пойга машиналарида қисқа муддатли сайр, кўчада пиёда айланиш ва меҳмонхонада тушлик, тушлик пайти сиёсат ҳақидаги тортишувлар, “Инсоният” шарафига кўтариладиган қадахлар туфайлигина, жанжалга айланиб кетмасди; кечқурун: “хушбўй тутуннинг енгил булути”да Стивин-Грин паркида сайр (1, 41), “одамлар тўдалари ёнидан, \...\ кўнғирокчаларнинг кувноқ жаранги остида” (1, 41) автомобилда сайр, Кингстаун вокзалигача поездда сайр; оқшом ва эртаси куни тонгда: қайиқда сайр, яхта каютасида кечки овқат ва қарта ўйини.

Ёшларнинг кўнгилли сайрлари турли шаклдаги ҳаракатлар (ва шунга мувофиқ тезликнинг ўзгариши) билан алмашилиб туради, улар олами ниҳоятда серҳаракат, жўшқинликка тўла. Қаҳрамонлар берк, тор маконга тушиб қолишганда (меҳмонхона хонаси, меҳмонларга аталган макон) уларнинг муносабатлари кескинлашади, очик жойда улар ҳаётдан баҳра оладилар.

Жойс тасвирида алоҳида воқеа — яхта, бу жой очик денгиздаги ёпиқ, берк макон. Унинг каютасида, конфликтнинг алоҳида шакли, қарта ўйини бўлмоқда. “Иштиёқ тобора аланга олаётир ва ўртага банкнотлар ташланди” (1, 42). Ва Ирландия вакили, Жимми учун, бу қартабозлик тўқнашуви моҳиятан сиёсий баҳс-мунозара. Баҳсда Жимми ўзининг



дўстлари билан тенг тортишади (“Дунёни сув босса тўпигига чикмайдиган Жимми, вужудида мудраб ётган отасининг ғайтроти кўзгалганини ҳис этди...” (1, 41). Ва баҳс-мунозара унинг қалбида афсус-надомат қолдирмади. Қартадан ютқазининг оқибати бундай эмас: “У ютқазганини ўйлаб эрталаб афсусланишини биларди, бироқ ҳозир карахт ҳолатдан чиқолмай бошқалар учун кувонди ва бу карахтлик кейин унинг бемулоҳазалигини оқлайди, у тирсаги билан столга таяниб ва бошини қўлига ташлаганча томирининг уришини санарди. Каютанинг эшиги очилиб, бўсағада, ёруғлик тасмалари орасида у венгрни кўрди.

— Тонг отди, жаноблар!” (1, 43).

Жимми учун, Ирландия, камситилган ва тушкунлик олами вакили учун континент вакиллари, бойлик ва ҳокимият вакиллар билан учрашув ҳам қарта ўйинида, ҳам маънавий ютқазини айланади. Яхта каютасида, гарчи атроф очиқ макон бўлса-да, у ўзига хос асирликда. Бу Ирландиянинг аҳволига тимсол, гарчи эркин денгиз муҳити билан куршалган бўлса-да, бироқ ўзи озод эмас. Шунингдек, Жимми ҳам кувноқ даврада, бир қарашда ҳамма тенгдек туюладиган даврада камситилган, чунки у — ирланд. Буни у тонг отганда англаб етади. Бу хўрлик камбағаллик оқибати эмас:

байналмилал даврада скрипкачи-венгр камбағал, Жиммининг ўзини эса камбағал деб бўлмайди. Унинг камситилиши туб илдизи — унинг миллий туйғусида, азалдан келаётган Ирландия ва континент ўртасидаги нотенгликда.

Ҳикоянинг номи ўқувчи диққатини ҳикоядаги куннинг иккинчи ярмида кечадиган воқеалар тасвири билан қориштириб юборади. Ҳикоядаги асосий воқеа ирландлар камбағаллиги боис иштирок этолмайдиган пойғалар эмас. Муаллиф эътибори марказида бошқа мусобақа туради: Ирландия ва қолган жамики дунё. Бу оламлар фақат пойгадан сўнг бевосита тўқнаш келади. Ва бу курашнинг натижаси олдиндан ҳал этиб қўйилган. Ўзининг ирланд олами сарҳадларидан чиқиб, ғалабалар ва бойликлар оламига, ўзининг хорижлик дўстлари оламига дохил бўлишга уринган Жимми охир-оқибат ирланд “қороғи карахтлиги”га бўйин беради.

“Дублинликлар” тўпламининг ёшлик ҳақидаги ҳар иккала ҳикояси қаҳрамонлари ўз ватанлари асир этган чегараларни енгиб ўтмоққа ожиз. Қиз бола Эвелин ҳам, ёш йигит Жимми ҳам ўзларини айнан ёш инсонлар сифатида қурбсиз эканликларини намоён қилишади; ёшлик кучи, навқиронлик қуввати ва журъати, жасорат Дублинни, ўлим ва ожизлик оламини енголмайди.

Адабиётлар:

1. J.Joyce. “Dubliners” and “A Portrait of the Artist as a Young Man”. Edited by M.Beja. – London: Basingtoke 1973. – 234 p.
2. Дж. Джойс. Дублинцы: Рассказы; Портрет художника в юности. Роман. Пер.с англ. Том 1 – М; Знаменитая книга, 1993. – 1959 –с. 448.
3. Beck W. Joyce’s Dubliners. Substance, Vision and Art. – Durban (N.C.), Duke University press, 1959. – p.233.
4. Gifford D. Notes for Joyce “Dubliners” and “A Portrait ...” by D. Gifford. – N.Y.: Dulton, 1967. – p.187.
5. Гениева Е.Ю. Художественная проза Джеймса Джойса. Автореферат диссертации кандидата филологических наук. – М., 1972.

Muxitdinova N. The poetic features of Araby" in James Joyce's Dubliners collection. The article deals with the poetic features of the text of the story of "Araby" in James Joyce's Dubliners collection. It also describes the structure of space and time in the story.

Мухитдинова Н. Поэтические особенности сборника Джойса «Дублинцы» (на материале рассказа «Аравия»). В статье рассматриваются поэтические особенности рассказа «Аравия» из сборника «Дублинцы» Джойса. В статье также описывается структура пространства и времени.



ҲЕНРИ ЛОНГФЕЛЛО ШЕЪРИЯТИ

*Элова Умида Рuzимуродовна,
СамДЧТИ докторанти*

Калит сўзлар: сентиментал бўёқлар, баллада, эпик асар, пародия, фалсафий оҳанг, поэма, Гаявата, специфик колорит.

Лонгфелло шеъриятининг айрим жиҳатлари (романтик-сентементаль бўёқлари, жанговар руҳнинг учрамаслиги, панд-насихат ва мушоҳадаларга бойлиги) уни Бостон шоирлари мактаби вакилларига яқинлаштиради, бироқ тилининг соддалиги, нафислиги, қалб кечинмаларининг тасвирланиши ва гуманизм ғоялари унинг шеъриятини бу мактаб доирасидан чиқариб, ҳақиқий улкан миллий шоирга айлантиради.

Ҳенри Водсворт Лонгфелло (Henry Wadsworth Langiellow, 1807—1882) Атлантика океани қирғоғида, унча катта бўлмаган Портленд (Мэн штати) шаҳарчасида, ўз аждодлари билан фахрланувчи адвокат оиласида дунёга келади. Онаси томонидан бобоси генерал Лонгфелло мустақиллик урушларининг қахрамони эди, тоғаси лейтенант Ҳенри Лонгфелло эса – денгиз лейтенанти – 1804 йилда душман қўлига асир тушмаслик учун кемасини чўктириб, командаси билан халок бўлади. Шоир оиласида унинг тарбиясига катта таъсир кўрсатган қахрамонлик анъаналари ҳукмрон бўлган.

Ҳали Боудойн коллежида талабалик чоғларидаёқ (бу ерда у билан Натаниэль Готорн курсдош бўлган) Лонгфелло ўз ижодини бошлайди. Коллежни тугатгач у Европага тилларни ўрганиш учун жўнайди ва у ерда уч йил яшайди (1826-1829йиллар), Франция, Германия, Италия ва Испанияда бўлади; ўз саёҳатларини “Уммон ортида” («*Outre — Mer. A Pilgrimage beyond the Sea*», 1835) очерклари китобида мамнуният билан тасвирлайди. Сафардан қайтгач ўзи таҳсил олган Будойн коллежида чет тилларидан дарс беради; 1834 йил уни Кембриждаги Гарвард университетига профессорлик лавозимига таклиф қилишади; у бу ерда ўн саккиз йил мобайнида талабаларга

адабиётдан маърузалар ўқийди, адабий-тарихий мақолалар ёзади, француз, итальян, испан тилларини ўрганувчилар учун дарсликлар яратади, шу тиллардан шеърий таржималар қилади.

Европага 1835 йил иккинчи марта келгач (Германия ва Швейцарияга), саёҳатлар сўнгида “Гиперион” романини ва “Тун товушлари” («*Voices of the Night*») шеърий тўпламини эълон қилади. Икки йилдан сўнг у “Баллада ва бошқа шеърлар” («*Ballads and Other Poems*») китобини чоп эттириб, шуҳрат қозонаётган америкалик шоирга айланади.

1842 йилда Европага амалга оширган учинчи саёҳатидан сўнг Лонгфелло ўзининг энг машҳур “Тутқунлик кўшиқлари” («*Poems of Slavery*», 1842) китобини эълон қилади. У бу асари билан замонасининг энг катта ахлоқий-сиёсий зиддиятларига муносабат билдирган эди.

Лонгфеллонинг қолган бутун умри Кембриж билан боғлиқ. У оиласи ва дўстлари даврасида ёпиқ турмуш тарзини танлайди, фарзандлари туғилиши ва китобларининг чоп этилиши унинг ҳаётида энг муҳим воқеалар бўлиб қолади.

40-йилларда шоир таржималар билан шуғулланиб “Европа шоирлари” («*The Poets and Poetry of Europe*») номли қизиқарли антологияни яратади, унга барча Европа халқлари шеърияти вакиллари киритилади, шеърларни унинг ўзи ва бошқалар таржима қилишади. Бу иш уни шунчалик қизиқтирган эдики, у бу иш билан қарийб йигирма беш йил шуғулланади ва 70-йилларнинг охирига келиб, АҚШда шу даврга қадар чоп этилган антологияларнинг энг муҳими бўлган “Жаҳон шеърияти” («*Poems of Places*») китоби ўттиз бир жилдда чоп этилди.



1846 йилда “Брюгге минораси ва бошқа шеърлар” («The Belfry of Bruges») тўплами эълон қилинади ва унга шоирнинг севимли “Ўқ ва қўшиқ” асари ҳам киритилган эди. Тез орада Америка адабиётининг эътиборга молик илк асари “Евангелина” («Evangeline», 1847) яратилади, унинг сюжетини Лонгфеллога дўсти Готорн айтиб берган эди. Бу асарга кейинчалик кўпдан кўп тақлидий асарлар яратилади, пародиялар ёзилади. Бу асарида Лонгфелло бадиий адабиётнинг абадий мавзуларидан бирига мурожаат қилади; севги мавзусига антик адабиётда ҳам, рицарлик романларида ҳам, Шекспирнинг “Рамео ва Жульетта”сида ҳам мурожаат қилинган. Гекзаметр вазнида пуританларча талаб ва қатъият билан тарбияланган Евангелина тўй оқшоми аскарликка олиб кетилган қайлиғидан ажралади. Уни урушдан излаб кетган келин, узоқ сарсон-саргардонликдан сўнг харбий госпиталдан ўлим арафасида ярадор аҳволда топади. Ўттиз йил мобайнида мазкур асарнинг сентиментал ва таъсирли воқеаларга бой бўлганлиги сабаб америкалик китобхонларнинг энг кўп ўқилган севимли асарига айланган эди.

Лонгфелло насрда ҳам ижод қилди. У “интеллектуал роман” намунаси бўлган «Кавана» («Kavanagh», 1849) номли кам ҳаракат ва персонажли асарни яратади. Турли йилларда ёзилган шеърларини жамлаб “Уммон ва ўчоқ олдида” («The Seaside and Fireside», 1849) номли шеърӣ тўпланини чоп эттиради, бу тўплам “Кема қурилиши” номли таъсирли ватанпарварлик руҳидаги шеър билан бошланади. Бу шеър шов-шувли тарзда машҳур бўлиб кетади; уни тинглаган уч минг кишилик аудитория руҳан йиғлаган эди. Асар президент Линкольнга совға қилинганда: -“Қандай мўъжизавий тухфа – кишилар қалбини завқлантириш!”, - дея ҳайқирганлиги тўғрисида ҳикоя сақланиб қолган.

Лонгфелло ижодига аста-секин ўтмиш тарихига бағишланган эпик асарлар кенгроқ кириб келади. “Олтин афсона” («The Golden Legend», 1851) поэмаси ана шундай асарлардан бўлиб, у ўрта асрларда

яратилган Гартман дер Ауенинг “Бечора Генрих” номли достонининг қайта ишланган вариантыдир. Ўша йиллар машҳур “Гаявата ҳақида қўшиқ” («The Song of Hiavatha», 1855) достони яратилади, “Майл Стендиш совчилиги” («The Courtship of Miles Standish») номли шоир аждодлари романтик тарзда улуғланган достон пайдо бўлади. Шоир ўз аждодларини қадимги юнонлар қиёфасида тасвирлайди – улар салобатли одмилик, олижаноблик патриархал ахлоқ эгалари сифатида гавдаланади. Эпик монументал оҳангни ушлаб туриш учун шоирга мифологик образлиликка хос гекзаметр шеърӣ қолипига мурожаат қилишга тўғри келади.

Шоирнинг 1858 йил “Кўчманчи қушлар” («Birds of Passage») номли лирик тўплами эълон қилинди. Бу тўплам Лонгфелло ижодининг чўққиси хисобланади. Шеърлар ҳақиқатан ижтимоий мавзулари жихатидан чуқур, сермазмун ва фалсафӣ, ўта таъсирчан.

Лонгфеллонинг оилавий ҳаёти иккинчи рафикасининг фожиали ўлимидан сўнг оғир кечади: ундан беш фарзанд қолади.

1863 йил “Йўл ёқасидаги меҳмонхона ҳикоялари” («Tales of a Wayside Inn») шеърӣ тўпламига шоирнинг илгари ёзилган шеърлари жамланиб эълон қилинади, уларда шоир услубининг реалистик эпик шаклга мойиллиги кузатилади.

1965-1967 йиллари шоир томонидан амалга оширилган улкан меҳнат ва заҳмат ҳосиласи Дантенинг “Илоҳӣ комедияси” таржимаси яқунланади. Бир йилдан сўнг Лонгфелло Европага бориб Оксфорд университети профессорлик илмий даражасини олиш учун ҳаракат қилади. Бу даврга келиб у машҳур шоир, Европа ва Американинг бешта нуфузли университети профессори, Россия фанлар академияси аъзоси, Испания Қироллик Академияси ва бошқа жамиятларнинг аъзоси эди.

Шоир тинимсиз ишларди – шеърлар, балладалар, драмалар ёзар, чет тиллардан таржималар қиларди. У умрининг сўнгги ўн йилида қуйидаги китобларини чоп



эттирди: Учта шеърлар китоби (1878), апокрифик трагедиялари: “Иуда Маккавей”, «Пандора ниқоби» (1875), «Керамос» («Keramos and other Poems», 1878) ва ниҳоят латин тилидаги «Ultima Thule»³³ шеърий тўплами. Сўнгги асарига шоир Горацийдан эпиграф танлайди: “Менга соғлиқ берсин, ютуқларимга кувонмоқ учун, шарманда қилмай кексалик, онгим панд бермасин, жаранглаб лирам”. “Микеланжело” номли тугатилмаган асарида Шекспирнинг “Бўрон” фожиасида бўлгани каби санъаткор учун асосий муаммо – ҳаёт ва ижод муносабати масаласи тасвирланади.

Етмиш йиллик юбилейи кенг тантана билан нишонлангандан бир ой ўтиб Лонгфелло вафот этади.

Ижодининг табиати. Лонгфелло ўз даврининг энг билимли кишиларидан бири бўлиб, замонавий ўн иккита Европа тилларини, қадимги юнон, латин, гот, провансаль тилларини чуқур ўрганган, кўплаб халқларнинг адабиётини ҳам билувчи серқирра комусий ижодкор эди.

Лонгфелло насри. «Гиперион» (Hyperion) 1839 ва «Кавана» (Kavanaugh) 1849 романлари унга шуҳрат келтирмайди, зеро у кўпроқ катта шоир сифатида танилган эди. Шунингдек, тажриб тарзида ёзган драматургия ҳам адиб иқтидорини намоён қила олмади. “Испан талаба” (1843) номли романтик пьесаси Сервантеснинг “Лўли қиз” асари мотивларига асосланган бўлиб, сахнага мослашмайди, сюжет ва характерлар жадаллиги сустлик қилади. Ватани тарихи мавзусида яратилган айрим асарлари нисбатан муваффақиятли чиқади. “Жон Эндикот” ва “Гайл Корей, Сэйлемлик фермер” пьесалари “Англиянинг янги ҳаёти фожиалари” (1868) номи билан жамланиб чоп этилади; улардаги воқеалар XVII асрда, “жодугарларни овлаш” замонасига тўғри келади. Адиб уларда диний фанатизмни қоралаб, бағрикенгликни тарғиб қилади.

Ижодкорнинг том маънода улкан иқтидори шеърият соҳасида намоён

бўлади. Унинг шеърияти поэзиянинг умумқабул қилинган мезонларига мос келавермайди: унда романтизм ҳам, сентиментализмга хос унсурлар кўп учрайди ва шу билан бирга унинг асарларига чуқур дидактизм ҳам хосдир. Шунингдек, Лонгфелло шеърияти халқона ва илмий-китобий жиҳатларга ҳам бойдир. Агар адиб ижодининг тарихий тадрижини кузатсак, романтизмдан реализмга ўсиш сезилади. Аммо умрининг сўнгида илк ижодида бўлгани каби яна романтик кайфият, Ўрта асрлар афсоналари ҳамда христианлик мавзулари катта ўрин эгаллайди.

Лонгфелло ҳеч қайси адабий оқим, мактаб ё бирон бир йўналишга мансуб бўлмасида, бироқ унинг ижодида “бостонликлар мактаби” таъсири уфуриб туради.

Лонгфелло шеърияти мавзу, мазмун ва оҳангдорлик жиҳатдан жуда универсал.

Авваламбор, у панд-насихатга йўғрилган. Ўзи ўта тақводор инсон бўлган шоир, китобхонини ҳам диндорлар орасидан қидиради, асарларга диний кўшиқлар йўсинида тез хотирада қолувчи ном беради, ўзини устоз хисоблайди (“Ҳаёт псалмаси”, “Тун мадҳияси”), у ҳатто фалсафий оҳангдаги афоризмлардан фойдаланганида ҳам оддий ва соддаликни сақлашга уринади:

Турмуш жанглари майдонида,
Ҳар кунлик турмуш ташвишида –
Қул эмас, жўмард бўл,
Кўксинг жангда тобланган! (“Ҳаёт қаҳрамонликдир”)

Бироқ шоир панд-насихатлари тор доирада бўлмасдан, аксинча, кенглик ва чексизлик таассуротини қолдиради. Шоир инсон кучига ишонади, унга ҳаётини шундай қуришни таклиф этади:

Замонлар қуми аро
Бизнинг изимиз ҳам қолсин.

Лонгфелло шеърларида индивидуаллик қобиғида беркиниш йўқ – у шоир-ватанпарвар, шу сабабли ўзини халқи билан уйғун кўради ва шунга интилади:

Барчамиз – тақдир меъмори
Шул сабаб замон деворига
Ё кураш мардлигини,

³³ «За пределами» (лат.).



Ё кўнғироқлар жарангини
олиб борурмиз.

(“Қурувчилар”)

Қадимги юнон шоирларидан аллегорик-образ “кема-давлат” тушунчасини ўзлаштириб, Лонгфелло ўта хаяжонлантирувчи “Кема қурилиши” шеърини яратади ва унда халқнинг давлат қурилиши йўлидаги тинимсиз ва олижаноб меҳнатини шарафлайди:

Кимники ишқ бошқарса,

Ул ҳар жойда мудом ғолиб.

Бундай афоризмлар тилга тушиб, оммалашиб кетган; “Кема қурилиши” асарининг Фуқаролар уруши йилларида шимолликлар ўртасида ниҳоятда машҳур бўлганлиги бежиз эмас.

Бироқ Лонгфелло шеърларида романтикларга хос манзилсиз олға интилишлар («Excelsior!»), бахт ваъда қилинган таскинлар («Эндимион») ҳамда ушалмаган орзуларга бағишланган романтик хасратлар («Кўприк», «Данте», «Танаффус», «Оқшом кўнғироғи») кўп учрайди. Лонгфеллони ҳақли равишда уй ўчоғининг шоири деб таъкидлашади. У болалар билан суҳбат жараёнини маҳорат ила тасвирлайди («Болалар вақти», «Очик деразалар», «Қасрлар бунёдкори»), лекин бундай шеърларнинг барчасига улкан ҳаёт, йўқотишлар алами ва қаршилиқ шиддати ёпирилиб киради:

Кўл кўтарайми? Асло!

Курбонларнинг меҳнати бекормас!

(“Печдаги шамол”)

Табиатни асабий идрок этиш аксарият америкалик шоирларга хос кайфият: Лонгфелло ҳам бундан истисно эмас. Безакли баёнчиликдан ва танилган метафоралардан бошлаб (“ёвуз шамол кутурган онда”, “тонги нурларнинг қирмизи ёруғида”, “булутларнинг кумуш чордараси”, “сукунат коплаган ўрмонлар” ва ҳ.), йиллар ўтгани сари шоир табиат образлари тизимини тасвирлашда ўзгаришлар қилади, уларга фалсафий мазмун бағшлайди; улар мазмунан кенгайиб, залворлашади ва шоир улар учун чархланган сонет шаклини “кашф қилади” (“Сув кўтарилиши ва қайтиши”, “Денгиз бўйидаги ёз куни” ва ҳ.). Табиат

тасвирлари бадий қатламга синдирилади, драматик функция-вазифалар юкланади, аллегоризмни кучайтиради (қушлар тириклик тимсолига, самарали санъат рамзига айланади); қизиқарли поэтик метаморфозалар пайдо бўлади – Оловнафас Эна маъбудларга қарши курашчи-титан Энкелад қиёфасида намоён бўлади, у гўё вулқон тагига кўмилган, аммо ҳамон тиранлар учун хавфли (“Энкелад”).

Лонгфелло шеърлятида фош этувчи мотивлар ҳам хос. “Ловелз-Понд олдидаги жанг”, “Овчи-ҳинду”, “Ҳинду Юз Ёмғирининг қасди” каби шеърлар муаллифи – ҳўрланган ва эзилган ҳинду халқининг ишончли дўсти, унинг маиший ва ахлокий ҳаёти тарихчиси, оқларга нисбатан бўлган ғазаб ва нафрат тасвирчиси. Лонгфеллонинг қулликдаги жисмоний ва руҳий изтироб чекаётган негрларга муносабати ҳам қизиққон. “Тутқунлик кўшиқлари” туркум шеърлари моҳиятан инқилобий курашдан йироқ, аммо бунга қарамай улардаги тасвирлар шундайин кучга эга бўладики, ҳатто буржуа журналлари бу китобга тақриз эълон қилишдан чўчийди, асар номида “қуллик” маъноси зоҳир бўлгани сабабли. Туркум саккизта шеърдан иборат бўлиб, биринчиси Уильям Чаннингга – аболиционистик ғояларнинг оташин тарғиботчисига қарата шоир машҳур чақириқлардан воз кечмасликка ундайди: “Буцнда зандир, тамға ва қамчи Инсон рутбасини ҳақоратлайди!”.

Ҳар бир шеър аниқ сюжетга эга бўлиб, АҚШ негрлари ҳаётини реалистик акс эттиради. Негр эркаги ишдан ва офтобдан ҳориб пайкалда “ўроғини ачомлаганча” ухлаганида унинг тушларига она Африкаси, болалари киради, унинг ўзи мағрур отда сайр қилади. озодлик ҳақидаги туш қамчи зарбидан узилиб қолади: негрни қулдор эгаси шу ерда қамчилаб ўлдиради (“Қул туши”). Шоирнинг натурадан олинган бундай тасвирлари кўп:

Ётарди у, кишилардан беркиниб,

Батқоқ қамишзориди.

Кузатганча чироқлар нурун,

Тинглаганча уюр нафасин



Ва итларнинг вовуллашини.

Оқ танли плантатор ўз қизини куликка сотади (“Квартеронка”); чўкиб кетган кемаларда “куллар- жонли товар, занжирларда чириган куллар” (“Тувохлар”), “Том амакининг кулбаси”даги Бичер-Стоу каби Лонгфелло инқилобий портлашни башорат қилади – негрлар Инжилдаги Самсон каби, мифологик Энкелад мисол, жамият асосларини ларзага келтиришади:

Ҳозирча у занжирбанд.

Бирок кутинг! Пайдо бўлишин тўфон онид.

Муаллиф гўё бу портлашдан хадиқирайди; ҳар қалай бу туркумнинг яқунловчи шеърлари “Огоҳлантириш”, “Тутқунлик қўшиқлари” Фуқаролар уруши бошланишидан ўн саккиз йил олдин ёзилган, ҳали кулдорлик ҳукмрон бўлган Жануб билан уруш хавфи йўқ дамлар эди. Уруш бошланганида эса, Лонгфелло дастлаб ҳарбий конфликтга қарши чиқади, аммо кейинроқ “оловни пуфлаш зарур” деган хулосага келади (унинг 1861 йил январидagi кундалик ёзувларида), яъни қўлга қурол олиб кулдорликка қарши курашиш лозим деб ҳисоблайди.

“Гаявата ҳақида қўшиқ” (“The Song of Hiawatha”, 1855) достони ёзиш жараёнида, агар юзта қўлим бўлса ҳам шу асарни яратишга йўналтирардим, деб ёзади шоир. Зеро, асар чиндан муаллифига оламшумул шуҳрат келтиради. Ҳиндулар ижодига қизиқиш унда ўттиз йиллар муқаддам пайдо бўлган эди. У ҳали талабалик чоғларида бўлғуси асарга материал йиғади, ожибуэ ҳиндуларининг қабила бошлиғи билан учрашади; кўплаб ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар ва маросимларни Ҳиндулар иши бўйича Давлат агенти Скулфрат ёзувларидан ўзлаштиради. “Ҳиндулар Эддаси” – адибнинг ўзи шундай номлаган асарига бир нечта қабиланинг афсона ва ривоятлари асос қилиб олинган. Бу афсоналарда ҳиндуларни касб-хунарга ўргатган ярим реал ва ярим афсонавий пайғамбар ва устоз тўғрисида ҳикоя қилинади, бироқ Лонгфелло яратган Гаявата орази фақат ҳиндуларга тегишли

эмас. Унинг тимсолида Антик дунё қаҳрамонлари ва маъбудларининг (Орфей, Геркулес, Прометей, Дионис), Европа халқлари эпосларининг (Зигфрид, Беовульф, Рус баҳодирлари, финларнинг “Калевала” достони қаҳрамонлари ва ҳ. Поэма вазни – тўрт стопали ямбдан иборат хусусиятлари жамланган. Антик мифология ва Ўрта асрлар Европаси эпосларидан аллегориялар, вазиятлар, метаморфозалар, жанрлар тасвири ўзлаштирилган.

Поэма чоп этилгач, муаллифга танқидчилар ҳужум қилади. Нуфузли ҳисоблаган Бостон газеталари “Гаявата”ни “ёввойи аборигенлар афсоналари”, “китобхонларни қизиқтирмайди” каби ёрлиқлар билан номлашади. либерал танқидчилар Лонгфелло “тамаддун ютуқларини” бўяб кўрсатишда айблашади. Поэма якуни чиндан талабчан кўринади: оқ танлилар ҳиндуларнинг биродарлари қилиб кўрсатилган. Ўлими арафасида Гаявата қабиладошларига ўзининг вигвамида жойлаштирган оқ танлиларга ғамхўрлик қилишни васият қилади. Шоир учун бу сунъий идиллия тасвир нега керак эди? Азир унинг ўзи бошқа асарларида оқ танлиларга нисбатан ҳиндуларнинг нафратини тасвирлаган эди (“Майлз Стендиш совчилиги”). “Гаявата” нашридан уч йилдан сўнг эса “Юздаги Ёмғир исмли ҳиндунинг қасди” асарини чоп этади, унда шундай строфа мавжуд:

Бу қопқонга дара оралаб
Бошлаб келди уч юз аскарни.
Сариқ ёлли оқ тан бошлиқ
Ва яна уч юзта отлиқ жон берди,
Ўзгалар юртидан
Нафсин қондирмоқ бўлиб.

Лонгфелло икки ирқ Америка қитъасида тинч-тотув яшаб кетишига самимий ишонарди. Аммо у ерга борганларнинг аксарияти ҳиндуларга тегишли бўлган олтин, бошқа маъданлар, пахта, ер қабиларнинг асл эгаларидан тортиб олишганлиги унут бўларди.

Лонгфеллонинг яна бир мақсади XIX аср ўрталарига келиб АҚШ миллий адабиётини шакллантириш эди. “Гаявата ҳақида қўшиқ” эса миллий эпос



яратилишидаги илк қадамлардан бўлиб. хиндулар фольклори америкача ўзига хос маданиятнинг бир бўлагига айланиши, унинг специфик колоритини белгилаши лозим эди. Поэмада оқ танлиларнинг хиндулар билан дўст тутинишининг сабаблари шу билан боғлиқ.

Машхур рус шоири И.А.Бунин “Гаявата хақида кўшиқ” достонини илк бора рус тилига ўгирди. Бу таржима

асарнинг рус тилида ягона таржимаси бўлиб, у юксак маҳорат ила ўгирилган. Айнан шу таржима вариантыда уни 1973 йил шоир Азиз Абдураззоқ ўзбек тилига таржима қилди.

Хулоса, машхур америкалик шоир Лонгфелло “Гаявата хақида кўшиқ” достони орқали ўзбек ўқувчисига ҳам таниш бўлиб қолди.

Адабиётлар:

1. Longfellow H.W. The complete poet: cal works.- Boston: Cambridge univer.press, 1916.- X.655 p.
2. Лонгфелло Г.У. Песнь о Гайвате. Поэты. Стихотворения.- М.:”Худож. Литература, 1987-414 с.
3. Лонгфелло Г. Гаявата хақида кўшиқ. Достон. Рус тилидан. Азиз Абдураззоқ таржимаси.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973-188 бет.
4. Ронгонен Л.И.О фольклорных образах поэма Г.У. Лонгфелло.- “ Песнь о Гайвате”// Учен.зап.Латв.гос.ун-та, 1972.т.174.-С. 35-45.
5. Wgenknecht E.H.W.Longfellow. Portrait of an American hicmanist.- New York:Oxford univ. press,1966.-XII.252p.
6. Генри Лонгфелло// История американской литературы.-М.: “Просвещение”,1971-с.185-193.

Интернет манбалар

1. www.edu.uz
2. www.ziyonet.uz

Elova U. The poetics of H.W. Longfellow. This article analyzes the ways of poem translations, the development of students translation skills, which is an important parts of the educational process in modern universities.

Элова У. Поэтика Генри Лонгфелло. Настоящая статья рассматривает способы перевода стихов, развитие способностей студентов переводить в процессе обучения в современных вузах.



«ПРАГМАТИКА» ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА

*Холматова Вазира Нарзуллаевна,
ҚарДМШИИ тадқиқотчиси*

Калим сўзлар: прагматика, семиотика, семантика, нутқий акт, матн.

Прагматика америкалик олим Чарльз Пирс томонидан барча билим соҳаларини бирлаштирувчи фан сифатида қаралган семиотика доирасида юзага келди ва ривож топди (қаранг: Сусов 2006; Сафаров 2008). Прагматикани семиотиканинг алоҳида соҳаси сифатида қараш ҳақидаги фикрни биринчилардан бўлиб, Ч.Моррис билдирган эди. Лисоний белгилар таснифини яратган бу олим семиотикани уч мустақил қисм, яъни лисоний белгиларнинг предметга нисбатан муносабатини ўрганадиган семантика, белгиларнинг бир-бири билан муносабатини тавсифловчи синтактика ҳамда белгиларнинг улардан фойдаланувчи шахсларга бўлган муносабатини ўрганувчи прагматикага ажратишни таклиф қилди (Арутюнова, Падучева 1985: 8-9). Кейинги йилларда ушбу йўналишлардан семантика ва синтаксис жадал тараққий қилган бўлса, прагматикага эътибор сустроқ бўлди. Фақат ўтган асрнинг охириги чорагига келиб, прагматика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида шакллана бошлади.

Дастлабки нашрларда прагмалингвистиканинг объектини аниқлашда бир томонлама ёндашув устувор бўлиб, уларда тил бирликларининг таъсир кўрсатиш имкониятлари олдинги ўринда турган эди. Масалан, Л.А.Киселёва тилнинг прагматик ва таъсир кўрсатиш хусусиятларини тўлиғича тенглаштирган бўлса (Киселёва 1978:11), Г.Я.Солганик лисоний воситалар танловини прагматик ҳодиса эканлигини қайд этади (Солганик 1981). Шунингдек, В.Л.Наер нутқий тузилманинг прагматик хусусиятини “сўзловчининг онгли равишда, мақсадли таъсир кўрсатиш истаги”, деб таърифлайди (Наер 1981:107).

Лисоний бирликлар воситасида тингловчи (ўқувчи)га таъсир кўрсатиш

механизмлари Т.А. Дейкнинг ишларида ҳам эслатилган эди. Унинг талқинича, прагматик назариянинг асосий тамойили сўзловчининг тингловчи руҳий ҳолатига таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Лекин олим прагматиканинг тор маънода талқин қилинишига қарши. “Прагматика, – деб ёзади у, – тилнинг вазиятли қўлланиши тўпламидир. Прагмалингвистика–тил эгасига нутқий тузилмалар қаторини маълум контекст билан боғлаш имконини берадиган қоидалар тизимини қолиплаштиришдир” (van Dijk 1976:26).

Т.А. ван Дейк, шунингдек, прагматикани социоллингвистика ва психоллингвистикадан фарқлаш лозимлигини уқтиради. Бундан ташқари, тавсифий (дескриптив) прагматикада тилдан фойдаланишнинг амалий қоидалари шакллантирилса, назарий, “мавҳум” прагматикада эса кузатувлар асосида умумий категориялар ажратилиб, уларнинг ўзаро алоқаси ўрганилади. Оқибатда, прагматик тадқиқотларда дейктик иборалар ҳам таҳлил қилиниб, олмошлар ва *at that time* кўринишидаги бирликларнинг қўлланилиши сўзловчи нуқтаи назаридан тавсифланади. Олим томонидан нутқий актлар назариясини прагмалингвистиканинг ажралмас қисми, деб таърифланиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Нутқий актларнинг прагматик тадқиққа тортилиши анъанага айланиб улгурди. Машхур “Синтаксис ва семантика” сериясининг 3 ва 9 жилдлари шу масалага бағишланган, Ж.Остин, Ж.Сёрль, Ж.Саддок, Х.Грайс, Д.Вандервекин, В.В.Богданов, И.В.Кобозева каби кўплаб олимларнинг ишларида нутқий акт назариясининг асосий тамойиллари батафсил баён қилинган (Демьянков 1986; Демьянков 1995). Биз нутқий актлар таснифи



масаласига кейинчалик батафсилроқ тўхталмоқчимиз, ҳозирча ушбу назария доирасида прагматика ва семантика муносабати алоҳида таъкидланганлигини эслатмоқчимиз.

Прагмалингвистика ривожининг дастлабки босқичларида прагматика ва семантика фарқланиши Г.Морриснинг семантик таълимотига асосланган эди: биринчиси лисоний белги ва ундан фойдаланувчи муносабати билан боғланса, иккинчисида эса, лисоний белгиларнинг номланаётган объект билан муносабати етакчи ўринга чиқади (Терентьева 1983; Азнаурова...). айтиш жоизки, ушбу ишларда ўрганиш предмети асосан луғавий бирлик-сўз бўлиб, бундай ҳолда сўзнинг маъносида нима акс топишини маълум даражада аниқ кўрсатиш имкони бор ва уни семантиканинг объекти сифатида қарашга ундайди. Сўзнинг номланаётган нарса-ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган кўшимча маъноси эса прагматика ҳудудига қолдирилади.

Нутқий актлар доирасида, худди матн тилшунослигида бўлганидек, матн мазмуни ва узатилаётган ахборот мундарижасининг қайси қисми доимийлигини ёки муаллиф мақсадига боғлиқ ҳолда шаклланганлигини ажратиш қийин масала. Зотан, муаллиф мақсадининг нутқий тузилмада воқеланиши семантиканинг иштирокисиз кечмайди. Шу сабаб, семантика ва прагматикани “объектив мавжудлик-муаллиф томонидан киритилганлик” қарама-қаршилигида фарқлаш қийинлашади. Оқибатда, ушбу муаммо билан қизиққанларнинг хулосалари турлича: бир гуруҳ тадқиқотчилар (Т.А.ван Дейк, Г.Камп, А.Кашер, Г.Г.Почепцов, В.В. Богданов ва б.) нутқий актлар назариясини тўлиғича прагматика соҳасига оид, деб ҳисоблайдилар. Америкада нашр қилинган *Syntax and Semantics* (1978) тўпламининг муаллифлари семантика ва прагматикани нутқий формулалар кўлланишининг доимийлиги ёки фавқулодда эканлигига нисбатан чегаралаш йўлини кидирадилар. Бу эса

нутқий актларнинг бевосита ва билвосита турларга тақсимлашга олиб келади.

Ш.Сафаровнинг қайдича, прагматикани кенг маънода англамоқ даркор, у тилшуносликнинг семантика ва синтаксис соҳаларида ўрганиладиган масалаларни ҳам камраб олади ва ўзига хос умумлаштирувчи йўналиш вазифасини ўтайди. Шунга нисбатан, прагматик назария сўзловчи ва тингловчининг гап ёки матн пропозициясини бир хилда қабул қилишини эътиборга олади (Сафаров 2008:43).

Унутмайликки, семантика ва прагматика муносабати билан қизиққан тадқиқотчиларнинг қарийб барчаси ушбу муносабатнинг мураккаблигини ва фан таракқиётининг ҳозирги босқичида ушбу соҳаларни батамом чегаралаб ташлашнинг имкони йўқ эканини қайд этадилар. Бир пайтлар машҳур инглиз тилшуноси Ж.Лайонз, тил ва нутқ босқичларини қатъиян чегаралаш йўлидан бориб, бир томондан, матн-гап ва тизим гап, гап-тил ва гап белги, иккинчи томондан, нутқий ҳолат ва нутқий-ҳосила, нутқий белги ҳодисаларини фарқлашни таклиф қилган эди (Lyons 1977:64). Бундай тақсимот гап маъносининг (пропозициясининг) семантик ҳудудига қолдириб, нутқий тузилма маъносини прагматика соҳасига қолдиришга ундайди. Г.Г.Почепцов қайд этганидек, “прагматик хусусиятлар кўплаб, қатор кўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади” (Почепцов 1985: 17). Демак, лисоний бирликларнинг бирор бир аниқ мулоқот вазиятида фаоллашуви прагматик таҳлил объектига айланади.

Тилнинг жамиятда бажарадиган муҳим вазифаларидан бири-мулоқот воситаси ролини ўташдир. Прагматик билим, ўз навбатида, инсон фаолияти давомида тўпланган тажриба натижасидир, ахборот алмашинуви жараёнида ушбу билим лисоний воқеланади ва шу йўсинда онгда сақланади. Лекин ҳар бир алоҳида нутқий мулоқот пайтида лисоний белги янгича мазмун ифодалай олиши мумкин.

Прагматикага оид муаммолар ҳозирги пайтда бошқа соҳаларга оид



ишларда ҳам муҳокама қилинмоқда. Бинобарин, Луис Каммингз прагматиканинг кўпсоҳавий фан эканлиги ҳақида гапирётган, унинг “сунъий интеллект” йўналиши билан боғланишига тўхталиб ўтади. Мутахассислар SCHOLAR деб аталадиган компьютер дастуридан каучук Гвинеяда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бўлиши мумкинлигини сўрайдилар. Ушбу дастурда каучукнинг фақат Перу ва Колумбияда ишлаб чиқарилиши ҳақида маълумот бор. Мабодо Гвинеяда каучук дарахти бўлганида, дастурда бу ҳақидаги маълумот бўлиши керак эди. Ундай маълумот йўқ эканми, демак, Гвинея каучуки борасидаги фаразлар нотўғри (Cummins 2005:64-66). Бундай хулосага келиш прагматиканинг амалда бўлган қайдлардан фойдаланишни тақозо этади. Прагматик таҳлилга таржима жараёнида ҳам муҳтожлик туғилади. Шу сабаб аслиятдаги ахборотнинг таржима тилида муқобил равишда ифода топиши муаммоси устида бош қотираётган олимлар “таржима прагматикаси” тушунчасига мурожаат қилмоқдалар.

Лингвосоциопсихология соҳаси вакиллари прагматикани икки йўналишда, яъни матн–муаллиф ва матн–адресат муносабатларида тавсифлашни маъқул кўрадилар. Натижада, ахборотни узатувчи ҳамда ахборотни қабул қилувчи прагматикалари фарқланмоқда. Улардан биринчиси “статик” характерга эга, чунки матн фақат биргина талқинга, яъни муаллиф талқинига эга, адресат талқини эса, аксинча, динамик характердадир, зеро “матнни қабул қилувчилар сонига қараб, талқинлар ҳам давомсиз бўлиши кутилган ҳол” (Дридзе 1980:124-125). Психоллингвистикада асосан нутқий таъсир механизмлари ёритилганлиги сабабли ахборотни қабул қилувчи прагматикаси олдинги ўринга чиқади. Ушбу йўналишдаги ишларда семантика ва прагматика муносабати муҳокама қилинмайди. Муаллифларнинг эътирофича, матн сатҳида бу масала муҳим бўлмасдан, балки уларнинг фаоллашуви ўзаро боғлиқликда кечади.

Прагматиканинг узатилиши ва қабул қилинишига нисбатан тақсимоти турли йўналишдаги тадқиқотларни умумий соҳа атрофида бириктиришга имкон яратади. Ч.Моррис берган таърифдаёқ прагматиканинг социоллингвистика ва психоллингвистикадан узоқ турмаслиги аён бўлган эди. Чунки инсонга таъсир кўрсатишнинг лисоний механизмлари тадқиқи бу йўналишларнинг барчаси учун бир хилда ҳосилдир. Уларнинг барчаси ягона бир прагматик муносабатнинг турли жиҳатлари билан қизиқади. Аниқроғи, лисоний таъсир механизмларининг синон–тажрибалар орқали ўрганилиши (социоллингвистика ва психоллингвистикада) қабул қилувчи прагматикасини ўрганиш учун қулай бўлса, нутқий актлар ва дейктик иборалар таҳлили эса ахборотни узатувчининг прагматикасини намоён қилади. Охири ҳолатда асосий эътибор лисоний шаклнинг сўзловчи мақсадини ифодалашга нақадар мос келиши масаласи муҳимлашади. Матннинг прагматик имкониятларини билиш, ўз навбатида, бошқа мундарижадаги прагматикани, яъни ахборот ёки хабар прагматикасини юзага келтиради. Ушбу турдаги прагматик мазмун таржима прагматикасига ҳам тааллуқли.

Мазкур йўналишда, биринчидан, тадқиқ объекти матн бўлиб, тил бирликларининг матнда қўлланишида ҳосил бўладиган маъно хусусиятлари таҳлил қилинади. Албатта, бу матн прагматик хусусиятлари ва алоҳида луғавий бирликлар прагматик имкониятларни бир хил талқин қилинишига олиб келмаслиги керак. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам таҳлил методлари умумий бўлиши мумкин.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларда сўзловчи (муаллиф) мақсади ва ўтказилаётган таъсир самараси ёрдамчи ролни ўтайди. Шунга нисбатан, прагматикага оид тадқиқотларда асосий таҳлил бирлиги тўлиқ шаклланган матн ёки бошқа турдаги нутқий, дискурсив тузилмалар бўлади. Зеро, лисоний бирликларнинг прагматик имкониятлари



фақат уларнинг матн, дискурс шароитида фаоллашувида намоён бўлади. Маънонинг контекстдан ташқаридаги ҳар қандай таҳлили тўлиқ эмас ва лисоний бирликнинг туб моҳиятини аниқлашни қийинлаштиради.

Тил бирликлари воситасида бажариладиган таъсир ҳақида гап кетганида тадқиқотчилар “прагматика” терминига мурожаат қилишга ўрганиб қолганлар ва “прагматик маъно”, “прагматик ахборот”, “прагматик вазифа” каби бирикмаларда қўлланилаётган бу тушунчага изоҳ беришни ҳам ҳеч ким ўйлаб ўтирмайди. Прагматика тушунчаси, одатда, таъсир кўрсатиш имконияти билан боғлиқ ҳолда қаралиб, мулоқот шароитида юзага келадиган мазмун орқали

англашиллади. Шунга биноан, биз прагматикани тилнинг ва унинг алоҳида бирликларининг, нутқий тузилмаларнинг адресатга таъсир ўтказиш хусусияти сифатини талқин қилишни маъқул кўрамиз. Шунингдек, прагматик мазмун нутқий бирликлар ёки матнда ифодаланган ахборотнинг адресат онгида янги тушунчаларни шакллантириш имкониятига эга бўлган қисмидир. “Прагматик воситалар” тушунчаси қўлланилишида эса маънони ёки унинг компонентларини ифодаловчи лисоний воситалар назарда тутилади, аммо ушбу воситаларнинг ассоциатив алоқалари матн, нутқий бирликларнинг прагматик мазмунини шакллантириши шарт.

Адабиётлар:

1. Cummings L. *Pragmatics: A Multidisciplinary Perspective*. – Edinburgh: EUP, 2005. 336 p.
2. Dijk T.A. van. *Pragmatics and poetics // Pragmatics of language and literature*. – Amsterdam: North Holl. publ. comp., 1976. – p 23-57.
3. Levenson S.C. *Pragmatics*. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1984. – 419 p.
4. Lyons J. *Semantics*. Vol. 2-3. – Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1977. – 897 p.
5. *Syntax and Semantics*. Vol. 9. *Pragmatics*. – N.Y.: Academic Press, 1978. – p. I-XIII.
6. Арутюнова Н.Д. Прагматика // *Языкознание: Большой энциклопедический словарь*. – М., 1998. – с. 389-390.
7. Арутюнова Н.Д. Речевой акт // *Языкознание: Большой энциклопедический словарь*. – М.: 1998. – С. 412-413.
8. Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // *Новое в зарубежной лингвистике*. Вып. 16. *Лингвистическая прагматика*. – М.: прогресс, 1985. – с3-47.
9. Богданов В.В. Соотнесенность семантического и прагматического компонентов в высказывании // *IV Международная конференция «Франці та Україна» Матеріали*. Т.І, . 1. – Дніропетровськ, 1997. – С. 11-12.
10. Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века // *Язык и наука конца 20 века*. – М.: 1995. – С.239-320.
11. Дридзе Т.М. *Язык и социальная психология*. – М.: Высшая школа, 1980. – 224 с.
12. Киселёва Л.А. *Вопросы речевого воздействия*. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1978. – 160 с.
13. Наер В.Л. Прагматический аспект английского газетного текста // *Сборник научных трудов МГПИИ*. Вып. 178. – М.: 1981. – С. 106-116.
14. Попечепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // *Прагматические и семантические аспекты синтаксиса*. – Калинин, 198. – С. 12-18.
15. Сафаров Ш. *Прагмалингвистика*. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 286 б.
16. Солганик Г.Я. *Лексика газеты ...* М.: Высшая школа, 1981. – 112 с.
17. Сусов И.П. *Лингвистическая прагматика*. Винница, 2006. 138 с.
18. Терентьева Л.П. *Семантика и прагматика лексических окказионализмов*. Автореф.дисс..... канд. филол. наук. – М.: 1983. – 19 с.



19. Холматова Вазира. Об определении понятия “прагматика”. В статье вкратце рассматриваются процесс развития прагмалингвистики как отдельного направления языкознания.

20. Kholmatova Vazira. About determination of the concept pragmatics.

21. The article is about definition of the concept “pragmatics” and shortly description of pragmatics as an independent branch of the linguistics.

Холматова В. О термине “прагматика”. Автор делает обзор дефиниций о термине “прагматика” и представляет своё мнение.

Xolmatova V. About the meaning of the term “pragmatics”. The author makes a survey of definitions of the term “pragmatics” and gives her opinion.



ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ТОЖИКЗАБОН ШОИРЛАР ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР

*Шерназаров Акмал Андиёқулович,
СамДУ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: адабий таъсир, маҳаллий тожикзабон шоирлар, Қашқадарё воҳаси, фольклоризмлар, фольклор ва ёзма адабиёт, поэтик анъаналар.

Фольклор асарлари жуда қадимдан ёзувчи ва шоирларнинг эстетик идеалини бойитишида битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилиб келган. Жуда кўп сўз санъаткорлари халқ ижодига қайноқ меҳр ва катта эътибор билан ёндашиб, асарларз яратишган. Бундай тажрибани бевосита Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий тожикзабон ижодкорлар орасида ҳам кузатиш мумкин.

Адабиётшуносликда фольклоризмлар муайян тизим сифатида ўрганилиб, унинг бир неча ички кўринишлари аниқланган [2, 3, 6]. Фольклоризмнинг ҳар бир кўриниши ўзига хос табиатга эгаллиги, бадиий-эстетик вазифаси билан алоҳидалик касб этади. Хусусан, унинг жанр, мотив, образ ва ритми стилизация қилиш асосида яратилган кўринишлари фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини янада мустаҳкамлайди.

Фольклорнинг бадиий қудратини дилдан чуқур англаган ижодкоргина унга эргаша олади. Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий тожикзабон ижодкорлар орасида ҳам бундайлар бор. Жумладан, Қашқадарё шоирлари Норхожа Чориев, Жуманазар Эшонқулов, Ғелоний таҳаллуси билан қалам тебратиб келаётган Абдумалик Ҳамидов, яна ғелонлик Шоназар Ҳақназаров ҳамда Меҳмон Нарзиқуловлар шеърий асарларида фольклор мавзу ва ғояларидан, образларидан, бадиий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланилгани, шу йўл билан улар ўз асарларининг халқчил бўлишига интилишганини кузатишимиз мумкин. Бу жиҳатдан Ғелоний таҳаллуси билан ижод қилиб келаётган Абдумалик Ҳамидов шеърлари алоҳида эътиборни тортади.

Касбига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасининг мутахассиси бўлган бу инсон ўзи яшаб турган ҳудудга хос оғзаки поэтик анъаналардан завқ олиб, кўпдан бадиий ижодга қўл уриб келмоқда. Унинг ижод дурдоналаридан тузилган шеърий тўплами тожик тилида “Ғелони ман – қони ман” номи билан 2011 йил Тошкентда чоп бўлган. Тўпламдан жой олган шеърлар орасида халқнинг баҳорий анъаналарини мадҳ этувчи “Наврўз омад”, “Таровати баҳор”, “Суманак”, “Омад баҳори нозанин”, “Борон меборад”, тўй қўшиқлари руҳида яратилган “Тўйи висол”, “Духтари азизам туй”, марсия (йўқлов) характеридаги “Дилам пора – пора шуд”, “Туро дигар намеёбам”, “Ёдгорӣ”, халқ болалар қўшиқлари мазмуни ва оҳангида битилган “Гулу лола баромад”, “Оши момом бомаза”, “Духтаракам калон шуд”, “Набераи ман”, “Ало духтар”, шунингдек, топишмоқ жанрига хос “Чистонҳо”, яна бир қатор ҳажвий шеърлар бевосита фольклорий жанрлар, образлар, мотивлар ва оҳанг стилизацияси ҳосиласи экани билан эътиборни тортади. Ижодкор қўлланган фольклоризмлар у яратган шеърий асарларнинг бадииятини ва халқчиллигини оширишга хизмат қилган. Айниқса, ижодкор фольклордаги умуминсоний ахлоқий қарашларни ёзма бадиий ижодга бевосита фольклоризмлар воситасида кўчиришга, ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга садоқат туйғусини қарор топтиришда этнографик фольклоризмлардан фойдаланишга ҳаракат қилгани эътиборлидир.

Абдумалик Ҳамидов ўзи яратган чистонлардан бирида кўз ва киприкни шундай метафоралаштирган:

Дараки шона-шона,



Даруни дута хона.
Ду дурбини замона,
Шона дар рӯи шона[1, 102].

Муаллиф кўзга ишора сифатида дурбин образидан фойдаланмоқда. Бунда у кўз ва дурбиннинг “кўриш” вазифасини назарга тутгани аён. Маълумки, халқ топишмоқларида кўзнинг миқдоридан келиб чиқиб, унга нисбатан “икки” сифатлаши кенг қўлланади. Шу анъанага мувофиқ, юқоридаги топишмоқ (чистон)да кўз “икки хона” – “дута хона” дея сифатланмоқда.

Шоирнинг яна бир чистони “чурғот”, яъни “суюқ қатик” (шева тили билан айтганда, “чакка” ҳақида:

Дар шохи дарахт овезон,
Виз-виз кунон обаш резон.
Шикамчааш холи шудасть,
Тагашба об чорӣ шудасть.
Обаш ранги зард дорад,
Хулаш ранги орд дорад.
Хўроки одамон аст,
Ба ҳар дарде дармон аст[1, 102].

Бу топишмоқ нафақат бадиий, балки этнографик моҳиятга эгаллиги билан ҳам кизиқарлидир. У орқали ёшлар қатикнинг қандай тайёрланиши билан боғлиқ жараёнлардан огоҳ бўладилар. Бинобарин, қатик тайёрланиши учун дастлаб сут ачитилади. У суюқ қатик ҳолига келгач, маҳсус халтага солиниб, дарахт шохига осиб қўйилади. Ундан сариқ зардоб ажралиб оқади. Зардобидан ажралиб, қуюлган масса оқ тусга киради. Шу кўринишда у истеъмол қилинади. Хуллас, мана шу воқелик мазкур чистонда ифода этилган.

Муаллифнинг “Суманак” номли эл орасида сумалак пишириш анъанасига бағишланган шеъри, аввало, халқ оҳангларида яратилгани билан эътиборни тортади. Маълумки, халқнинг сумалак ҳақидаги кўшиқлари, одатда, сумалакка мурожаат билан бошланади. Худди шунингдек, шоир Ғелоний ҳам ўз шеърини шу қутлуғ таомга мурожаат қилиш кўринишида битган:

Суманак, эй суманак,
Дар ду деги калонак.
Мечўшад биқир-биқир,

Дар гирдаш ҷавону пир[1, 23].

Ушбу шеърда шоир сумалакнинг катта ошқозонларда тайёрланишига, унинг атрофида ёшу қари жам бўлиб, қўшиқ ва рақслар ижро этишига, яхши тилаклар қилишига ишора қилиб ўтади. У ёзади:

Їавон бистсола шавад,
Бобо садсола шавад[1, 123].

Келтирилган ушбу мисраларда олқиш жанрининг стилизацияси кузатилмоқда. Чунки эзгу ният изҳори олқиш жанрига хос муҳим хусусиятдир.

Ғелонийнинг “Духтари ҷонам, куҷой?!” сарлавҳали шеъри халқнинг мотам маросими билан боғлиқ йўқлов кўшиқлари мазмуни, руҳи ва оҳангида яратилгани билан диққатни тортади. Бу шеър қуйидаги сатрлар билан якун топган:

Бо ту ҳаётим пур аз маъно буд,

Духтари ҷонам, гули хонадоним
куҷой?!”

Эй чарх, раҳм накардӣ ба аҳволи
Малик,

Фарзанди азиз аз ҷисму ҷонам,
куҷой?![1, 54]

Шеър мазмуни орқали шоирнинг фарзандидан эрта жудо бўлганини, бундан унинг қаттиқ руҳий изтироб чекаётганини англаш мумкин. Бу мавзунинг ижодкор яна ўзининг “Дилам пора-пора шуд”, “Туро дигар намеёбам” каби шеърларида ҳам ёритган.

Муаллиф “Туро дигар намеёбам” шеърини “марсия” деб атагани кузатилади:

Аё эй духтари ҷонам,

Будӣ дурӯза меҳмонам.

Маликат, эй малики ман,

Бароят марсият хонам[1, 51].

“Дилам пора-пора шуд” шеърини муаллиф тобутга нисбатан халқ орасида кенг тарқалган “чўбин от” бирикмасини қўллагани кузатилади:

Эй вой, бечора дилам пора-пора шуд,

Дарду ғаму ҳасратим беканора шуд.

Дарду алами Зилола кард маро адо,

Ҷони азизим ба аспин чўбин савора
шуд[1, 50].

Жуманазар Эшонзода (Эшонкулов) шеърларида ҳам фольклоризмлар: мақол,



матал, қўшиқ, ривоят каби қатор жанр ва шеърий шакллар бугунги лирик қаҳрамоннинг руҳий оламини очишга йўналтирилади. Унинг ушбу шеъри фикримизнинг ёрқин далилидир:

Наварўси субҳи фирўз омадаст,
Сабза бо домони гулдўз омадаст.
Куртаи атлас ба тан Модар-Замин,
Интизори шамси дилсўз омадаст.
Бо дили пурҳаҷр бо сабру шитоб,
Булбули хушхон чигарсўз омадаст.
Фарши зебо маҳфилорои дил аст,
Борбади ромишгар имрўз омадаст,
Бо сари таъзим ба сад нозу ниёз,
Лўъбатосо пайки Наврўз омадаст.
Омадӣ, хуш омадӣ, айёми ишқ,
Ишқро фархунда ин рўз омадаст[8,

34].

Гелонлик яна бир ҳаваскор ижодкор Шоназар Ҳақназаров миллати тожик бўлса-да, ўзбек тилида қалам тебратган. Унинг ҳам бир шеърида худди юқоридаги каби халқона иборалар асосида ўлим ҳодисасига муносабат билдирилгани кузатилади. Жумладан, у ёзади:

Илиқ сув билан ювсалар,
Ёқасиз тўн кийдирсалар,
Эгарсиз отга миндирсалар,
Минмаган одамни кўринг...[9, 65].

Ижодкор қўллаган “ёқасиз тўн” – кафан, “эгарсиз от” – тобут учун халқ орасида ишлатиладиган метафоралардир.

Шоназар Ҳақназаровнинг шеърий машқлари орасида “Фарзанд доғи ҳақида”, “Марсия” ҳамда “Наврўз муборак” каби шеърлари жанр ва мотив стилизациясига асосланган фольклоризмларни ўзида намоён этганлиги билан эътиборни тортади.

Ижодкор “Фарзанд доғи ҳақида” шеърида халқ йиғи ва йўқлов кўшиқларидаги каби ҳаётни, инсон умрини шамчиروққа ўхшатган. Муқаддас исмли кизининг бевақт ўлимидан ўртанган

муаллиф, ҳеч кимса фарзанд доғини кўрмаслигини тилайди. Беғубор қизалоғининг жаннат боғларида юрганига ишонади.

Шоназар Ҳақназаровнинг “Марсия” номли шеъри икки қисмдан иборат бўлиб, у ҳаётдан бевақт кўз юмган набиралари Мансуржон ва Сафожонлар хотирасига бағишланган.

Ижодкорнинг “Наврўз муборак” шеъри наврўзий кўшиқларга хос олқиш руҳида яратилгани жиҳатидан диққатни тортади.

Наврўзликларда кўпинча гулларнинг очилиши, булбулларнинг хуш хонишлари, пурсаховат табиатнинг дилраболиги тасвирланади. Деҳқонободлик шоир Норхоҷа Чориев ҳам халқ кўшиқлардан илҳомланиб, Наврўз ҳақида шундай ёзади:

Баҳор омаду дар ҷаҳон ранг рехт,
Табиат навое хушоҳанг рехт.
Баҳор омаду дар чаман ранг зад,
Муғанни дар ин базми гул чанг зад.
Навои хуш андар фазо мавҷ зад,
Табиат биёмад ба ракси хирад.
Баҳор омаду лолаҳо бардаמיד,
Зи абри фазо ашки борон чакид.
Баҳор омаду шуд ҷаҳон ранг – ранг,
Зи оҳанг сабзид гул аз мағзи санг[5,

56].

Ёш шоир Меҳмон Нарзиқулов ҳам гелонликдир. Унинг қаламига мансуб бўлган “Ой Наврўз!”, “Эй дилбар”, “Гелон” каби шеърлар халқона кўшиқлар оҳангига яқинлиги кузатилади[4].

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий ҳаваскор тожикзабон шоирлар ўзлари яратган шеърий асарларда фольклор мавзу ва ғояларидан, образларидан, бадиий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланиб, уларнинг халқчил бўлишига интилганлар.

Адабиётлар:

1. Абдумалики Ҳамидзодаи Гелонӣ. Гелони ман – ҷони ман. Маҷмӯаи шеърҳо. – Тошканд: Тафаккур қаноти, 2011. – 104 б.
2. Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-ч годов): Автореф. дисс. ...канд.наук. – Тошкент, 1985. – 24 б.



3. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 56 б.
4. Нарзикулов Меҳмон. Дуъои модар. Маҷмӯаи шеърҳо. –Тошкент: Янги нашр, 2016. – 45 б.
5. Чориев Норхоҷа. Паёме аз жарфҳои сукут. Маҷмӯаи шеърҳо. – Самарқанд: Суғдиён, 1997. – 78 б.
6. Шарипова Лайло. X асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. – 152 б.
7. Ҷуманазар Эшонзода. Чашми дил. Маҷмӯаи шеърҳо. –Бухоро: “Бухоро”, 1997. – 68 б.
8. Ҷуманазар Эшонзода. Рози дил. Маҷмӯаи шеърҳо. –Бухоро: “Бухоро”, 1998. – 87 б.
9. Ҳақназаров Шоназар. Умр фасллари. Хотиралар, ҳикматлар, шеърлар. -Тошкент: MASHNUR PRESS, 2016. – 134 б.

Shernazarov A. Folklorisms in the works of local Tadjik poets in Kashkadarya valley. This article shows that folklore is one of the important literary factors which influences Tadjik poets of Kashkadarya region and promotes of the folklorisms.

Шерназаров А. Фольклоризми в творчестве местных таджикоязычных поэтов Кашкадарьинского региона. В данной статье рассматривается проблема влияния фольклора в творчестве местных таджикоязычных поэтов Кашкадарьинского региона как один из важных влиятельных литературных факторов.



СЕЗИШ ҲИССИЁТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ (ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Адашуллоева Гулноза Муҳайбиновна,

СамДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Калит сўзлар: сезиш, ҳиссиёт, антропоцентризм, семантик майдон, фразеологик тизим.

Маълумки, “Олам бир бутун тизимдир. Унинг тизимлиги шундаки, у ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи элементлар муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Бу яхлитлик кичик бутунликларга бўлинувчанлик хусусиятига эга. Элементлар маълум умумий белгиларига кўра синфларга бирлашади ҳамда синфга бирлашган элементлар шу синф таркибида бир-биридан фарқли белгиларига кўра ажратилади. Тилшуносликда майдон талқини бўйича Л.Новиков тил лексик системасининг ўзаро мураккаб муносабатлари, Г.Шур майдон назарияси муаммолари, А.Абувалиев синтактик сатҳнинг тўсиқсизлик категорияси, Т.Нарзикулов функционал семантик майдоннинг морфемикага доир хусусиятлари, Ҳ.Ҳожиева ҳурмат майдони, Ш.Искандарова шахс микромайдони, А.Собиров семантик майдон ҳосил қилувчи бирликлар ҳақида тадқиқотлар олиб боришган [1].

Тилда мавжуд нарсаларнинг яхлит бир тизимни ташкил қилиши нуқтаи назаридан шахс хусусиятини ифодаловчи иборалар семантикаси масалалари ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. Антропоцентризм нуқтаи назаридан, тил тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, шахс хусусиятини ифодаловчи аспект ўз таркибига, бир томондан, нутқ фаолияти мавжуд бўлмаган психолингвистик жараёнларни олса, бошқа томондан нафақат интуитив, балки онгли интеллектуал фаолиятга ёндашувчи ижодий фаолият билан иш кўришни тақозо этади. Бунда шахс хусусиятини ифодаловчи омил уч соҳада намоён бўлади: инсон психологик фикрлаш дунёси, инсон ички нутқи билан бевосита

боғлиқ интеллектуал нутқни намоён қилиш, новербал воситаларни жалб этиш[2]. Олдинроқ ҳам таъкидлаб ўтилганидек, А.Маматов инсоннинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи ибораларни шодлик (*даҳонаш ба гўшаи расид // оғзи қулогига етди*), таажжуб (*гиребонаширо гирифтан // ёқасини ушламоқ*), кўрқув (*нафасаи фурўнишин гаштан // нафаси ичига тушиб кетди*) сингари ўнга яқин фразеосемантик гуруҳга[3], Д.Худойберганова ўзбек тилида турғун ўхшатиш эталони асосида ҳосил бўлган ибораларни тилнинг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлиги сифатида[4] инсон аъзолари (*чун шаҳриёр алифқомат // амирдек тик қомат*), ташқи кўриниши (*ҳамчун моҳ сафед // ойдек гўзал*), жисмоний хусусияти (*чун гул нозук // гулдек нафис*), хатти-ҳаракати (*монанди буз чаҳидан // эчкидай сакрамоқ*) сингарилар билан боғлиқ бўлган бир қатор гуруҳларга бўлиб ўрганган.

Тожик ва ўзбек тиллари шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлари таҳлилида инсон ҳиссиётларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган таснифдан келиб чиққан ҳолда инсон руҳий фаолияти унинг турли мураккаб ва кўп қиррали ҳиссиётларида намоён бўлиши маълум бўлди. Бунда инсон билим олиш жараёнлари (ҳиссиётлар, қабул қилиш, фикрлаш, тасаввур), иродавий ва эмоционал жараёнлар ҳамда шахснинг турли руҳий хусусиятлари (тавсифий ҳиссиётлар, ирода, тафаккур ва фикрлаш сифати), инсон руҳий ҳолати сингарилар билан боғлиқ ҳиссиётлар юзага келади.

Психология, этика ва лингвистика бўйича тадқиқотларга таянган ҳолда ва



фразеологизмларни белгилашнинг дефиницион услубини қўллаш билан биз шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмлар майдонини қуйидаги микрогуруҳлар асосида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: **сезиш** (*чаим давондан // кўз югуртирмоқ*), **хотира** (*ба ҳуш омадан // эсга келмоқ*), **фикрлаш** (*ба тарозу андохтан // тарозига солиб қўймоқ*), **тасаввур** (*пешомадро башорат кардан // келажакни олдиндан билиш*), **ҳиссиёт** (*қоматини тик қилиб юрмоқ // сар бардошта гаитан*), **ирода** (*ба гап истодан // ўз сўзида турмоқ*)ни ифодаловчи микрогуруҳ. Бу микрогуруҳлар ҳам ўз навбатида бир қатор кичик гуруҳларга бўлиниб кетади. Масалан, шахс хусусиятини ифодловчи микрогуруҳ – **ростгўйлик** (*пўсту каллаширо гуфтан // дангалини айтмоқ*), **айёрлик** (*равгани морро лесидাগй (хўрдагй) // илон ёгини ялаган*), **кўрнамаклик** (*нонро пешпо задан // нон тепкилик қилмоқ*), **гайирлик** (*бахилй кардан // бахиллик қилмоқ*), **икки юзламачилик** (*дурўягй кардан // мунофиқлик қилмоқ*) каби гуруҳларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур мақолада **сезиш** билан боғлиқ ҳиссиётларни ифодаловчи фразеологизмларнинг таҳлилига оид фикр юритмоқчимиз.

Фразеология маълумотларига кўра, ҳиссиёт бу мувофиқ сезгичларга бевосита моддий таъсири остида организм ички ҳолатлари ҳамда моддий дунё ходисалари ва предметлари алоҳида хусусиятлари аксидан иборат бўлиб, содда психик жараёнлардир[5].

Ҳиссиётларга мувофиқ сезгичга таъсир натижасида юзага келиши сабабли, ҳиссиётлар таснифи, уларга таъсир этувчи ходисалар хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан сезгичларнинг таъсирланиш даражасидир. Сезгичлар акс этиши ва жойлашиши тавсифига қараб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: кўриш, эшитиш, ҳид сезиш, пайпаслаш ва таъм билиш. Сезиш ҳиссиётлари таркибига пайпаслаш ҳиссиётлари билан бир қаторда алоҳида ҳиссиётлар тури ҳам киради, яъни

хароратни сезиш. Эшитиш ва пайпаслаш ҳиссиётлари орасидаги ҳолатни тебраниш ҳиссиётлари эгаллайди. Инсон ташқи муҳитида ориентацияланиш хабардорлигига мувозанат ва тезлашиш ҳиссиётлари катта аҳамиятга эга [5, 184-185].

Сезиш микрогуруҳи, атроф-муҳит ҳиссиётларини унинг барча шакллари ва турларида акс эттиради: товуш ва ранг сезиш қобилияти, ҳид ва харорат сезиш қобилияти, катталик ва бошқалар. Мазкур микрогуруҳ, ўз навбатида, қуйидаги таггуруҳларга бўлиниб кетади:

1. Кўриш қобилиятини ифодаловчи кичик гуруҳ.

Мазкур таггуруҳ кўриш қобилияти жараёнлари орқали юзага келиб, бу ҳолат тожик ва ўзбек тилларида кўз лексемаси мавжуд бўлган фразеологик бирликлар орқали ёритилади. Бу табиий бўлиб, кўз кўриш органи, кўриш ҳиссиётлари доирасига киради: *чаим давондан // кўз югуртирмоқ, чаимакй задан // кўз уриштирмоқ, чаим паридан // кўзи учмоқ ва бошқа*.

Турли ҳиссиётларни акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳар томонлама ҳиссиётларнинг сифати, жадаллаштируви, давомийлик ва маълум бир тўхтамага келишга олиб келади, яъни психологияда қабул қилинган барча ҳиссиётларнинг умумий хусусиятини ифодалайди[5, 184-216].

